

**Ҳамидулла Дадабоев**

**АМИР ТЕМУРНИНГ  
ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ**

**Тошкент  
«Ёзувчи» нашриёти**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҒЛЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҲАМИД СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚЎЛЕЗМАЛАР  
ИНСТИТУТИ

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикаси Фағллар  
академиясининг академиги  
Азизхон ҚАЮМОВ

Д 4702620204—5 41—1996.  
М 362 (04) — 96

© Ҳ. ДАДАБОЕВ, «Езувчи  
нашриёти, 1996 й.

ISBN—5—8255—0341—2

## БУЮК САРКАРДА

Демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари асосида ривожланиш ва тараққий этиш йўлига дадил қадам қўйиб, ўз миллий давлатчилигини қайта тиклаётган келажакги буюк Мамлакатимиз бу борада умумбашарий тараққиётга, бошқа халқлар эришган тажрибаларга, айниқса, ижтимоий қадриятларга суянмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганпдек: «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк мамлакатимиз томирларига, қадимий меросимиз илдишларига қайтиб, ўтмишдаги бой аъёналарни янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак!».

Ўзбек халқи довруғини бутун дунёга таралишида ўзининг бетакрор даҳоси билан жаҳон тафаккур ва маданият хазинасининг бойи, тақомиллашиб боришига бебаҳо улуш қўшган Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Абдулла Қодирий сингари атоқли аждодларимизнинг ўрни ва роли беқийёсдир.

1996 йили таваллаудининг 660 йиллиги улкан тантаналар ва кўтаринки руҳ билан нишонланиши кутилаётган, XIV асрнинг ўрталарида сиёсий майдонга чиқиб, Мовароуннаҳрда бир ярим аср давом этган мўғул хонлари зулми ва истибдодига барҳам берган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан кучли, марказлашган, мустақил давлат барпо этишдек олий мақсадга бор куч-ғайратини, билимини, истеъдодини, қобилиятини бағишлаган, ўз гоёларининг ушалиши йўлида, Дашти Қипчоқ, Жата, Хоразм, Хиндистон, Эрон, Ироқ, Шом, Кавказ, Кичик Осиё, Миср каби мамлакатлар ва юртларга ҳарбий юришлар қилган улут саркарда, давлат арбоби Ҳазрати Соҳибқирон Темурбек Қўрагоннинг ҳаёти ва фаолияти мана бир неча юз йиллардан бери тарих саҳифаларидан ўрни олб келмоқда.

Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида таъкид этилган. 24 февраль, 1993 й.

Шарқ ва ғарб тилларида буюк тарихий сиймо Темурбек тарихига оид солломлар, адабий-бадиий, илмий асарлар вужудга келди. Жаҳонгир ҳақидаги ҳар дони ҳам реал тарихий воқеаликка мос келавермайдиган турли-туман афсона ҳамда ривоятлар тўқилиб, машриқу мағрибга тарқалиб кетди.

Сир эмас, совет тарихшунослиги, сиёсатшунослиги ва адабиётшунослигида Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти, у яратган марказлашган давлатнинг туб моҳияти, боли гоёси, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, диний нуқтаи назардан жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти аксарият ҳолларда ҳукмрон марксист-ленинча дунёқараш замирида сохталантирилди, мазмуни жўрттага бузиб талқин қилинди.

Истиқлол туфайли республикамизда содир бўлаётган туб демократик ўзгариш ва қайта қуриш жараёни Темурбекнинг туркий халқлар давлатчилиги анъаналарини, тажрибаларини, ислом ҳамда шариат қонун-қоидаларини барпо этилган қудратли давлатнинг асосий дастури қилиб, ўз сиёсати ва ҳукмини заминининг жуда кенг миқёдаларига ёйишга ҳақидаги бор ҳақиқатни боқаму кўст билишга, рўй-рост англаб олишга имконият яратди.

Бутун оғли умирини «рости расти», яъни «ҳақ бўлсанг, нажот топсан», «куч-адолатда» сингари нисонларварлик руҳи билан йўғриган шпорларга суянган ҳолда сиёсат юритишга сарф қилган Темурбекнинг табиат инъом этган ақл-заковат, қобилият ва ҳарбий маҳоратни ишга солиб, давлатни идора қилиш усули ҳамда услублари андозаларини белгилаб бериш борасидаги сазй-ҳаракатлари, илгари сурган фикр-мулоҳазалари ўз ўтмишига янгича назар билан ёндошаётган бугунги авлод томонидан ҳар томонлама чуқур илмий асосда ўрганилмоғи, ижтимоий фан соҳалари мутахассислари олиб боражак тадқиқотлар учун мавзу бўлмоғи керак.

Бизнингча, Темурбек асос солган марказлашган йирик феодал жамият ва у олиб борган сиёсат тўғрисидаги ҳолис фикрни сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, иқтисодчилар айтгани мақсадга мувофиқ.

Биз эса кенг китобхонлар афкор оmmasига ҳавола қилинаётган ушбу рисолада Темурбекнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шухрат танишида боли омили ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик истеъдоди, ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарб санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси хусусида миқбаларда қайд этилган аниқ маълумотларга таянган тарзда ўз мулоҳазаларимизни баҳоли қудрат билдирмоқчимиз, ҳоло.

Муҳтарам ўқувчиларимизни ушбу рисолада Соҳибқирон исмининг Амир Темур эмас, балки Темурбек шаклида берилиши албатта, қизиқтирса керак. Бу борада шунини алоҳида таъкидлаш лозим бўладики, Мовароуннаҳрда туркида битилган асарларнинг деярли барчасида жаҳонгирнинг муборак номи ушбу рисолада келтирилган шаклда қайд этилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома» асирида Соҳибқирон номини ўттиз марта тилга олар экан, бирор марта ҳам Амир Темур демасдан Темурбек деб юртади. Ушбу ҳолатни биз Алишер Навоий асарларида, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» дostonида, муаллифи номаълум «Таворихи гузида. Нусратнома» (XVI) сингари ёзма обидаларда кузатишимиз мумкин.

Соҳибқироннинг биз келтираётган тарзда номланишини у зот барҳаётлигида ёзилган ҳужжатлар, кундаликлар ҳам тасдиқлайди.

Жумладан, 1403—1406 йиллар давомида Самарқандда расмий

ташриф билан бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Соҳибқироннинг ҳақиқий номи Темурбек эканлигини қайд этиб ўтади.<sup>1</sup>

Англия қироли Геврих IV нинг 1402 йили, Франция қироли Карл VI нинг 1403 йил 15 июнида Соҳибқиронга йўллаган мактубларида ҳам Жаҳонгирнинг номи Темурбек шаклида келтирилади.<sup>2</sup>

Юқорида зикр этилган ашъвий далиллардан келиб чиққан ҳолда буюк юртдошимизнинг исмини аксарият форсий адабиётда қайд этилган, Эрон ва Турон халқлари орасида шуҳрат топган Амир Темур шакли билан бир қаторда Темурбек шаклида қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимуру [1403—1406].* Перевод со староиспанского. М., Наука. 1990, б. 69.

<sup>2</sup> Қаранг: *И. Умияков. Из истории международных отношений Средней Азии с западной Европой в начале XV в. М., 1960. б. 7, 8.*

## ИСТЕЪДОДНИНГ САЙҚАЛ ТОПИШИ

Темурбек ибн Тарагай ибн Абагай 1336 йилнинг 9 апрелида Мовароуннахрнинг гўзал шаҳарларидан бири бўлмиш Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) га қарангли Хўжа Илгор қишлоғида дунёга келди<sup>1</sup>.

Темурбек ёшлик чоғидан ҳарб ишига ўзгача муҳаббат ва эҳтирос билан қарай бошлади. Унда ҳарбий санъатга бўлган қизиқишнинг ўта эрта пайдо бўлишида надари бузруквори, амир Қазаган (1358 йили шаҳид бўлган) давлатнинг арконларидан бири, мардлиги, шижоати ва олижаноблиги билан ном чиқарган амир Тарагайнинг (1360 йили вафот этган) маълум даражада таъсири борлиги шубҳасиз.

Навқирон ёшга етган Темурбек салкам бир ярим асрлик мўғуллар истеъдодига чек қўйиш, феодал тарқоқлик натижасида Чингай улусида ҳукм сураётган ўзаро низолар ва урушларга барҳам бериш, ташқи ва ички зугум туфайли тинкаси қуриган халқ оммасига мадад қўлини чўзиш, хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта обод қилиш, улусни ташқаридан бўладиган босқинлардан ҳимоя қилиш сингари олижаноб мақсадларни юзага чиқаришнинг бирдан-бир йўли — ҳокимиятни қўлга киритиш эканлигини яхши англаб етади. Яқин йиллар ичида рўёбга чиқажак режалари ҳақида Темурбек аввалдан уни қўллаб-қувватлаган, кейинчалик эса унинг садоқатли ва ишончли бек ҳамда саркардалари қаторидан ўрин олган Аббос, Довуд, Қумари, Муаййид, Сайфуддин, Сарибўға,

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур* [Темур тарихида тақдир ажойиботлари] Тошкент. Меҳнат, 1992. 6-б; *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403—1406 годах. Подлинный текст с переводом и примечаниями И. Н. Срезневского*. СПб, 1881, б. 238. *Якубовский А. Ю.* Тимур [опыт краткой характеристики] Вопросы истории. 1946. № 8—9. б. 53.

Идику Темур, Жаку каби тенгқурлари билан очиқдан-очиқ ўртоқлашар эди. Дўстлари Темурбекнинг яқин кезларда давлатни эгаллаш, жуда катта ҳудудда барпо этиладиган кучли салтанатга асос солиш, атоқли саркарда бўлиб етишишини олдиндан сезгандай ўзларини унга яқин тутар, у бел соғлаган жуда масъулиятли ва шарафли ишга киришишда мададкор бўлишларини рўй-рост баён қилардилар.

Темурбек қасд қилган юмушни ниҳоясига етказишда унга таянч ва суянч бўлишга аҳд қилган, шодлик онларини ёки заҳмат азобларини у билан баҳам кўришга, оғир дақиқаларда ундан юз ўгирмасликка қасамёд қилган биродарларининг бегараз кўмаги ва айниқса, мўғул босқинчилари зулмидан азият чеккан Мовароуннаҳр халқи барча табақаларининг қўллаб-қувватлаши ҳамда бевосита иштирокида 1370 йили ҳокимиятни қўлга олиш, Шимолий Анадўли, Ҳиндистон каби минтақаларга бирлигидан маҳрум бўлган мамлакатни бирлаштириш, истиқлолни қайта тиклаш бахтига муяссар бўлади.

Темурбек тахтга ўтириш боиси ўлароқ ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда содир бўлган ижобий ўзгаришлар ўз ифодасини ҳарб ишида ва ҳарбий санъатда ҳам намоён этади.

Асосий қарвон йўллари устидан назорат ўрнатиш<sup>1</sup>, улус қудратини янада ошириш, халқ турмуш тарзини яхшилаш сингари устувор мақсадлар йўлида Темурбек ўша даврда тенги йўқ ҳарбий кучлари билан Жата, Эрон, Афғонистон, Кавказ, Ироқ, Шом, Миср, Дашти Қипчоқ, Шимолий Анадўли, Ҳиндистон каби минтақаларга бир неча бор қўшин тартиб борди, оламшумул зафарлар қучди.

Ҳарб тарихи Темурбекни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида, ҳақли равишда, тан олади.

Унинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Самарканд при Тимуре и тимуридах. Очерк А. Ю. Якубовского с двадцатью автотипиями. Л., 1933, б. 13, 15-16.

<sup>2</sup> Қаранг: Муминов И. М. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии. Ташкент, 1968, б. 28—29, Граков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Урта ва унинг қулаши. Тошкент, 1956, 288—318 б. Автобиография Тимура. Богатырские сказания о Чингизхане и Аксак-Тимуре. М.—Л., 1934; Иванин М. И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тимуране. СПб., 1875; А. Ю. Якубовский-Тимур... б. 68.

Буюк лашкарбоши ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Темурбек ўта интизомли армия тузишга, муҳораба чоғида қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тadbиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговар руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди.

Соҳибқирон турк-мўғул халқлари, хусусан Чингизхон лашкари тузилишини, уларнинг жанг олиб бориш амалларини атрофлича ўрганиб, таҳлил қилади ва зарур ўзгартиришлар киритади.

Темурбек барпо этган армиянинг тузилиши Чингизхон тузган қўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлса-да, бироқ қўидаги муҳим жиҳатлари билан фарқланар эди:

1. Чингизийлар қўшини яъни мажбурият асосида ҳарбий хизматга чиқариладиган халқ лашкаридан иборат бўлган ҳолда, Темурбек армияси умумхалқ характериға эга эмас эди.

2. Чингизхон даврида қўшин асосини кўчманчи омма ташкил қилган эди. Темурбек қўшинига олий бош қўмондан кўрсатган аниқ талабга биноан чорвадорлар қатори косибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан машғул ўтроқ аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар олинган<sup>1</sup>.

3. Темурбек қўшинида ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилувчи отлиқ аскарлар билан бир қаторда пиёдалардан тузилган қисмлар ҳам анчагина бўлган. Маълумки, Чингизхон қўшини, забт этилган мамлакатлар аҳолисидаги мажбурий тартибда тузилган ҳашарни ҳисобга олмаганда, пиёда аскарларға эга бўлмаган.<sup>2</sup>

4. Темурбек Шарқда биричилардан бўлиб ўз армиясига ўт сочар қурул, яъни тўп-раъдни олиб кирди.<sup>3</sup>

5. Соҳибқирон тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб боровчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил қилди.

<sup>1</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский Ю. А. Олтин Ўрда... 293 б.

<sup>2</sup> Қаранг: История народов Узбекистана. Т. 2. М., 1947. с. 362. Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрта... 293 б; Якубовский А. Ю. Тимур... б. 70.

<sup>3</sup> Қаранг: Беленицкий А. М. О появлении огнестального оружия в Средней Азии и Иране в XIV—XVI вв. //Известия АН СССР, Таджик. филиал. Сталинабад. 1949.



6. Темурбек жаҳон ҳарб санъати тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида етти қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этди.<sup>1</sup>

7. Темурбек армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг чоғи эркаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналари кўрсатган.<sup>2</sup>

Темурбек қўшини таркибини Мовароуннаҳр, Дашти Қишлоқ, Хуросон, Эрон, Бадахшон, Мўғулистон, Хоразм, Мозандарон, Жата сингари ерлардан йиғилган аскарлар ташкил қилар эди.

Унда мунтазам қўшинга хос бўлган кўпгина белгилар мавжуд эди: қўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жанговар тартиби — *ясол* жангдан-жангга такомиллаштирилиб борилган, армия ўз замонасининг илғор қурол ва техникаси билан қуrolланган, айнан бир турдаги қуrol-яроғ, аслаҳа-анжом билан таъминланган, қисмлар бир-биридан кийим боши, тутган байроқ ёки туғи орқали ҳам фарқланган.<sup>3</sup> Бундай ажралиб туриш жанг пайтида қўшинни бошқаришда жуда қўл келган.

Душман мудофаасини турли усуллар ёрдамида барбод қилиш, ғаним томоннинг йирик ва мустаҳкам мудофаа иншоотларига эга бўлган шаҳарларига қўққисдан кучли зарба бериш, забот этилган мамлакатнинг бошлиқларини ва, айниқса, лашкарбошиларини ҳибсга олиш, қалъа ҳамда қўрғонларни узоқ муддат давомида муҳосара қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг қамровда қуршаб олиш, унинг қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятларини бирин-кетин фатҳ этиш, душманини батамом яқсон этгунга қадар таъқиб қилиш, фатҳ бўлган юртларни бошқариш учун ўзининг ишончли вакилларини тайинлаш сингари стратегик мақсадларини кўзлаб иш юритиш Темурбекка қўшлаб зафарлар олиб келди.

Тактика жиҳатдан Темурбек армияси ўзига хос хусусиятларга эга эди. Қўшиннинг ясоли Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Чингизийлар қўшини жанговар тартибидан фарқли ўлароқ, етти қисм — *қўлга* ажратилган, разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жанг майдонида ҳамда юриш вақтида талаб да-

<sup>1</sup> Қаранг: Якубовский А. Ю. Тимур... б. 70.

<sup>2</sup> Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Кўрсатилган асар... II китоб, 99—100 б.

<sup>3</sup> Қаранг: Рагин Е. А. История военного искусства. т. II, М., 1957, б. 234.

ражасида ҳаракат қилиши учун зарур тадбир ва режалар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида оператив бошқаришга алоҳида катта эътибор қаратилган. Темурбек *ўнлик*, *юзлик*, *минглик* ҳамда *туман* қўмондонларини танлаш масаласига бевосита раҳбарлик қилган. Лашкарбошлик салоҳиятига эга бўлган қўмондонларнинг тўғри танланганлиги ва ўз жойига қўйилганлиги аксар ҳолларда жанг натижасининг муваффақиятли яқунлашишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Соҳибқироннинг ҳарб санъати ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири — қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча ганим кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ қисм — *кунбул*|| *кумбул*нинг жорий этилишидир. Бундай мутлақо янги ҳарбий қисм, тарихнинг гувоҳлик беришича, Александр Македонский, Гаанибал, Людвиг XIV, Буюк Фридрих, Чингизхон каби донгдор саркардалар қўшинида бўлмаган. Фақат XIX асрнинг атоқли лашкарбошиси Наполеон Бонапарт армиясининг жанговар тартибида қўшин қанотларини ҳимояловчи қисм мавжудлигини кузатиш мумкин. Ҳарбий мутахассисларнинг, Наполеон Шарқ мамлакатларига ҳарбий сафар қилишдан аввал Темурбек армияси тузилишини, унинг жанг олиб бориш йўл-йўриқларини синчиклаб ўрганган, зарур топган тактик усулларни ўзлаштирган деган мулоҳазаси, ҳар қалай, ҳақиқатдан йироқ эмас.<sup>1</sup>

Хўш, турк-мўғул халқлари армиясининг беш қисмдан иборат анъанавий жанговар тартибига ўзгартириш қачон киритилди, яъни ясолин етти қисмга бўлишга Соҳибқиронни қандай зарурият мажбур этди, деган саволнинг туғилиши табиий.

Ушбу саволга қониқарли жавоб олиш учун Темурбеkning Балх ҳокими амир Ҳусайн (1370 йили ўлдирилган) билан иттифокда 1365 йили Жата (Мўғулистон) хони Илёсхожага қарши қилган, тарихга «Лой жанги» номи билан кирган муҳорабада иттифокдошлар *чериги* қандай ясолда жойлашганлигини кузатиш керак бўлади.

Йирик қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирган Илёсхожа ҳужумини даф этиш мақсадида Темурбек ва амир Ҳусайн черик жамлайдилар.<sup>2</sup> Амир Ҳусайннинг

<sup>1</sup> Қаранг: *Иванин М. И.* О военном искусстве. ... б. 163.

<sup>2</sup> Қаранг: *Шарафиддин Али Яздий.* Зафарнома, Тошкент, Камалак, 1994 й., 103—113 бетлар.

сипоҳи Чиноз ва Тошкент оралиғидаги сув бўйини ўз қўнимгоҳи қилиб турган Темурбек қўшини билан қўнилади ва белгиланган будал — яъни, позицияларига тушади. Илёсхожа сипоҳи ҳам Бодом суви ёқасига ўрнашади. Муҳолиф томон қоровулларининг назари бир-бирига тўқнаш келгач, ҳар икки томон байроқларни ҳилпиратиб, дўмбираларни гўмбирлатиб, сафларни ростлайдилар. Амир Ҳусайн баранғарга бошчилик қилади. Баранғарнинг кунбулида арлат қабиласининг вакили Тиланчи, илғор қисм — ҳиравулда Улжайтуй апарди, Шер Баҳром, Пулатбўга, Фарҳод апарди, Малик баҳодир ва ўзга номдор баҳодирлар жойлашади. Жуванғарга Темурбек қўмондонлик қилади, унинг кунбулида Сарибугақичтоқ қавми билан туради. Ҳиравулда эса Темурхожа ўғлон тайинланади. Марказ — қўлда амир Жаку, амир Сайфуддин, амир Мурод барлос, Аббос баҳодир ва бошқа атоқли баҳодирлар жангга шай бўлиб туради. Баёндан Темурбек ва амир Ҳусайн черигининг ясоли барангар, жувангар, қўлдан иборатлиги, шу билан бирга барангар ҳамда жувангарнинг ҳар бири қўшимча аскар қисм-кунбул ва ҳиравулга эга бўлганлиги равшан бўлади. Бу ясолнинг нисбатан заиф томони шундан иборат бўлганки, барангар ва жувангарга қараганда қўл анча кучсиз бўлган, унинг на илғор қисми, яъни ҳиравули, на кўмакчи захира қисми ҳам бўлмаган.<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий иттифоқчилар лашкарининг сон жиҳатдан ғаним сипоҳидан зиёд бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Жанг бошланиш арафасида кучли жала қўйиб, жанг майдони лой бўлиб кетади. Намгарчиликнинг ҳаддан ташқари кучлилигидан кийим-кечак ва асбоб-анжом шу даражада оғирлашадики, инёдада ҳам, отлиқда ҳам қимирлашга мажол қолмайди. Жата лашқари бошларига кигиз ёпишиб, кийим-кечак ҳамда қурол-яроғни ёмғирдан пана қиладилар. Иттифоқчилар қўшини уларга яқинлашиши билан жаталиклар кигизлар остидан чиқиб, дам олиб турган отлар билан жангга ташланадилар. Темурбек ёвнинг амир Ҳамид ва унинг биродари Шангум нўён сардорлик қилаётган барангарига шикаст етказди. Аммо рақибнинг Шировул ҳамда Ҳожибек қўмондонлигидаги кунбули иттифоқчилар барангари кунбулидан устун келди ва унинг сардори Тиланчини қувлаб, ўнг қўлда турган амир Ҳусайн қошигача олиб боради. Саросима-

<sup>1</sup> Қаранг: Якубовский А. Ю. Тимур... 6. 70.

га тушган амир Хусайн аскарлари қочишга юз тутади ва тарқалиб кетади. Лашкарнинг ўнг қанотидаги вазиятдан хавотирга тушган Соҳибқирон ўз қўл остидаги ўн етти *фавж* билан амир Шамсуддин бошчилигидаги ғаним қисмга кучли зарба беради ва уни тўзитиб юборади. Қўлга киритилган ютуқни мустаҳкамлаш йўлида Соҳибқирон амир Хусайн ҳузурига чопар юбориб, биргалашиб душмanning асосий кучларига ҳужум қилишни таклиф этади. Бироқ, мутаккаббир амир Хусайн: «Бу жангда ҳеч тиришиш керак эмас ва бу борада ортиқча уринмаслик лозим»,— деб жавоб қайтаради. Эртаси жанг давом эттирилади ва Жата лашкари мағлубиятга учраб, қочишга тушади. Иттифоқчилар орқасига қарамай чекинаётган Илёсхожа аскарларини таъқиб қила туриб, амир Шамсуддин қисмидан ажралиб қолган аскарний гуруҳга дуч келиб қолади ва беихтиёр бу тўп билан *жидол* қилишга мажбур бўлади. Кутилмаган фурсатдан усталиқ билан фойдаланган душман ўз сафларини қайтадан тартибга келтиради ва таъқибчиларга қарши бирдан ҳужумга ўтади. Иттифоқчилар танг аҳволга тушиб қолади ва улар отларнинг жиловини орқага буришдан ўзга чора топа олмайдилар. Қочаётганларнинг отлари лой ва балчиққа ботиб қолади. Тўс-тўполонда ўн мингга яқин аскардан жудо бўлган иттифоқчилар Кешга қараб равона бўладилар. Мана шу мағлубиятдан керакли хулосалар чиқарган Темурбек 35 йил давомида олиб борган тўхтовсиз юришлари пайтида қўшинининг жанговар тартибини мутасил такомиллантириб туришга катта эътиборини қаратди. У қўшин маркази — қўлни илғор қисм-ҳиравул ҳамда мададкор қисм-*мағдавул* билан мустаҳкамлади ва уни фақат олий бош қўмондон олдида масъул қилиб қўйди.<sup>1</sup>

Тарихий манбаларда<sup>2</sup> келтирилган маълумотларга қараганда, отлиқ аскарлар Темурбек армиясининг зарбдор қисми ҳисобланган, улар огир ва енгил қурооллар билан қуроолланган суворий гуруҳларга бўлинган. Ёй, садоқ ва қилич билан енгил қуроолланган отлиқлар асосан разведка ва соқчилик билан шуғулланган, ўта зарур чоғдагина душман кучлари билан жанг қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

<sup>1</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 297—298 б; Якубовский А. Ю. Тимур... б. 70.

<sup>2</sup> Қаранг: Уложение Тимура. Казань, 1894, б. 52—53; Самарканд при Тимуре... б. 17; Иванин М. И. О военном искусстве... б. 149.

Дубулга, зирих (совут), қилич, ёй, садоқ, қалқон ва найза билан таъминланган оғир қуроли суворийлар сара жангчилардан тузилган, ганимнинг асосий зарбасига қарши турган, жанг натижасини ҳал этишда катта роль ўйнаган.

Юришга жўнашдан олдин Темурбек арқони давлат, вазирлар, саркардалар, беклар, амирларни ҳарбий кенгаш — *машваратга* чорлаган. Айни чоғда улуснинг турли вилоят ва туманларидан, шунингдек тобе юртлардан қўшин тўплаш учун махсус буйрак — *тунқал* эълон қилинган. Фармон керакли жойларга юқори мансаб эгаси, бош қўмондоннинг адъютанти — тавачи томонидан тезлик билан етказилган. Тавачининг зиммасига аскар жамлашдан ташқари қўшин қисмларининг қароргоҳ ёки сафардаги ўрни, жанговар тартиб — ясоли ҳамда бир жойдан иккинчи жойга қўчишни назорат қилиш ҳам юклатилган эди.

Тўнқалга биноан вилоят ҳокимлари, туман ёки шаҳар беклари, қалъа, қўрғон доруғаларининг Темурбек томонидан тузилган рўйхат-соғга<sup>1</sup> мувофиқ ўз жангчилари, зарур от-уловчи, қурол-яроғи, озиқ-овқати, ем-хашағи билан белгилаб қўйилган тўпланиш ўрни — *миод ерига* ўз вақтида кечикмасдан етиб келиши шарт ҳисобланган.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзилишига кўра, Темурбек Дашти Қипчоққа қилинган юриш (1390—1391) олдидан қўшинни бир йилга етадиган озиқ-овқат, қурол-яроғ, кийим-кечак ва бошқа сафар учун зарур ашёлар билан таъминлашни ўз ноибларига буюрган. Ҳар бир суворийга битта ёй, 30 та ўқ, бир садоқ, бир қалқон ва битта қўшимча от ажратилган. Юриш вақтида ҳар ўн жангчи бир чодир, икки белкурак, бир керки, бир ўроқ, бир арра, бир теша, бир болта, 100 дона нина олган.

Абдураззоқ Самарқандий ҳар бир жангчининг шунингдек, ярим ман оғирлигида арқон, бир дона пишик тери ва битта қозон олиб келиши лозим бўлганлигини қайд этади.<sup>2</sup>

«Темур тузуқлари»да таъкидланишича, сафар чоғида оддий аскарларнинг ҳар ўн саккизтасига битта чодир берилган. Ҳар бир жангчи иккита от, ёй, совут, қилич,

<sup>1</sup> Қарағ: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой Орды. Т. II. С. 185; Греков Б. Д., А. Ю. Якубовский. Олтин Ўрда... 294 б.*

<sup>2</sup> Қарағ: *Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 295 б; Якубовский А. Ю. Тимур... С. 69.*

жуволдиз, қоп, ўнта нина, арра ва тери халтага (чанач) эга бўлган.

Сара жангчиларнинг ҳар бештаси бир чодирга жойлашган. Уларнинг ҳар биттаси дубулға, совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган.

Ўзбегининг алоҳида чодирини бўлган. У совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ билан қуролланган ва бешта қўшимча от олиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўзбегининг ҳам алоҳида чодирини бўлган. Унинг қурол-яроғи қилич, ўқ-ёй, совут, садоқ, гурзи, ойболтадан иборат бўлган. Унга ўнта қўшимча от берилган.

Мингбеги чодирдан ташқари соябон билан ҳам таъмин этилган. Дубулға, зирх (*чаҳоройна*), совут, найза, қилич, садоқ ва ўқ сингари ранг-баранг қурол турлари билан қуролланган.

Пиёда аскарлар асосан қилич, камон ва керакли миқдордаги ўқ билан сафарга чиққан<sup>1</sup>. Миод ерида олий бош қўмондоннинг *боргоҳи* тикилган ва у турли ранг-даги туг ҳамда байроқлар билан безатилган. Белгиланган вақтда (*миод вақти*) да лашкаргоҳга етиб келган аскарлар қатъий тартиб ва интизом билан ўз бўлжар (*позиция*)ларини эгаллаган ҳамда юриш олдида ўтказилажак анъанавий ҳарбий кўрикка пухта тайёргарлик кўрабашлаган.

Соҳибқирон юриш пайтида тажрибали *сипоҳийларга* катта ишонч билдирган. Кўн маротабали сўқишларда суяги қотган, урупни ўзининг бош машғулоти деб сананган жангчилар сафар бошланганидан аввал жам қилинган, улар қирим-чиқим дафтарига, шунингдек давлатда маош-*улуф*а, озиқ-овқат, ем-хашак олувчилар рўйхатига киритилган. Тузиллишига кўра Темурбек армияси турк-мўғул халқлари учун анъанавий бўлган *ўн*, *юз*, *минг* ва *туманларга* тахсирланган. Уларга *ўнбеги*, *юзбеги*, *мингбеги* ва *туманбеги*лар сардорлик қилган<sup>2</sup>. «Темур тузуклари» да қайд қилинишича, қўшин қўмондонлари сафига Темурбек олийҳиммат, оқил, мард, тadbиркор, сезгир журъатли, саботли, ҳарб ишига жон-дилини бағишлаган истеъдодли шахсларни жалб этиш масаласига катта

<sup>1</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 52.

<sup>2</sup> Якубовский А. Ю. Тимур... б. 68. *Руи Гонсалес де Клавихо* Дневник путешествия в Самарканд по двору Тимуру (1403—1406) Перевод со старописавского. М., Наука, 1990: б. 146.

эътибор берган. Ҳар бир бек ёки амир ўз ноиб-ўринбосарига эга бўлган. Бирор бек ёки амир ҳаётдан кўз юмган тақдирда ноиб унинг ўрнини эгаллаган<sup>1</sup>.

Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича, қўшин тўплаш тўғрисида фармони олий эълон қилиниши билан аскарлар ўз оиласи, асбоб-аслаҳаси, мол-мулки билан миод ерига етиб келган. Ўрдагоҳдаги соҳибқироннинг *саронардаси* атрофида ҳар бир қисм ва бўлинмаларнинг чодирлари тикилган. Оддий аскардан йирик саркардагача ҳар ким ўз жойлашиш ўрнини аниқ билган. Барча ишлар тартиб-интизом билан, шовқин-суронсиз бажарилган. Қўшин билан бирга қассоблар, баковуллар, қовурилган ва пиширилган гўшт билан савдо қилувчилар, арпа ва мева сотувчилар, поновойлар ҳам кўчиб юрган. Турли касб эгалари аскарларга хизмат кўрсатганлар. Ҳатто кўчма ҳаммомлар ҳам жангчилар хизматида бўлган<sup>2</sup>.

Темурбек танлаб олган саркардалар ўзларининг ҳарбий маҳоратларини на фақат уруш кезларида, балки тинч меҳнат чоғида ҳам намоёниш этишига тинмай ҳаракат қилар эдилар.

Ҳарбий санъатнинг ўзига хос сир-асрорларидан тўла воқиф бўлган, душман сафларини пароканда қилиш йўл-йўриқларини яхши эгаллаган, мушкул вазиятларда дадил ва тез ҳаракат қиладиган, ҳеч қандай тўсиқлардан тап тортмайдиган, қўшин сафида содир бўлиши эҳтимолдан ҳоли топилмаган тартибсизликларни ўз вақтида бартараф эта оладиган истеъдод эгаларигина Темурбек томонидан лашкарбошиликка қўйилган.

Темурбекнинг фармойишга биноан атоқли лашкарбошилардан тўрттаси биринчи даражали саркарда, яъни *бекларбеги* мансабига тийишланган. Донгдор амирлардан бирига амирул-умаро лавозими берилган ва у олий бош қўмондон, яъни Темурбекнинг ноиб вазифасини адо этган. Соҳибқирон бевосита иштирок этмаган уруш ва жангларда амирул-умаро қўшинга қўмондонлик қилган.

Зикр этилганлардан ташқари қўшин қўмондонлигига яна ўн икки бек жалб этилган. Минг кишидан иборат суворийларга биринчи бек, икки минг отлиқлардан ташкил қилинган гуруҳга иккинчи бек, уч минг отлиқли

<sup>1</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 43—45.

<sup>2</sup> Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник... б. 114—115.

фавжга учинчи бек ва шу тартибда ўн икки минг отлик аскарлардан тузилган кўшинга ўн иккинчи бек сардорлик қилган. Қўйи поғонада турган қўмондон ўзидан юқори лавозимни эгаллаб турувчи саркардага бўйсунган.

Темурубек армиясининг турли қисм ва бўлимларига уч юз ўн уч бек бошчилик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси эса мингбегилик рутбаларини эгаллаган<sup>1</sup>. Туманларга соҳибқироннинг фарзандлари, набиралари ҳамда-амир Шайх Нурулдин, амир Ҳожки Сайфулдин, амир Шоҳмалик, амир Аллоҳдод, амир Жаҳоншоҳ сингари номдор лашкарбошилар раҳбарлик қилган.

Темурубек қўмондонлар таркибининг ҳарб ишидан таллаб даражасида маҳорат ва малакага эга бўлган шахслардан шаклланишига алоҳида диққат қилган.

Жангларда қаҳрамонлик ва мардлик намуналари кўрсатган сара жангчилар муносиб равишда тақдирланиб ўнбеги, такрор жанговар хизматлари эвазига юзбеги ва пиҳоят, мингбеги амалига кўтарилиш имкониятига эга бўлган.

Ёвнинг аскарий ғуруҳини тор-мор этган мингбеги биринчи даражали амир унвонига, йирик душман қисмини мағлуб этган биринчи даражали амир ўз навбатида иккинчи даражали амир мансабига ва шу йўсинда ўзга бек ҳамда амирлар юқорибўқ ҳарбий мартабага кўтарилиб борган. Жанггоҳда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган оддий жангчиларнинг маоши оширилган. Баъзи сабабларга кўра жанг майдонини ташлаб қочган аскарлар ўлжа тақсимида иштирок этишдан маҳрум қилинган. Муҳорабадан ярадор бўлиб қайтган шахсларнинг иззат-ҳурмати жойига қўйилган, уларга Онҳазратнинг марҳамати кўрсатишган.<sup>2</sup>

Бирор кишварни фатҳ қилган ёки ғаним армиясини мағлубиятга учратган саркарда учун уч хил мукофот таъсис этилган,<sup>3</sup> яъни шарафли баҳодир унвон ҳамда туғ ва ноғора берилган. Айни шундай юксак мукофот билан муҳолифатчи тараф тахт ворислари раҳнамолигидаги кўшинни паршонликка солган амир ёки бекнинг ҳам шавкати зиёда қилинган.

Жангу жадал чоғида шижоат кўрсатиб душман гуру-

<sup>1</sup> Қараг: Уложение Тимура... б. 44.

<sup>2</sup> Қараг: Уложение Тимура... б. 45—46.

<sup>3</sup> Қараг: Уложение Тимура... б. 45—51.



ҳини қочиринишга муяссар бўлган ўнбеги шаҳар доругаси, юзбеги эса вилоят ҳокими вазифасига тайинланган. *Муқоталада адув ташамлари* устидан зафар қучган мингбеги вилоят волийси мансаби билан тақдирланган.

Бирор мамлакат ёки юртни эгаллаган амирга ўша ерлар маълум шарт ва имтиёзлар асосида бошқарилиш учун *суюрғал* тарзида иноят қилинган. Темурбек ва те-мурийлар даврида суюрғал кенг тарқалган феодал ер эгаллиги турларидан бири бўлиб, наслдан наслга ўтган. Суюрғал эгаси давлат ҳисобига тўланиши зарур бўлган. Солиқлардан озод қилинган. Бундай суюрғал тури «дар-баста суюрғал» деб юритилган<sup>1</sup>.

Темурбек тарбиялаб вояга етказган атоқли саркарда-лар қаторидан амир Ғиёсуддин Шоҳмаликнинг ҳам ўрин олганлиги тарихдан маълум. Соҳибқирон Шоҳмаликнинг келажакда йирик лашкарбоши бўлиб етишиши мумкин-лигини мушоҳада қилади ва уни бевосита ўзи тарбия-лашга майл кўрсатади. Темурбекнинг меҳнати зое кет-майди. Шоҳмалик тadbиркор улуг беклардан бири бўлиб шаклланади. У ҳазрат Соҳибқиронга муносиб хизматлар кўрсатиб, олий даража ва мансабга эришади. Темурбек-нинг Шоҳмаликка нисбатан инояти жуда юқори бўлган. У «қайси бир мамлакат фатҳ қилинса ва у мамлакатда-ги қайси бир қишлоқни Шоҳмалик ихтиёр қилса, у қишлоқ унинг суюрғали бўлади»,— деб буюрган эди. Ҳаёти муддатида унинг суюрғали узлуксиз кўпайиб бор-ди. Шоҳмалик ўзига тегишли мулкларда мадрасалар, хонақоҳлар, масжидлар, работлар ва ҳовузлардан иборат кўп хайрли иморат — қурилишларни ёдгор қолдир-ди<sup>2</sup>. Шоҳруҳ мирзо даврида Хоразм вилояти Шоҳмалик-ка дарбаста суюрғал қилиб тайинланади «ва у Хоразм мулкида осойишта ҳаётни шу даражага етказадикки, дунё саркашлари ҳам ўзбек вилоятларини Дашти Қипчоқ мутакаббирларини эл қилиб итоатга келтирди»<sup>3</sup>. Шоҳма-лик 1426 йили вафот этгач, Шоҳруҳ мирзо улуг амир-нинг суюрғали бўлган Хоразмни идора қилишни унинг фарзанди Иброҳим Султонга топширади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва маж-ман баҳрайи. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли мувофиқ тарих фанлари кандидати А. Уринбоевники. Тошкент, 1969. 344-450 б.

<sup>2</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн... 343-6.

<sup>3</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн... 344-6.

<sup>4</sup> Қаранг: Уша эсми. Уша бет.

Довюррак паҳлавонлар ҳарбларда кўрсатган жасоратлари учун баланд даражага эришиб, баобрў кишилар қаторидан ўрин олган. Улар гурзи, олачук (чодир), *мурас-саъ камар*, қилич ва саман от каби паҳлавонлик нишонлари билан эъзозланган. Ботирларнинг кўпчилиги кейинчалик ўнлик, юзлик, мингликларга қўмондонлик қилишдек масъулиятли вазифаларга қўйилган<sup>1</sup>.

Юқорида тилга олинган ўн икки амирдан ҳар бири ўз довул (табл) ва байроғига эга бўлган. Бош қўмондон ногора ҳамда *аламдан* тапқари шунингдек, *бурғу*, *ту-мантуғ* ва *чортуғ* билан нишонланган.

Мингбеги туғ ва карнай, яъни кўрагага эга бўлган. Юзбеги ва ўнбегига ногора берилган. Турли қўшун, яъни қисм қўмондонлари тегишли нишонлар билан таъминланган. Бекларбеги ёки амирул-умаро байроқ, ногора чортуғ ва бурғу сингари нишонларга сазовор бўлган<sup>2</sup>.

Бирор лашкарбошининг ҳаёти хавф остида қолган вазиятда уни ғаним ўқидан асраб қолиш йўлида ўз кўксини қалқон қилган жангчилар Соҳибқироннинг ҳурмат-эътиборига ва олқишига сазовор бўлган, махсус иноятлар билан тақдирланган.

Ғиёсуддин Али ёзади:<sup>3</sup> 1398 йилнинг 11 ноябрида амирлар Шайх Нуруддин ва Аллоҳдод Ҳиндистоннинг мустақкам қалъаларидан бири — Битнирга берилган омонлик учун тўланадиган мол ва хирожларни қабул қилиш мақсадида келади. Бироқ, қалъа арконлари Соҳибқирон билан тузилган сулҳ шартларини бажаришдан бош тортиб оммаи амирларга қарши хуруж қилишга даъват этади. Тенгсиз олишув чоғида ярадор бўлган амир Шайх Нуруддинни битнирликлар асир олиш пайтида бўлади-лар. Аммо Афзун Мазид, Фируз Сейстоний сингари баҳодир жангчиларнинг ҳамда бир нечта ичкиларнинг ўзларини йўқотмасдан кўрсатган жасоратлари туфайли амир Шайх Нуруддин эсон-омон қуршовдан қутилиб чиқади. Соҳибқирон амир жонига қасд қилмоқчи бўлган душманга қирғин келтирган диловарлар жасоратига таҳсинлар айтиб, инъому икромлар кўрсатади.

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг таърифига кўра, теурий лашкарбоши тинчлик чоғида зар-

<sup>1</sup> Қараг: Уложение Тимура... б. 51.

<sup>2</sup> Қараг: Уложение Тимура... б. 51—52.

<sup>3</sup> Қараг: *Ғийасаддин Али*. Дневник похода Тимура в Индию. Перевод с персидского, предисловие и примечания А. А. Семёкова. М., 1958 б. 97—98.

ҳал иш билан тикилган ҳаворанг сатин кўйлак кийган. Унинг бошида дур ҳамда бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган бўрк бўлган. Бўркнинг остидан уч қатор қилиб ўрилган икки кокил елкага тушиб турган. Элчи бу йўсинда ўрилган сочлар Темурбек аскарларининг нишонни эканлигини алоҳида қайд этади<sup>1</sup>.

Соҳибқирон юришга жўнашдан анча аввал ёғиннинг қуролли кучлари, мудофаа ишшоотлари, у ердаги ички вазият кабилар ҳақида аниқ ва тўла маълумотга эга бўлиш мақсадида унинг юрти ёки қароргоҳига ўз айгоқчи (хабаргир, жосус) ларини пешма-пеш юбориб турган. Ғаним тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлингандан сўнггина юришга тараддуд кўрилган. Бу хусусда Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топиларди. У ерларнинг барча томонларида ўз айгоқчиларини тарқатиб, қолган мулклариди эса жосуслар кўйган эди. Улар (жосуслар) жумласидан, унинг амалдорларидан бири Амир Отламиш бўлса, яна бири фақиҳ Масъуд ал-Қуҳоний-у Темур девони асҳобларининг кўзи эди. Жосусларнинг буниси Қоҳирада, Муизияда бўлса, униси Дамашқда, Шамийсониядаги сўфийлардан бири эди. Уларнинг бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва ҳунарманд, мунажжим ва ўз табиатича иш қиладиганлар, гапчиноз қаландарлару саёқ дарвешлар, зарофатли мешкоблар, латофатли этикдўзлар, алвасти ва хийлакор Далла мисоли фирибгар кампирлар, тажрибаси бўлиб, илм талабида мағрибу машриқни кезган, пайига тушган мақсад йўлида макр-ҳийла маконида камолга етган, ўзининг нозик фириби ва даҳоси билан сув билан олов, тўғрилиқ билан эгрилик ўртасида униб-ўсган, макру ҳийлада Сосон ва Абу Зайддан ҳам ўтиб кетган, ўз ҳикмати ва баҳсида Ибн Синони ҳам мулзам қилган, қачонки ўйлаган ишлари ўзларига тескари натижа бергач, улар ўз сўзамолликлари билан юнонликларни сукутга солган, икки муҳолифни бир-бирига бириктириб, икки душманни бир-бирига қўшган уddaбурро кишилар эдилар. Натижада, улар чор атрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари афзал кўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлар, нарх-наво-

<sup>1</sup> Қаранг: *Руй Гонсалес де Клавиго. Дневник... б. 63.*

лар тўғрисида унга зикр қилиб, манзили шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг сувратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёки узоқ, тор ёки кенглигини, уларнинг қайси теварақ-атрофда, гарб ёки шарқдами (эканлигини), шаҳарлар ва қишлоқларнинг исмларини, манзил ва паноҳжойлар номларини, ҳар жойнинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию фəқирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шуҳрати ва насабини, уларнинг ҳунари ва (эга бўлган) воситаларини (тўла-тўқис) баён қилардилар. Натижада, Темур ўз фикри билан шу (нарсаларни) яққол кўриб, тафаккур-и воситасида ўз ерларидан хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди»<sup>1</sup>.

Соҳибқирон сафар чоғи қўшинни қийин ва ўтиб бўлмас жойлардан бошлаб борувчи йўлчи, яъни қажарчиларни маҳаллий халқ ичида ёллаб олиш масаласига жиддий ёндашган.

Сафар арафасида Темурбек анъанавий равишда ўз пирлари ва раҳнамолари ҳузурига соф ишонч ҳамда пок иродат билан ташриф буюриб, зиёрат шартларини бажо келтирган. Муқаддас ва муборак мазорларни тавоф қилган. Майиб-мажруҳларга, муҳтож ва йўқсилларга назр садақалар улашган.

Етарли миқдордаги черик жам бўлгач, барча қўшин турлари — ёйчилар, найзаварлар, қорураандозлар, сангандозлар, тахшандозлар, майжаниқ, аррода ва тиричарх отувчилар ҳамда бошқа аскарый қисмлар кўрикдан ўтказилган. Темурбек армиясида ичига ёнувчи модда-нафт солинган кўзачалар иргитувчи ўт сочиш қуроли — раъднинг узликсиз ишлаб туришини таъминловчи махсус тўпчилар — раъдандозлар мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Мустаҳкам қалъа ва кўргонларни қамал қилишда, душман кучларига қирғин келтиришда самарали қурол ҳисобланган раъдни бошқарувчи тўпчиларнинг сонини, Низомуддин Шомийнинг фикрича, 10 минг кишига етган. Раъдандозлар Темурбек томонидан илк марта 1379 йили Урганчни муҳосара қилиш вақтида жангга солинган.<sup>3</sup>

Кези келганда таъкидлаш лозимки, араб тилига хос

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... II китоб. 71—72-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Белецкий А. М. О появлении... б. 7.

<sup>3</sup> Қаранг: Якубовский А. Ю. Темур... б. 68.

раъд сўзи аслида «момақалдироқ» ни билдиради. Тўпни раъд термини билан аташларининг боиси шундаки, ундан ўқ-снаряд отилганда кучли гумбурлаган товуш чиққан.

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг раъд тўпи билан душман қалъасини ўққа тутиш манзарасини тасвирлар экан, тўндан ўқ-тош отилганда даҳшатли садо, ўт-аланга, қора тутун ва бадбўй ҳид ҳосил бўлишини ёзади:

Чу ерга тегиб рует гўйи тилсим,  
Неча пора бўлғай анга салб жисм.  
Ушалғач, садо чиққай андин ғариб,  
Яна шуълаву рихи дуди ажиб (Хамса, 1390)

Раъд тўпининг қандай усул билан қўйилиши ушбу достонда ўта қизиқарли баён этилган. Аввало қалай, симоб ва мис қотишмалари темир билан аралаштирилиб, дамли ўчоқ ва қўрада эритилган. Эритмадан ичи бўш, коптокка ўхшаш, думалоқ шаклдаги снаряд — раъд тоши ясалган. Бу снаряд ичи порох — *дору (адовий)* билан тўлдирилган. Снаряд сиртида иккита тешик бўлиб, уларга ўт пилиги — *фатила* ўрнатилган. Сўнгра снаряд тўп камони — *раъд ёйига* жойлаштирилган. Ўт пиликлари ёқилғач, снаряд душман қалъаси ёки қўрғони томон отиб юборилган. Снаряд ерга тушиб портлаши билан даҳшатли садо чиққан. Албатта, бундай тўплар қамалдагиларни қаттиқ ваҳимага солган ва аксар уларни таслим бўлишга мажбур қилган<sup>1</sup>.

Раъднинг Темурбек томонидан қуrolланишга киритилиши XV—XVI асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда артиллериянинг бошқа турларининг пайдо бўлишида туртки вазифасини ўтади. Шулардан бири туркийча *қозон* термини билан номланган тўп бўлиб, у ённинг жонли кучларини ва техникасини яқсон қилиш, унинг қалъа ва истеҳкомларини тўпга тутиш, мудофаа иншоотларини вайрон қилиш каби ҳарбий операцияларни амалга оширишда фаол қўлланган.

Темурий Заҳириддин Бобурнинг қайд этишича, қозондан бир кунда анчагина тошлар отилган: «Бир неча кун кўприк боғлагунча Устоз Алиқули яхшилар тош ота-

<sup>1</sup> Қаранг: Дадабов Ҳ. «Бобурнома»даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар. Адабий мерос. 1988 № 1 (43), 38—39-бетлар.

ди. Аввалги кун саккиз тош отти, иккинчи кун ўн олти тош отти»<sup>1</sup> «Бобурнома» да таъкидланишича, тўпдан отилган тош анча масофага бориб тушган: «Якшанба кунининг саккизида Устоз Алиқули ўшул улук қозон билаким тош отти, минг олти юз қадам борди»<sup>2</sup>.

Бобурнинг қозон тўпини қўйиш жараёнининг тасвирига эътибор берамиз:

Душанба кунини муҳаррам ойининг ўн бешидида Устод Алиқулининг қозон қуярининг тафарружига бордуқ. Қозон қуяр ернинг тирдида саккиз кўра қилиб, олотни эритибдур. Ҳар кўранинг тубидин бир ариге бу қозоннинг қолибига рост қилибтур. Биз борғач кўраларнинг тешукларини очти, ҳар ариқдан эриган олот сувдек шарилдаб қолибга кирар эрди. Бир-икки кун қолиб совуғанидин сўнг очтилар. Устоз Алиқули кўн башошат билди киши йибарибтурким, қозоннинг тош уйи бекусурдур. Доруҳонасини қўймоқ осондур»<sup>3</sup>.

Мазкур матний парчада қўлланган *тош уй* бирикмаси қозон тўпининг снаряд-тош қўйиладиган қисмини билдирса, *доруҳона* термини эса порох — дору солинадиган қисмини англатади.

Фармони олийга мувофиқ аскарлар бошдин-оёқ темир совутлар кийиб, зарур қурол-яроғларни олиб отга минганлар, кўрик учун сафларни ростлаганлар. Майдонда ҳар бир қисмга тааллуқли кўк, сариқ, бинафша, қизил, қора рангдаги байроқ ва яловлар хиллаб турган. Ҳарбий мусиқачилар ижро этаётган жанговар мусиқалар остида олий бош кўмондон қўшин қисмларини бирин-кетин кўздан кечириб чиққан. Саф тортиб турган жангчилар найзаларини баланд кўтариб, ҳаммалари бир маромда кучли наъра тортиб, сурон солиб, юришга шай эканликларини изҳор қилганлар<sup>4</sup>.

Таъкидлаш лозимки, темирлар даврида юриш ёки размдан олдин қўшинини кўриқдан ўтказиб, унинг жанговар руҳи ва ҳолатини аниқлаш анъана тусига кирган. Кўриқдан нафақат асосий жанговар қисмлар, шунингдек, улар ортидан боровчи оғир карвон *ўғруқ* (овоз) ҳам ўтказилган.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Бобурнома. Тошкент, 1960, 408-бет.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. 379-бет.

<sup>3</sup> Бобурнома. Тошкент, 1960, 379-бет.

<sup>4</sup> Қараг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн... 91—92-бетлар.

<sup>5</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатилган асар. 68-бет.

Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида Темурбек армиясининг Боязид Илдириим билан бўдажак жанг олди-дан кўриқдан ўтказилиши, яроғ-аслаҳанинг кўздан кечирилиши ўта жонли қилиб тасвирланади. Фармони олийга кўра бор қўшин қисмлари Сивос даштида қаторларни ростлаб, кўриқка тайёр бўлиб туради. Соҳибқироннинг осмон авжига етувчи зафарнишон саропардаси баланд бир пушта устига ўрнатилади. Мансур аскарлар бўлим-бўлим, гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж бўлиб, дарёмисол мавж уради. Бошдан-оёқ темир совутга бурканган жангчилар фавжи Соҳибқирон қаршисига етганда унинг сардори илгари юрар ва тиз чўккан ҳолда Темурбек шаънига дуо ва сиолар айтар эди. Соҳибқирон ҳар бир туман, минглик ва қўшин жангчиларини мақтовлар билан олқишлар, уларнинг шахдам қадамлар ташлаб боришига мамнуният кўзи билан назар ташлар эди.

Соҳибқиронга кўриқдан ўтаётган черик қисмлари ичида набираси Муҳаммад Султон мирзо қўмондонлигидаги навкарлар айниқса, катта таассурот қолдиради. Амирзода лашкарнинг ҳар бир фавжи унинг буйруғига биноан алоҳида рангдаги кийим билан ораста қилинади. Бир фавжнинг қурол-яроғи, алам ва байроғи, кийим-кечаги, жибаси қизил, иккинчи гуруҳнинг ранги кўк, учинчи гуруҳнинг ранги оқ, тўртинчи фавжнинг ранги бинафша, бешинчи гуруҳнинг ранги сариқ ва ҳоказо бўлиб, барчаси Соҳибқироннинг таҳсинига сазовор бўлади. Шу алфозда тонг саҳарида бошланган кўриқ пешин охиригача давом этади<sup>1</sup>.

Темурбек душманига қўққисдан қақшатқич зарба бериш усули билан шўҳрат қозонган эди. Ғаним ўрдугоҳи аниқлангач, аксарият ҳолларда Соҳибқирон унга махфий ёки ўтиш ўта машаққатли бўлган, ҳеч бир кимсанинг оёғи етмаган доволар, даралар, сўқмоқлар, тоғу тошлар орқали тунда уловларни жиловидан тутган тарзда яқинлашар, қуёш ўзининг заррин нурларини бепоян замин узра соча бошлаши билан ғафлат уйқусида ётган ёғига қуюндек ёпирилар эди. Ибн Арабшоҳ ҳикоя қилади: Темурбекнинг дорус-салтана Самарқандда иморатлар қуриш, боғ-бўстонлар барпо этиш, ариқлар қазиб, сув чиқариш сингари ободончилик юмушлари билан банд бўлиб турганлигидан *мужда* топган қўшни мамлакатлар

---

<sup>1</sup> Қаранг Мирхонд. Равзат ус-сафо. Ҳ. Сулаймон номидаги қўлёзмалар институти қўлёзмалар фонди. № 4141. 174а.

унинг ҳужумини қутмасдан, мудофаага тайёргарлик кўрмаган ҳолда хотиржам ҳаёт кечирар эди. Соҳибқирон пойтахтдаги ишларни ниҳоясига етказгач, тавачиларга қўшинни тез фурсат ичида Самарқандда тўплаш ҳақида амр қилади. Аскарлар учун ўзи ўйлаб топиб, ихтиро қилган йўсинда тайёрланган дубулгаларни жангчилар кийиб, юришга чиқишларини буюради. Темурбек сафарнинг йўналишини сир тутди.

Соҳибқирон армияси Самарқандни тарк этгач, Темурбек: «Хўжанд, Турк ерлари ва Туркистоннинг азим шаҳри Жандга юруш қилишга бел боғладим», — деб овоза тарқатади. Шундан кейин Темурбек қўшин гирдобига шўнғиб кетади, унинг отлар бошини қаёққа буришини, қайси томонга ҳамла ёки ҳужум қилишини бирор киши англаб етолмайди. Жаҳонгирнинг қўшини кечани кеча демай, кундузни кундуз демай, иссиқ-совуққа, ташналик ва чарчоққа қарамай тинимсиз йўл босар, қўшин қўнган ҳар бир манзилда қўллаб қолдан тойган отлар қолиб кетар эди. Ниҳоят, Темурбек унинг яшиновмонд пайдо бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Озарбайжон ҳамда Араб Ироқида туташ, Эроннинг ҳарбий сарҳадида жойлашган кўркам Ҳамадон шаҳрига қўшни бўлмиш Луристон чегараларида ҳозир бўлади ва Малик Изуддин ал-Аббосий ҳокимлик қилаётган Баружард қалъасини камал қилишга киришади. Қалъа ҳокими кўрғонни ҳимоя қилишга мутлақо тайёргарлик кўрмаган, етарли қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, ем-хашак жамламаган эди. Унга мадад берувни куч ҳам аниқ эмас эди. Беҳосдан устига улкан қўшиннинг бостириб келишидан ночор аҳволга тушиб қолган бечора ҳокимнинг Соҳибқиронга итлоат билдириб, буйсуниш ва фуқароларига омонлик сўрашдан ўзга чораси қолмайди<sup>1</sup>.

Темурбек шатранж ўйнашга жуда моҳир бўлиб, бу борада ман-ман деган рақибларини ҳам доғда қолдирар эди<sup>2</sup>.

Шатранж тахтаси устида рақибини шиддатли юришлар билан довдиратиб, танг вазиятга туширишга устамон жаҳонгир маъракагоҳда ҳам ҳар бир қадамини ўйлаб қўяр, қисмларнинг ҳаракатини синчиклаб кузатар,

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб, 128—129 б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Руй Гонсалес де Клавихо. Дневник...* б. 115, *Бартольд В. В. Улутбек и его время. Сочинения.* I, II, часть 2, М., Наука, 1964, б. 60.



жанг тақдирини ҳал бўлиши кутилаётган жойларга мадад кучларини вақтида ажратишни олдиндан режалаштирар эди.

Темурбекнинг Хиндга юриш қилиб, Деҳлига яқинлашиб қолганлигидан таҳликага тушган ҳиндлар шахзода Султон Маҳмуд, Маллухон ва ўзга номдор ҳинд саркардалари раҳнамолигидаги ўн минг суворийлар, йигирма минг сара пиёдалар ва бир юз йигирма жанговар филлардан иборат қўшин билан унга рўбарў бўлади. Соҳибқирон биринчи галда жангчиларнинг капалагини учириб, уларни даҳшатга солган филларни даф қилиш борасида бош қотиради. Зудликда филларга офат келтирувчи ўткир тирли учбурчак шаклдаги санчиқ — *мўндулардан* минглаб ясалади ва филлар келиши кутилаётган ерларга жойлаштирилади. Иккала қўшин жанг ҳаракатларини бошлагач, Темурбек ўз аскарини қисмларини чекинишга буюради. Темурий жангчиларнинг тисарилганини кўриб, душман қочди ҳаёл қилган ҳиндлар олға ташланэди.

Филлар, уларнинг кетидан отлиқ ва пиёдалар жунбушга келади. Мўнду тикилган ерга етган филларнинг оёқларига ўткир санчиқлар тикон янглиғ қадалади. Оғриқ зўрлигидан қутирган филлар жон аччиғида филбонларни улоқтириб, орқага тум-тарақай қоча бошлайди. Улар ортида келаётган ҳинд суворий ва пиёдаларини поймол қилиб, янчиб ўтади<sup>1</sup>.

Соҳибқирон ўта таҳликали онларда ҳам саросимага тушмас, ҳиссиётга берилмас, метиндай мустаҳкам прода си иккиланишга, қатъиятсизлик кўрсатишга асло йўл қўймас эди. Бирор марта ҳам мағлубият («Лой жанги» бундан истисно) аламини тоғиб кўрмаган музаффар қўшин олий бош қўмондоннинг ҳар қандай оғир ва чигал вазиятдан ҳам тadbиркорлик билан чиқиб кетишига бутун вужуди билан ишонар, шунинг учун ғаним билан фақат ғалабани кўзлаган ҳолда жон-жаҳди билан саваш қилар эди.

Фикримизни тасдиқлаш тариқасида 1392 йили Шероз ҳокими, музаффарийлар сулоласидан бўлмиш Шоҳ Мансур билан Темурбек қўшинлари ўртасида бўлган жанг саҳнасини келтирамиз.

Отлиқлар гуруҳидан иборат разведка — *қаравул* Соҳибқиронга Шоҳ Мансурнинг оз кишига бош бўлиб қо-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб. 173-174-бетлар.

чиб кетаётганлиги ҳақида хабар келтиради<sup>1</sup>. Шу сабабли Темурбек қўшинининг зарбдор қисмини Шуштар атрофида қолдириб, кичик бир аскарний гуруҳ билан Шероз томон йўлга чиқади. Ғаним қаравуллари келаётган отряд — фавж қорасини кўргач, Шоҳ Мансурга маълум қилади ва у албатта, фирор йўлини тутади, деган мўлжал билан Темурбек бамайлихотир от ўйнатиб келмоқда эди. Шерозга уч фарсанг<sup>2</sup> қолганда фавж кўққисдан бошдан-оёқ темир совутларга бурканган тахминан уч минг отлиқ найзадорларнинг жанговар тартиб-ясолига дуч келади.

Соҳибқирон ўзи билан келаётган кучларни ўша заҳоти сафга тизади. Тахт вориси Муҳаммад Султон мирзо сўл қанот — *жувангарга*, Пир Муҳаммад баҳодир мирзо ўнг қанот — *барангарга* бош қилинади. Темурбекнинг ўзи хос гвардиясига қўмондонлик қилади ва Яратгандан мадад ҳамда зафар тилаб, ғанимга қарши мардонавор жангга киради. Шоҳ Мансур ҳам қарши тарафдан *муҳораба* бошлайди. Хужумни *шиба* — қалин ўқ ёмғири ёғдириш билан бошлаган Темурбекнинг жуванғари Шоҳ Мансур қўшинининг ўнг қанотини марказ — *қўл* ортига чекинишга мажбур этади. Ёвнинг чап қаноти ҳам кучли зарбага учрайди. Мағлубиятнинг шубҳасизлигига қарамай Шоҳ Мансур олишишни давом эттираберилади ва қолган кучлари билан Соҳибқирон раҳбарлигидаги гуруҳга кескин ҳамла қилади. Жанг жуда даҳшатли тус олади. Темурбек атрофида бештача хослар тирик қолади. Беш юз зирихли, шамшир, найза ва гурзи тутган суворийлар бошчилигидаги Шоҳ Мансур Темурбекнинг жонига қасд қилиб, унга яқинлаша боради. Унинг ўзи уч карра Соҳибқиронга қилич солишга чоғланади. Дастлабки икки зарбани Хумори *ясаул* ва Таваккал *бавурчи* қайтаришга муваффақ бўлади. Учинчи зарба Хуморини ярадор қилади. Соҳибқироннинг ҳаёти ўта хавф остида қолганига қарамай, унга зарар етмайди. Жуванғардан етиб келган кўмак Шоҳ Мансурни чекинишга мажбур қилади. Ўзини бироз ўнглаб олгач Шоҳ Мансур яна Темурбекнинг байроғи қадалган марказга хуруж қилади. Бироқ, марказни ёриб ўтишнинг уддасидан чиқолмайди, аксинча, Соҳибқирон кучларининг маркази ва жуванғари қуршовига тушиб қолади. Бор аскардан маҳрум бўлган

<sup>1</sup> Қаранг: *Гийасаддин'Али. Дневник...* б. 50—53.

<sup>2</sup> Фарсанг (фарсах) 6—7 км. га тенг масофа ўлчови.

Шоҳ Мансурни аргумогидан йиқитишга улғирган Темурбек навкарлари унинг виқор билан: «Мен сиз ахтараётган зафарёр Шоҳ Мансурман. Ичишга сув беринг ва мени Темур ҳузурига олиб боринг», — дейишига қарамай, унинг бошини танидан жудо қилишади.

Ибн Арабшоҳнинг мана бу қайдлари ҳам Темурбекка хос бўлган саркардалик салоҳиятининг нақадар ҳадсизлигидан далолат беради.<sup>1</sup>

Ҳиндистонда туялар бўлмаганлиги сабабли, филлар бу маҳлуқларни кўргач, улардан узоқроқ юришни маъқул ҳисоблар экан. Бундан хабардор бўлган Темурбек беш юзга яқин саркаш, ҳурконгич туяларни тўплашни, туякашларга пилик тақилган қамишлар ва ёлланган той пахталар улашиб, қўшинлар бир-бирига яқин келиб, жанг бошлаганда туяларни суворийлар олдига қўйишни буюради. Икки тарафдан сафлар тизилиб, жанг ҳаракатлари бошланиши билан туяларга ортилган ёгли пахталарга ўт қўйилади. Олов ҳароратидан жонсарак бўлган туялар филлар томонга елдек учиб кета бошлайди. Қарши-сидан бўкириб, чопиб келаётган туяларни ва ловуллаб ёнаётган алангани кўрган филлар устиларида ўтирган филбону ёйандозларни ағдариб, отлиқларни янчиб, пийдаларни ер билан яксон қилиб, орқаларига тирақайлаб қочишга тушади. Натижада филлардан фойдаланмоқчи бўлган душман улардан манфаат кўриш ўрнига катта талофат беради.

Мўғулларга қарши қилинган сафарларнинг бирида Темурбек қисмлари ганим лашкари билан кутилмаганда юзма-юз келиб қолади. Аскарларда довдираш ва иккиланиш кайфияти пайдо бўлганлигини пайқаган Соҳибқирон уларга душман лашкаргоҳига қараб юришни давом эттиришни ва ёвга кўринарли жойда отлардан тушиб, уларни ўтлоққа қўйиб юборишни ҳамда ўзларига дам олиб, ҳордиқ чиқаришни амр қилади. Муҳолиф томон буларни ўз аскарлари хаёл қилиб, бепарволик билан Темурбек ёнидан ўтабошлайди. Ҳордиқ чиқариб олган Соҳибқирон аскарлари тезлик билан отларга минади ва сурон солган ҳолда ганимнинг орқасидан зарба беради<sup>2</sup>.

Ов — чарганинг уруш мактаби эканлигини яхши тушунган Темурбек саҳро, дашт ва яйловларда қўшиннинг

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... I-китоб, 174—175-бетлар; Яна қаранг: Руй Гонсалес де Клавихо. Дневник... 6. 124.

<sup>2</sup> Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... I китоб, 80-бет.

жанговар ҳолатини назардан ўтказар, имтиҳон қилар эди. Тавачилар қўшин қисмларига ов яроғини ҳозирлаш, саҳро ва чўлларни ўраш, йиртқич ва бошқа ҳайвонларни камурга — шикоргоҳга қувлаш тўғрисида фармони олий эълон қилгач, аскарлар ов ҳайвонларини *овлоққа* тўплашга киришар эди. Аркони давлат, беклар, амирлар, нўёнлар, мирзолар, сипоҳийлар ҳам шикорда иштирок этишни хуш кўрар эдилар. Ов изидан елдай учиб бораётган отларнинг дўпири, чавапдозларнинг ур ҳа ури, ҳаё-ҳайи, *кўсу* ноғораларнинг тарақ-туруқи, карнайу сурнай ва бурғуларнинг кўкни ларзага келтирувчи садоси айни жанг майдонини эслатар эди.

Шикорга лочину шушқорлар, қирғийлару чопқир този итлар солинар, сўнгра бир неча кун ов ташти сурилар эди<sup>1</sup>.

Темурбек ҳарбий юришларга кўпроқ кўклам, ёз ва куз ойларида отланишни маъқул кўрар, қишнинг қаҳратон кунларини аскар қишлоқ учун мўлжалланган қишлоқларда ўтказарди. Жангу жадал олатлари ва муҳораба асбоблари тартибга солиниб, *жибахона*, яъни қурол-яроғ омборидаги *жибалар* сипоҳийларга улашилиб, юриш муҳлати етиб келгач, қўшин отларга минган. Айни пайтда ўғруқобоз ҳам йўлга чиққан.

Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, мурчил — сафар тартибига кўра ҳар бир туманбеги, мингбеги, юзбеги, ўнбеги ўз даражаси, мавқеи ва сафда эгаллаган ўрни — будалга қараб қисм ва бўлинмалари билан жанговар тартибда ҳаракат қилган. Олий бош қўмондон томонидан ясолни бузган шахс қаттиқ жазоланган, яъни *ясоққа* етказилган<sup>2</sup>.

Қўшин дам олиш, тўхташ ёки жанггоҳга тушганда лашқаргоҳ атрофи бир-бирига занжирбанд қилинган арвалар билан маҳкам ўралган, шох-шаббалар билан тўсилган, гирдига четан — *чапар* қўйилган, ичига мўнду ўрнатилган хандақлар билан иҳота қилинган. Истеҳком қудузги — *язак* ва тунги — *талоя* соқчи бўлинмалар ёрдамида қўриқлаб турилган. Ғанимнинг қораси кўриниши билан ғолиб лашкар хандақдан чиққан ҳамда жанговар саф тузган ҳолда унга қарши юзланган. Юриш ёки му-

<sup>1</sup> Қаранг: *Абдураззоқ Самарқандий*. Матлаи саъдийи... 94-бет; *Ибн Арабшоҳ*. Ажойиб ал-мақдур... II китоб, 80—81-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г.* Сборник... т. II, б. 159; *Якубовский А. Ю.* Тимур... б. 69.

ҳораба чоғида бошбошдоқлик ҳамда парокандаликка йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир бўлинма, гуруҳ, қисмининг ўз ўрон — паролли белгиланган.

Темурбек армияси сафар пайтида қуйидаги жанговар тартибда ҳаракат қилган. Бош кучлардан анча илгаридида қаравул — аванпост, ундан кейин манғлай (ҳиравўл) — авангард, *баранғар*, *жуванғар*, *қўл*, *чағдавул* — (форсий адабиётларда — *соқа*) — аръергард юрган. Қўшин ортидан уғруқ пешма-пеш келган.

Қўшинда сувли тўсиқларни кечиб ўтишга алоҳида эътибор қаратилган. Дарёларнинг саёз ерлари *гузар* — кечикка айлантирилган ва соқчи отлиқ гуруҳлар томонидан эҳтиёт қилинган. Дарё ёқасига етиб келган қўшин *бўлук* — *бўлук*, *фавж* — *фавж*, қисм-қисм бўлиб кечикдан ўта бошлаган. Кўклам ва куз фаслининг серёмғир кунларида дарё сувининг кўпайиши натижасида гузардан ўтиш анча мушкулланган. Тераи дарёлар устида қайиқлар ёрдамида боғланган кўприк орқали оғир техника ҳамда ўғруқ ўтказилган. Суворийлар кўпинча тезоқар дарёлардан отнинг югани ва ёлига осилган тарзда, пиедалар эса мешлар кўмагида осонлик билан талофатсиз кечиб ўтган<sup>1</sup>.

Соҳибқирон жанг майдонини танлашда бевосита иштирок этган. Жанггоҳнинг текис, кенг ва қўшин қисмларини жойлаштиришга қулай бўлиши талаб қилинган. Айниқса, *маъракагоҳнинг* ичимлик сув манбаъига яқин бўлиши ҳамда разм вақтида қуёш нурининг жангчилар кўзига тушмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланган<sup>2</sup>.

Йирик муҳорабалар пайтида дастаси учига *махча* — ярим ой шакли қадалган жанговар байроқ ва туғлар билан безатилган олий бош қўмондоннинг боргоҳи баландликка тикилган. У ердан қисм ва бўлинмаларнинг майдондаги ҳаракати, жангнинг бориши Темурбек томонидан кузатиб турилган. Одатга кўра боргоҳ олдида ҳарбий оркестр аскарларни мардликка рағбатлантирувчи, уларнинг жанговар руҳини кўтарувчи куйларни тинимсиз чалиб турган.

Соҳибқирон *тўқиш* бошланишидан аввал, одатича

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб, 76-бет; *Руй Гонсалес де Клавихо. Дневник...* б. 99.

<sup>2</sup> Қаранг: *Уложение Тимура...* б. 80—81; *Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома...* 53-бет.

фатҳ намозини адо этган. Тангридан мададу нажот тилаган. Сўнгра чақмоқмонанд саман отига виқор билан миниб, савашга бевосита қўмондонлик қилган. Жанг кўп ҳолларда, қарама-қарши тарафларнинг яккама-якка олишuvi билан бошланган. Баҳодирларнинг жасорати ва шахсий тайёргарлиги жангнинг қандай якувланишига маълум даражада таъсир кўрсатган. Паҳлавонларнинг сони айтарли даражада катта бўлмаган. Баҳордирлар қўшиннинг зарбдор кучини ташкил этган ва уларнинг ҳалокати одатда мағлубиятга олиб келган<sup>1</sup>.

Муборизлар кежим — ўқ ўтмас ёпинчиқли жанговар отда майдонга тушиб, бошларига худ — дубулға, юзга бурқа — ниқоб, устиларига жиба — зириҳ кийиб, бир қўлда қалқон, бир қўлда қилич билан жанг қилган. Отнинг эгарида садоқ-ўқ ёй, тыркаш ва табарзин, яъни ой-болта боғлоглик турган.

Ҳар икки томон баҳодирларининг яккама-якка олишувларидан сўнг таблу ногора овози, кўсу бурғу наъраси, карнай-сурнай садоси худди момақалдиروقдай жўш урар, хуружга келар эди.

Ботирлар мардонаворлик намуналарини намойиш этиб, жонларини жанг майдонида ҳалокат чоҳига отишга шай турган. Даставвал пиёда новакандозлар, яъни, ўқ-ёйчилар ганим аскари устига шиба ёғдира бошлаган. Сафлар бир-бирига қўшилгач, навбат — тиг ва найзаларга, қилич ҳамда қалқонларга келган.

Қаҳрамонлик, жуванмардлик ва айниқса, шахсий матонат йиғитлик авонида маълум сабабга кўра жисмонан шикаст тонган Темурбек учун ҳам бегона ҳислат эмас эди. Қатор савашларда жаҳонгир кўрсатган ботирлик ва жасурлик, сабот ва матонат намуналари омма қалб тўридан ўриш олган, тилларда дoston бўлган, турли афсона ва ривоятларнинг тусилишига сабаб бўлган эди.

1379 йили Урганчин муҳосара қилиш чоғида Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи Темурбекни яккама-якка олишувга чақиради. Соҳибқирон рақиб даъватини ҳеч иккиланмасдан қабул қилади. Олишув учун зарур бўлган қурол-яроғ билан ораста бўлган Темурбек ўйноқи тулпориди ҳандак ёқасига келади ва қалъа бурж ҳамда бо-рулари паноҳида бўлган Юсуф сўфини кураш майдонига чорлайди. Бироқ, Темурбекнинг жалодат билан маъра-


<sup>1</sup> Қараг: Гўмилев 'Л. Н. Древние турки. М., 1967. 33; Гордлевский В. А. Государство сельджукидов в Малой Азии, М., 1960-6.

кагоҳда раҳш суришини кўриб, ўз сўзидан қайтган Юсуф Сўфи Соҳибқирон билан юзма-юз жанг қилишдан кўр-гонда қолишни маъқул кўради.

Ушбу воқеадан оз фурсат ўтмай, Термиздан келтирилган, эндигина дум бериб етилган, тилни ёрувчи тарвузларни Темурбек дастурхонига тортишади.

Соҳибқирон тарвузларни ўз ғаними билан баҳам кўрмоққа қарор қилади ва уларнинг бир қисмини олтин лаганларда Юсуф Сўфига юборади. Темурбекнинг зоҳир этган олижаноблиги ва тантилигини ўзи учун ҳақорат ёки камситиш деб тушунган Урганч ҳокими тарвузларни сувга иргитади, лаганларни эса, дарвозабонга инъом қилади<sup>1</sup>.

Тарихий манбалар<sup>2</sup> Темурбекнинг ўн икки минг кишилиқ қўшини жангга мана бундай тартибда киришини кўрсатади. Муҳолифатчи лашкар билан дасталабки тўқнашувни разведка вазифалари билан машғул бўлган енгил суворийлар, яъни *каравул* бошлаб берган. Шундан сўнг, ўнг ва чап қанот илғор қисмлари — *барангар җиравули* ва *жувангар җиравули* мададида асосий илғор қисм *манғлай* жангга қадам қўйган. Манғлай ортдан барангар




<sup>1</sup> Қаранг: Бартольд В. В. Улугбек и его время... б. 52.

<sup>2</sup> Қаранг: Уложение Тимура... б. 80—83. Иванов М. И. О военном искусстве...: Разин Е. А. История военного искусства. т. II, М., 1957. Узбек совет энциклопедияси. I жилд, Тошкент, 1971, 462—465-бетлар.

ҳамда жувангарнинг қолган икки бўлаги, яъни *чапавул* ва *шақавул* пешма-пеш ҳаракат қилган. Мабодо ушбу куч душманни мағлуб этишга кифоя қилмаса, у ҳолда бош қўмондон — амирул-умаро бошчилигидаги етакчи кучлар — қўл (гул) ҳал қилувчи ҳужумга ташланган.

### Ун икки минг отлиқ қўшин ясоли

«Темур тузуқлари» ва бошқа тарихга онд асарларда Темурбек армияси қатнашган шайқатсиз жангларнинг тактик бориш манзараси қуйидагича тасвирланади:



### Темурбек армиясининг ясоли



Қўшин маркази 40 бўлук — полкка тақсимланган ва бевосита Соҳибқирон қўмондонлигида бўлган. Ушбу бўлукларнинг сараланган аскарлардан ташкил этилган ўн икки бўлукни сафнинг биринчи қаторида, қолган 28 бўлуки эса иккинчи ва учинчи қаторларида жойлашган. Қирқ бўлукнинг ўнг тарафи олдида Темурбек ўғлонлари ҳамда набиралари қисмлари, сўл тарафи олдида эса олий бош қўмондон қариндошлари ва иттифоқчилари қисмлари саф тортган. Бу қисмлар қўшинга истаган пайтда қўмак беришга шай турган. Иккинчи қаторнинг баранғарда олти бўлук ўз илғори — *ҳиравул* билан ўрин олган. Айни шунча бўлук ва ҳиравулга жуванғар ҳам эгалик қилган.

Иккинчи қатор баранғари ва жуванғари олдида юқоридаги тартибда биринчи қатор қисмлари жойлашган. Биринчи қатор олдида бош илғор — *ҳиравули бузург* ёки *манғлай* ҳаракат қилган. Енгил суворийлардан иборат икки бўлук — *қаравул* қўшинни қўққисдан бўладиган ҳамладан сақлаш, душман кучларининг ҳаракатини кузатиш билан банд бўлган<sup>1</sup>.

Муҳолиф лашкарда қочиш белгилари ва марлубият аломати зоҳир бўлиб қолгач, уни таъқиб этиш учун чапдаст суворийлардан тузилган *қувғунчи* тайин қилинган. Қувғунчилар шикаст топганларга шундай шиддат билан ҳамла қилганки, душман отлиқларида от суришга мажол, пийёдалар учун қочишга паноҳ қолмаган.

Қалъа ёки қўرғонга чекиниб, мустаҳкамланишга улгирган ғаним *муҳосара* қилинган.

Қалъа деворлари яқинида *манжаниқлар* қурилиб, ғалтаклар устига ўрнатилган *арродалар* тикланиб, қамалдагиларга қарата ҳар тарафдан тошлар ирғитилган, Раъдлар ишга солинган. *Борулар* остидан *нақблар* қавланган. Деворларда очилган *раҳналар* орқали аскарлар селдай ичкарига ёпирилиб кирабошлаган. Қалъага чор тарафдан мўр — малаҳдай ёпирилиб келаётган аскарлар қамал аҳли томонидан отилаётган ўқ, найза, тош баъзан ёнаётган моддалардан сақланиш учун бошларига қалқон ёки *тура* тутиб, деворларга қўйилган *шотулар*, ё бўлмаса ташланган *каманд* ва ҳалқалар ёрдамида юқорига кўтарилган.

---

<sup>1</sup> Қараңг: Уложение Тимура... б. 83-90.

Темурбек Дамашқ шаҳри яқинидаги бир қалъани қамал қилади. Қалъа мустаҳкам бўлиб, у узоқ муддатли мудофаа учун зарур қурол-яроғ, озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминланган, мудофаачиларга Яздар номли саркарда бошчилик қилар эди. Аввалига Соҳибқирон бу қалъага унча эътибор бермайди. Бошқа зарурроқ юмушлар, яъни Дамашқ шаҳри аҳлидан берилган омонлик учун тўланадиган товоғ-мол дунё, от-улов, жория ва хизматкорлар йиғиш билан машғул бўлади. Ушбу иш дундирилгач, Темурбек юқорида зикр қилинган қалъа сари юзланади. Қалъа баланд, *бурж ва борулари* мустаҳкам эди. Уни бир ҳамла билан қўлга киритиш мумкин эмаслигини сезган Соҳибқирон муҳосара қурол-яроғларини ҳозирлашни амр қилади. Жаҳонгир ишни қалъа деворлари ёнида ундан баланд бўладиган тупроқ уюми — *саркўб* тиклашдан бошлайди. Минглаб черик аҳли амир Жаҳоншоҳ раҳбарлигида теварак-атрофдан ўтин, ёғоч, шох-шабба тўплаб, устидан тош ва тупроқ тўкиб, саркўб барпо этади. Қад ростлаган саркўбга кўтарилган темурий аскарлар қалъа ичида турганлар устига турли қуроллардан ўт ёғдиради. Қалъа рўпарасига ўрнатилган манжаниқлардан иритилган тошлар билан деворларда рахналар очилади, унинг остидан нақб — ерости йўллари қазилиб, боруларга илгаклар ташланади, зич қўйилган нарвонлардан жангчилар қўрғонга ёпирилади. Бундай зўр ҳужумни кутмаган мудофаачилар сафида саросима бошланади ва улар қаршилик кўрсатиш бефойдалигини англаб етгач, муҳосаранинг йигирма тўққизинчи куни Темурбекдан омонлик тилаб, унга қалъани топширади.<sup>1</sup>

Темурбек қўшини забт этилган қалъа, шаҳар ва вилоятларни ўзбошимчалик билан ғорат қилиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум эди. Агарда бирор шахс, Соҳибқиронга «ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам, ёки заррача бўлса ҳам ноҳақлик кўрсатса, ёки наҳбу — ғорат тўғрисида сўз очса, зинҳор унинг мол-мулкию қони (беҳудага) оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарами таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат тилаш унга нажот қилмас, аҳли ва хизматкорлари унга наф қилмасди ва бирор кимса томонидан «у билмасдан шундай (иш) қилиб қўйди», —

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб, 232—234-бетлар.

дейилмасди. Бу, гўё бузилмас (қатъий) қондаю емирилмас (мустаҳкам) бино эди»<sup>1</sup>.

Фақат оммавий талон-тарожга рухсат берилгандан сўнггина юришда иштирок этаётган ҳар бир киши, ҳоҳ у номдор лашкарбоши бўлсин, ҳоҳ оддий аскар бўлсин, бундан қатъий назар тенг ғанимат олиш ҳуқуқига эга бўлар, кимки бирор ўлжани биринчи бўлиб қўлга киритса, ўшанга эга бўлар эди.<sup>2</sup>

Темурбек ўз тасарруфига киритилган мамлакат ва юртлардан ўлжа олинган мол-дунё, яроғ-аслаҳа, қимматбаҳо буюмлар, зебу зийнатларни салтанат хазинасига бекаму кўст келиб тушишини қаттиқ назорат қилар, асир олинган олимлар, фозиллар, меъморлар, шарият аҳли, наққошлар, тўқувчилар, тоштарошлар, тикувчилар, дурадгорлар, жибачилар, ахтачилар, чодир тикувчилар, сирчилар, қушчилар, ёйчилар ва ҳ, аҳли пешани иложи борича заҳмат ва зарарсиз бир ерга тўплар эди. Жам қилинган фазилат соҳиблари, аҳли ҳунар ва бошқа турли касб эгалари номдор бек ёки амирлар кузатувида Самарқандга етказилар эди.

Кўп ҳолларда Соҳибқирон обод ва кўркем, маданияти гуркираб яшнаган, маъмур шаҳар ва кентларни, вилоятларни горат қилишдан ўзини тияр, у ерлардаги муборақ қабристонлар, машойих ва акобирларни зиёрат қилар эди.

Унинг бундай феълү хўйидан бохабар бўлган юрт арконлари унга пешвоз чиқиб, пешкашлар қилиб, ўз халқига омонлик тилар эди. Икки орада сулҳ тузилиб, Темурбек қўшини илгарилаб кетар эди.

Соҳибқирон жангларда мардлик ва қаҳрамонлик намуналари кўрсатган ҳар қандай рақибини ҳурмат қилар, жангчиларини ундан ўрнак олишга ундар эди. Бунга тарих шохид.

Эрондаги Кермон вилояти ҳукмдори Султон Аҳмадга қарашли Алинжак номли қалъа бошлиғи Алтун қўл остидаги уч юз чоғлик кишиси билан Темурбекка қаттиқ қаршилик кўрсатади<sup>3</sup>. Соҳибқироннинг саркардаларидан Темур Қутлуг Алтун томонидан қилинган шабхун — тунги ҳужум пайтида ўлдирилади. Вақт-вақти билан қалъадан ташқари чиқиб, Темурбек аскарлари устига қилинган хуружлар мовароуннаҳрликларни танг аҳволга солиб қўяди.

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... I китоб, 247-б.

<sup>2-3</sup> Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 131-бет.

Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, Темурбек қалъани ўн икки йиллик қамалдан сўнг фатҳ этади<sup>1</sup>. Навбатдаги ғоратларнинг биридан қайтган Алтун қалъа дарвозасининг ўзи учун беркитиб қўйилганлигини кўради. Бўлак бошпаноҳи бўлмаган Алтун тақдирга тан бериб, Темурбек ҳукми остида турган, ҳозирги Эрон Озарбайжонига тааллуқли Маранд шаҳри томон ноилож йўл олади.

Алтуннинг қурол-яроғсиз ва аскарсиз ёлғиз ўзи келганлигидан воқиф бўлган Маранд доругаси дарҳол унинг бошини танидан жудо қилади. Бу нохуш воқеадан изтиробга тушган Соҳибқирон афеус-надоматлар чекади. Сўнгга ўз яқин кишиларидан бирини Марандга юбориб, Алтун жонига қасд қилган доруганинг мол-мулкани мусодара қилади ва унинг ўзини қатл этишга буйруқ беради.

Соҳибқирон бирор ҳисор, шаҳар ёки вилоятни қанча вақт ичда забт этиш мумкинлигини олдиндан яхшилаб ҳисоблаб чиқар ва саркардалардан белгиланган муддатда ҳарбий ҳаракатларни ниҳоясига етказишни қатъий талаб қилар эди.

Ибн Арабшоҳнинг ҳикоя қилишига кўра, 1400 йилнинг 9 августида Темурбек улкан черик билан Сивосга етиб келади. Тарихчиларнинг ёзишича, Сивос Туркиянинг ажойиб ва чиройли шаҳарларидан бири бўлиб, ғоят гўзал манзилда жойлашган эди. Шаҳар мустаҳкам қўрғони, маҳобатли иморатлари, тарихий обидалари, кўркам мақбаралари билан маълум ва машҳур эди. Ҳавоси мўътадил, суви зиёлол, халқи ўта ҳимматли ҳамда ҳамиятли бўлиб, одамциनावандлик, тақаллуф, тавозеъ ва иззат-ҳурмат қоидаларида стуку баркамол эди. Сивос Қорадеңиз ва Арманистонга туташ бўлиб, унга Туркия султони Боязид I Илдирымнинг тўнғич ўғли Сулаймон ҳоким эди.

Сивоснинг осонгина таслим бўлмаслигини пайқаган Темурбек шаҳарни ўн саккиз кунлик муҳосарадан сўнг фатҳ этишга аҳд қилганлигини баён этади. Ҳақиқатдан ҳам Сивос ўн саккиз кун давом этган жангу жадалдан сўнг 1400 йилнинг 26 августида забт этилади.<sup>2</sup>

Темурбек ўз тасарруфига олмоқчи бўлган улус ёки

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ*, Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 134—135-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ*, Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 194—195-бетлар, II китоб, 72-бет.

юртнинг ҳукмдорларига, лашкарбошиларига мактуб ва элчилар йўллаб унинг амрларига бўйин эгиб, *муқотала* ва *муқобаласиз* Суюрғатмишхон (1370—1388) ҳамда Маҳмудхон (1388—1402) ёки Соҳибқирон Темурбек кўрагон исми билан хутба ўқитиш, шу тартибу расмга кўра пул зарб қилиш, тобе ва итоатда бўлиш, у ўтказаетган сиёсатни сўзсиз тан олиш каби талабларни қўяр эди. Қўйилган шартларга майллик кўрсатганларни ҳурматлар, уларга иззат-икромлар кўрсатар, совға-саломлар тортиқ қилар, халқига омонлик берар эди.

Темурбекнинг талабларини назар-нисанд қилмай, у юборган элчиларни қатл этишга ботинган баъзи жойларнинг раҳбарлари аёвсиз жазоланар, мамлакати ғоратга дучор қилинар эди.

1400 йилнинг сентябр-октябр ойларида Ҳалабга етиб келган Шом ҳокими Сайди Судун Темурбек жўнатган, юқорида қайд этилган мазмунга яқин фармонни кўзга илмай, дипломатия қондаларини оёқости қилиб, мактуб келтирган элчига ҳамла қилади ва унинг бошини кесади. Элчининг ноҳақ қурбон қилиниши Соҳибқирон газабини кўзғайди ва Ҳалаб аҳлининг қирғин-барот қилинишига олиб келади<sup>1</sup>.

Одатга биноан галаба ҳақидаги фатҳномалар мамлакатнинг ҳар бир чеккаси томон чопарлар орқали етказилган. Бу ҳумоюш фатҳ овозаси рубъи маскуннинг барча ўлкаю вилоятларига тарқалган, хутба ва пул зарби Соҳибқирон номи ва лақаби билан шарафли қилинган.

Юришдан фатҳу зафар қучиб қайтган музаффар қўшини Мовароуннаҳр халқи томонидан жуда катта хурсандчилик, шоду хуррамлик ва тантаналар билан қарши олинган. Сочқи сочинш, пешкашлар келтириш шарти амалга оширилган. Олий бош қўмондоннинг шаънига ҳамду санолар, саломатлигига шукрлар айтилиб, муҳтожларга хайру садақалар улашилган. Дорус-салтана Самарқандда бир неча кун мобайнида дастурхонлар ёзилиб, тўю шодиёналар авжига чиққан. Хосу омга туҳфалар қилинган, ошлар тортилган<sup>2</sup>.

Темурбекнинг саркардалик салоҳияти шунингдек, унинг бир неча бор кам сонли черик билан қўрқув билмасдан кўп сонли ғаним лашкарига қарши жанг олиб

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб, 199—205-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Гийасаддин Али. Дневник похода...* 6. 185—188.

борган чоғларида яққол кўзга ташланади. «Қанчадан қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан галаба қилган»<sup>1</sup> лиғши, оз ўт кўп ўтнинг куйдиришга қодир эканлигини яхши билган Соҳибқирон кўпинча сон жиҳатдан зиёд бўлган ёв кучларига юзма-юз чиқиб, ўзига хос бўлган чора-тадбирлар кўмагида нусрат қозонар эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг мана бу сатрларига диққат қиламиз: Мовароуннаҳр вилоятлари бошдан оёқ мухолифлар ва душманлар таъсири доирасида бўлганлигидан ҳар бир жойда душман лашкарининг қандайдир бир катта тўпи ўрнашиб олиб, ҳар ким ўз ўрнини бор кучи билан муҳофаза қиларди. Шунга қарамай осмондай қудратли Соҳибқирон ул дийрга бормоққа азм айлади ва Парвардигор кўмагидан умид қилган ҳолда, олти юз киши йўлга отланиб, шабгир қилиб, таваккал юзини йўлга қаратди. Жайхун сувидан ўтганларидан сўнг, шабгир қилиб, тонгга яқин Найистонга етдилар. Ўша кун икки чорбоғда бекиниб турдилар ва отлар йўл чарчогидан тин олди. Сўнгра Жуйбори мавзесидан шабгир қилиб, Хузор томондан юриб Қаршини ўраб олдилар. Амир Муне навкарларидан бир тўпи ўша ерда эди, барчасини банди қилдилар. Қайсарнинг қариндошлари — Анонжак, Кўдаҳ ва Ўрдушоҳ ўз қавмлари билан қочиб қолдилар. Дуваррака ва Шайх Али баҳодир эса савдогарларни душманлар деб ўйлаб, улар билан жанг қилдилар ва ғолиб чиқиб, тўрт боғлам кимхоб ўлжа олиб, Ҳазрат Соҳибқирон олдига олиб келдилар. Ул Ҳазратнинг буйруғи билан уларнинг ҳаммасини, кам-кўстенг эгаларига қайтардилар. Қаравунас<sup>2</sup> лашкаридан беш минг киши Кўзи — мундоқ<sup>3</sup> мавзеида турардилар. Амир Сулаймон Ясаурий уларга бориб кўшилди. Баротхожа ва Хиндушоҳ ҳам ўз лашкари билан уларга бирикди. Анонжак ва Кўдаҳ Хузор яқинидан ўтиб, уларнинг қошига кетдилар.

Ҳазрат Соҳибқироннинг бу аҳволдан хабари йўқ эди. У кун ботиш олдидан Қаршидан отланиб, ярим кечада Навқатга<sup>4</sup> етиб борди. Ўша ерда қаравунас лашкари ва улар ёнига тўпланган кўп (қўшин) ҳақида хабар топди.

<sup>1</sup> Қуръон, 2-сура, 249-оят.

<sup>2</sup> Қаравунас — Чигатой улуси ғарбий қисмида жойлашган турк-мўғул қабилалари.

<sup>3</sup> Қамашн туманидаги Қизилтепа қишлоғи.

<sup>4</sup> Қамашн туманидаги Қорабоғ қишлоғи.

Эҳтиёткорлик шартига амал қилган ҳолда, ўша заҳоти ҳовли-жойлар орасидан чиқишга буюрди ва ўша кеча Навқатнинг ташқарисида чўлда тунади... Шу пайт амир Жаку отдан йиқилиб, шундай қаттиқ лат едики, мизожига яшаш йўлидан четга бурилди. Ҳазрат Соҳибқирон ўттизта мукаммал отлиқни унга қўшиб, Моҳонга юборди. Ўзи эса ҳиммат юзини қатъий равишда қаравунас лашкари билан жангга қаратди. Амирлар ва баҳодирлар барча ул ниятга қўшилиб, рози бўлди. Фақат Али Ясаурийгина ул фикрни маъқул топмади ва маслаҳатдан деб билмади. Қариндошлари бу ҳақда Ҳазрат Соҳибқиронга арз қилдилар. Ул Ҳазрат уни зўрлик билан чақиртириб отлан-тирди.

Шайх Али баҳодир ва Оқбўға баҳодирни олтимишта аскар билан манглай тарзида жўнатди. Душманлар томондан Ҳиндушоҳ уч юз киши билан лашкар олдида келарди. Ҳар йккала томон манглайи бир-бирларига етиб жангга киришдилар. Осмоний қўллов Ҳазрат Соҳибқирон сипоҳига оз бўлишига қарамай, ғалаба ва ферузлик каромат қилди ва душман манглайини қувиб, уларнинг қўлигача етказдилар.

Бу ғалаба содир бўлгач, ул Ҳазрат тўхтаб, отларга дам бердилар. Ўша куни пешин чоғи саодат ила яна отланиб, олти юз сипоҳни етти қўшинга бўлди. Зафарпаноҳ сипоҳ душманлардан сон жиҳатдан жуда оз бўлганликлари учун Соҳибқирон жангчиларнинг кўнглини кўтариб, яхши сўзлар айтди. Уларни рағбатлантириш учун тиришмоқ ва жанг қилмоққа ундаб, гавҳар сочувчи сўзлар билан, бугун мардлар учун базм ва ишрат (куни) дир деди. Амир Довуд, амир Сарибўға, Ҳусайн барлос, амир Сайфуддин, Аббос баҳодир, Оқбўға баҳодир, Ҳинду, Элчи баҳодир, Дуваррака, Шайх Али баҳодир, Али Ясаурий, Чўбин ва Махмудшоҳларни ҳар бирини ўз жойларига қўйиб чиқди. Ўзи эса, қаравул тарзида олдинга юрди. Ёв яқин келгач, жувангар ва бурангарни тартибга келтириб, қўлни ўзининг ярқираб турган шон-шукуҳи билан беади. Жанг чоғи уч чўқ (тўп) бўлиб ҳужум қилсинлар, деб буюрди. Йкита томон сипоҳи бир-бирига ташланган чоғда мавлоно Бадруддин ва унинг ўғли қочдилар. Али Ясаурий ҳам йкита навкар билан қочмоққа юз тутди. Ҳазрат Соҳибқирон Тангри кўмаги ила ҳужумга ўтди...

Ўшандай кўп сонли ва шон-шавкатли лашкар бир соат ҳам туриб жанг қилолмадилар ва жаҳонгир Соҳиб-

қироннинг бир ҳамласидан орқа ўгириб, қочмоққа юз тутдилар»<sup>1</sup>.

Темурбекнинг қўшин қисмлари тоғли ҳудудларда ҳам муваффақият билан жанг ҳаракатлари олиб бориш, мустаҳкам қалъа ва ҳисорларда ўрнашиб олган душманны мағлуб этиш қобилиятига эга эди. Фикримизни Низомуддин Шомийнинг қуйидаги қайдлари билан мустаҳкамлаймиз.

Соҳибқирон қўл остидаги ҳарбий кучлар Андароба мавзегга етганда у ернинг мусулмон аҳолиси Темурбекдан ўзларини мажусийлар зулмидан ҳалос этишни илтимос қилади. Соҳибқирон тайридийлар ўтказётган азоб-уқубатга чек қўйиб мақсадида тезлик билан қўшин сафларини ростлайди ва мажусийларга қарши юради. Рустам баҳодир мирзо ва Бурҳон ўғлон бошлиқ қисмлари Катур қалъаси томон йўллаган Соҳибқирон ўз навбатида катта ҳарбий қисм билан қалин қор ичидан йўл очиб, оғир сўқмоқ ва доволар орқали баланд бир чўққига кўтарилади. Барангар ва жувангар аскарлари қор билан қопланган жар ва дараларга учиб тушмаслик мақсадида белларига арқон боғлаб, чўққидан пастга тушадилар. Темурбек қўшинининг кутилмаганда тўсатдан пайдо бўлганлигидан бохабар бўлган мажусийлар кўч-кўронини тоғ устига олиб чиқишади. Темурбек қўшини ғанимларнинг кўпдан-кўп қўй-қўзиларини ўлжа қилади, уй-жойларини қўлга киритади. Асосий кучлар етиб келгач, тоғ тепасига чекинишга улғирган душманны бар-тараф этиш учун қисмларга тоққа кўтарилишга ижозат берилади.

Қўшин қисмлари фармонни адо этишга киришади. Шайх Арслон ёвнинг кўп тўдаларини жувангар қисмлари қароргоҳи томон қувлаб боради ва уларни мағлуб этиб аксарини асир қилади. Али Султон кофирларга бошқа тарафдан қирон келтиради ва уларнинг қўнимгоҳини эгаллайди. Мислсиз матонат ва қаҳрамонлик намуналари намойиш этган амир Ғиёсуддин Шохмалик ёғининг кучли зарбаларини қайтаради.

Мубашшир Тўра ҳам ўзга жангчилар қатори тўқнашувда ясورات кўрсатади. Мингли хожа бир гуруҳ сара баҳодирлар бошчилигида олға ташланади ва тоғ тепасига чиқиб олади. Суюнчак баҳодир ўз жангчиларини жанговар сафга тизиб душман билан шиддатли жанг қилади. Шайх

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома... 157—160-бетлар.



Арслон аскарлари ва мулозимлари ҳамроҳлигида тоғ тепасига чиқади ва у ерда жойлашиб олган мажусийларни қиличдан ўтказди.

Мусо, Ҳусайн Малик ва амир Ҳусайнлар ҳам оғир жанг олиб боришади.

Ўзга минглик ва туман сардорлари душман гуруҳларини, уларнинг истеҳкомларини қуршовга олади.

Уч кун давом этган саваш чоғида мажусийларнинг кўпчилиги қурбон бўлади. Тўртинчи кун кофирларнинг акобирлари чорасиз аҳвол ҳамда заифлик сабабли Темурбекка итоаткорлик кўрсатади ва аҳли учун омонлик тилайди. Соҳибқирон мажусийлар исломни қабул қилган тақдирдагина омонликка сазовор бўлишлари, бешлари амал сиртмоғидан ҳалос қилиниши мумкинлигини баён этади. Мажусийлар жонларини сақлаб қолиш, ўғил-қиз ва хотин-халажини тутқунликдан сақлаб қолиш ниятида ўз дилларидан воз кечиб, иймон келтиришади.

Соҳибқирон уларнинг ҳаммасига инъомлар бериб ва иззат икром кўрсатиб, ўз уй ва юртлари томон қайтишларига ижозат беради.

Аммо бахти қаро мажусийлар ўз маконларига эсон-омон етиб олгач, исломдан юз ўгирадилар ва амир Шоҳмалик аскарларига тунда шабихун қиладилар. Мажусийлар томонидан зоҳир этилган бу ҳаракат уларнинг Соҳибқирон қўшинлари томонидан тор-мөр этилишига, хотин-халаж ва ўғил-қизларининг банди қилинишига, мол-мулкларининг талон-тарож бўлишига олиб келади.<sup>1</sup>

## ҚАРОР ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

Маълумки, Жўжиҳон авлодидан бўлган Тўхтаминшхон отаси Тўйхўжа ўғлон Ўрисхон томонидан қатл қилингандан сўнг Оқ Ўрдадан қочиб, 1376 йили Самарқандга, Темурбек ҳузурига мадад ва паноҳ излаб келади.<sup>2</sup>

Узоқни кўрабилувчи, ақли теран ва тезфаҳм Соҳибқирон ёш, гайратли ҳамда истеъдодли хонзоданинг кўнглини кўтариш, қўллаб-қувватлаш, лозим топса тўс-тўпалондан боши чиқмай қолган Оқ Ўрда сиёсий-ижти-

<sup>1</sup> Қаранг: *Гийасаддин Али, Дневник похода...* б. 192—195.

<sup>2</sup> Қаранг: *Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрта...* 287—288-бетлар; *Якубовский А. Ю. Тимур...* б. 61—62.

мойи ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб, у ерга ўзининг ишончли кишинини ҳукмдор қилиб қўйиш мақсадида Тўхтамишхонни жеракли қурмат-эҳтиром билан қаршилайдди, совға-саломлар, тортиқлар инъом қилади. Зарур қурол-аслаҳа, асбоб-анижом, от-улов ва қўшин билан таъминлаб, Тўхтамишхоннинг Оқ Ўрда тахтига эга бўлиш йўлида қилган барча юришларида кўмак беради.<sup>1</sup>

Яқиндан берилган мадад туфайли Тўхтамишхон 1378 йили Оқ Ўрдани қўлга киритади, 1380 йили Калка дарёси бўйида Мамайни мағлуб этган Тўхтамишхон Сарой ал-Жадид, Сарой Боту, Саройчик, Ҳожитархон сингари шаҳарларни забт этади ва ўзини Олтин Ўрданинг мутлақ ҳокими деб эълон қилади.<sup>2</sup> Жўжи улуси раҳбарлигини куч билан қўлга олган Тўхтамишхон олиб борган сиёсат ва ҳарбий ҳаракатларнинг асосий йўналиши жауубга, яъни қачонлардир Чингачойхон ва Хулагухон улуслари ҳисобланган Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонга қаратилган эди. Бу улуслар XIV асрнинг ўрталарига келиб, таназзулга юз тутган, ерлари Темурбек ва унинг фарзандлари томонидан эгалланмоқда эди. Ўз хатти-ҳаракатларини яқин ўтмишда жуда катта ҳудудда ҳукмронлик қилган буюк, эндиликда ўзаро уруш ва низолар туфайли майда бўлақларга ажралиб кетган, ўз умрини тугатаётган чингизийлар салтанатини қисман бўлса-да, қайта тиклашдек аниқ мақсадга қаратган ёш, ғайратли, шу билан бирга ўта баджаҳл Тўхтамишхон бир умр миннатдор бўлиши лозим топилган ҳомийси ва мададкори Темурбек билан очиқдан-очиқ муносабатларни ёмонлаштириш, муҳолифатчилик қилиш кўчасига қадам қўяди. Соҳибқирон билан бўлган алоқаларни бутунлай ўзган Тўхтамишхон унинг тасарруфига кирган мулкларга таъжовуз қилиш ниятида 1382—1384 йиллар давомида катта қўшин тузиш, уни керакли қурол-яроғ билан таъминлаш каби зарур чора-тадбир билан машғул бўлади. 1384 йилнинг ниҳоясида Тўхтамишхоннинг юз минг кишилик қўшини Дарбанд ва Ширвон орқали Кура дарёсидан ўтиб, Соҳибқирон мулки ҳисобланган Табриз остонасида пайдо бўлади. 1385 йил бошида шаҳар хон

<sup>1</sup> Қаранг: Греков В. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрта... 288-бет. Егоров В. Л. Историческая география. Золотой Орды в XIII—XIV вв. М., Наука, 1985, б. 64—65.

томонидан забт этилгач, унинг чериги Марагага қараб юради. Бу ердан ортига қайтган Тўхтамишхон лашкари йўл-йўлакай Озарбайжоннинг Маранд ва Нахичеван вилоятларини яқсон қилади. Юришни шу йўсинда яқунлаган хон қўшини Қорабоғда тўпланади ва у ердан Олтин Ўрда сари жўнайди.<sup>1</sup>

Келаси, 1386 йили Темурбекнинг айнан Аррон даштида қишлоқ учун тушганлигидан беҳабар Тўхтамишхон Озарбайжонга қайта юриш бошлайди. Олтин Ўрдалиқлар лашкари Дарбанднинг жанубидаги Самур дарёси бўйларида Темурбек аскарларига дуч келади. Бўлиб ўтган қисқа жангдан сўнг Тўхтамиш қўшини шимол томон бурилиб кетади.<sup>2</sup>

1387 йили Тўхтамишхон Темурбекнинг Эрондалигидан фойдаланиб, Соҳибқирон салтанатининг марказий қисмларига ҳужум қилиш қарорига келади. Дастлабки зарба Оқ Ўрданинг маркази Сигноқ томонидан берилади. Сабронни эгаллай олмаган қўшин Ўтрорга йўл олади ва у ерда унча катта бўлмаган Темурбекка тегишли аскарий гуруҳини мағлуб этиб, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудига бостириб киради. Тўхтамишхон иккинчи йўналишдаги зарбани Хоразм орқали амалга оширади. Самарқанд ва Бухоро қуршовда қолишига қарамай, Тўхтамишхон бу шаҳарларни олишни уйдасидан чиқолмайди. Асосий қуролли кучлар билан Широзда турган Темурбек қамалда қолганларга 30 минг кишилик мадад жўнатади. 1388 йилнинг феврилида Соҳибқирон бор армиясини бошлаб, душманга қарши йўлга чиқади. Тўхтамиш Темурбек билан юзма-юз тўқнашишдан воз кечиб, зудлик билан Дашти Қипчоққа қайтиб кетади.

Тўхтамишнинг Олтин Ўрдадан бир неча чақирим масофада жойлашган Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қилган ҳужуми, унинг муайян бир ҳудуд учун эмас, балки умуман Темурбекка қарши олиб бораётган сиёсатининг натижаси эканлигини Соҳибқирон англаб етган эди.

1383 йилнинг сўнггида ўз қўшинини рус, булғор, бошқирд ва бошқа халқлар ҳисобига мустаҳкамлаган Тўхтамиш яна Темурбекка қарши отланади. Қозоғистон чўллари ва Сирдарё бўйлаб ҳаракат қилган улкан қўшин-

<sup>1</sup> Қаранг: В. Г. Тизенгаузен. Сборник материалов... Т. 2. 6. 157; В. Л. Егоров. Историческая география... 6. 218—219.

<sup>2</sup> В. Л. Егоров. Историческая география... 6. 219.

нинг илғор қисми 1389 йил бошида Арис дарёсининг этагида жойлашган Зарнуқ шаҳри яқинида Темурбек томонидан исканжага олиниб, тор-мор этилади. Бу вақт<sup>1</sup> да Тўхтамиш кўшинининг асосий қисмлари билан Сир<sup>1</sup>нинг ўнг соҳилидаги Саброн шаҳрини эгаллашга беҳуда уринмоқда эди.<sup>1</sup>

Темурбек Тўхтамишхон томонидан амалга оширилаётган ганимлиқ ва ғаразгўйлик саъи ҳаракатларга чек қўйишга ҳамда Соҳибқироннинг Эрон заминидagi мавқеининг кучайиб кетаётганлигини олдини олиш учун Олтин Ўрда ва Миср ўртасида тузиллиши режалаштири-лаётган иттифоққа барҳам беришга мажбур бўлади. На-тижада Темурбек 1391 йилнинг қиш фаслида Тўхтамиш-хонга қарши юришга азм қилади<sup>2</sup>. Салтанатнинг турли вилоятларига тавачи ва чопарлар юборилиб, оммавий са-фарбарлик ҳақида фармони олий эълон қилинади. Бир йилга етадиган озиқ-овқат, ем-хашак йиғиш ва ҳозир<sup>1</sup>лаш чоралари кўрилади. Ҳар бир жангчи бир ёй ва ўттиз дона ўқ, тиркаш ўқдони билан, бир қалқон, битта кў-шнмча от, ҳар ўн аскарда бир чодир, икки бел, бир кет-мон, бир ўроқ, бир арра, бир теша, юз игна, ярим ботмон арқон, бир тери ва қозон бўлиш шарти қўйилади. Темур буйруғига биноан уловчи бўлмаган навкарларга отлар берилади. Давлат хазинасининг эшиклари очилиб, амир<sup>1</sup>лар, беклар, лашкарбошипларга сафар олдидан тортиқ-лар қилинади. Лашкарнинг жанговар руҳини кўтариш мақсадида аскарларга совғалар улашилади.

Жам бўлган кўшин Самарқанддан йўлга чиқади ва Сирдарёдан кўприк орқали ўтиб, Тошкентга қараб юра-ди. Қишнинг маълум қисмини Тошкентда ўтказишга қа-рор қилган Темурбек одатича шайх Маслаҳатнинг мақ-барасини зиёрат этиш учун Хўжандга боради. Тошкент-га қайтиб келган Соҳибқирон безгак касали билан оғриб,<sup>1</sup> қирқ кунгача ётиб қолади. Аркони давлат, беку умаро ва аҳли лашкарнинг кўнгиллари ғамгин ва паришон бў-лади. Дард аригач, Темурбек Дашти Қипчоқ юришига жиддий тайёргарлик кўра бошлайди. Бек ва нўбнларга

---

<sup>1</sup> Қаранг: В. Г. Тизенгаузен. Сборник материалов... Т. 2. б. 157; В. Л. Егоров. Историческая география... б. 219—220; В. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Олтин Ўрда... 288—289-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Греков В. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда. 302 б; Егоров В. Л. Историческая география... б. 220. Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов. т. 2. б. 160—171.

туҳфалар қилади, сипоҳга ош бериб, барчанинг кўнглини хушнуд айлайди. Қўшинга қийин ва ўтиб бўлмас жойлардан бошлаб борувчи йўл бошловчилар — қажарчилар белгилайди. Бу гал қулавузлик, яъни, йўлбошловчилик қилиш вазифаси чингизий шаҳзода Темур қутлуг ўғлон ҳамда Идигуй ўзбек, яъни, Едигей зиммасига юклатилади. Шу аснода Мироншоҳ кўрагон мирзо Хуросон лашкари билан келиб, ҳумоюн ўрдуга қўшилади.

Мамлакат ишларини идора қилиш вазифаси вақтинчалик Шохруҳ мирзо ва Жаҳонгир мирзоларга топширилади. Амир Лаъл билан амир Милкат амирзодаларга ноиб этиб тайинланади.

Барча ташкилий юмушлар ниҳоясига етгач, Тошкентдан 1391 йилининг 22 январидида қўзгалган Темурбек армияси Ўтрор томон йўлга чиқади. Рақибининг улкан қўшин билан келаётганлигидан чўчиган Тўхтамишхон у билан бўлажак тўқнашувни иложи борича кейинга суриш мақсадида Темурбек ҳузурига ўз элчиларини тўққизта чопқир ўт ва бир қанча шунқорлардан иборат совға-саломлар билан юборади.

Хоннинг элчилари орқали йўллаган узр-маъзур, тавба-тазарру ҳамда содиқ бўлиш ҳақидаги ваъдаларини диққат билан тинглаган Темурбек айтилган сўзларнинг барчаси сохта ва найрангдан ортиқ нарса эмаслигини яхши пайқайди. Лашкарбошилар, аркони давлат, амирзодалар, нўёнлар иштирокида ўтказилган ҳарбий кенгаш — машваратда Тўхтамишхонга қарши юришни давом эттиришга қарор қилинади.

1391 йил ҳут ойи охирларида икки юз минг кишилик қўшин Яса, Қорачуқ, Саброн орқали Сарик ўзан (Сари сув) мавзеега чиқади. Кучли сел келиши туфайли қўшин бир неча кун шу ерда макон топади. Сел камайгандан сўнг Соҳибқирон қўшини дарёдан гузар орқали ўтади. Бир кун кечаси Идигуй ўзбекнинг икки навкари қочиб, Тўхтамишхон урдугоҳига кетганлиги маълум бўлади. Қочоқларни тутуш мақсадида юборилган таъқибчилар уларни тополмай, қайтиб келади. Соҳибқирон икки кеча-кундуз йўл юриб толиққан қўшинни Улуғ тоғ (ҳозирги Қозоғистондаги Қарсақпай кони яқинидаги Олтин чўку номли тоғ) ёнбағрига ҳордиқ олиш учун туширади. Ўзи эса хослари ҳамроҳлигида тоғ бошига чиқиб, тева-рак-атрофга, ястаниб ётган даштга назар ташлайди ва бу ерда мазкур юриш ҳақида хотира қолдиришга қарор

қилади<sup>1</sup>. Фармони олийга кўра жангчилар атроф жаво-  
нибдан харсанг тошлар ташиб келиб, белгиланган жойга  
тўплайдилар. Уста тоштарошлар ишга тушиб, Соҳибқи-  
роннинг Тўхтамишхонга қарши қўшин тортиб, ушбу мав-  
зегга етганлиги тарихини тошга битадилар.

Туркий ёзувда нақш қилинган хотиранинг матни қу-  
йидагичадир: Тарих етти юз тўқсон учта, қўй йил ёзнинг  
ора ой Туроннинг султони Темурбек икки юз минг<sup>2</sup> че-  
рик била ислом учун Тўхтамишхонни (нг) хониға йури-  
ди. Бу ерга етиб, белгу бўлсун теб бу йўбани қў-  
ларди. Тангри нисфат бергай, Ишпаоллоҳ. Тангри эл  
кишига раҳмат қилгай, Ўзини дуо била ёд қилгай».

Ёдгорлик битгач, қўшин яна йўлга чиқади: Илончуқ,  
дарёсини убур қилгач, саккиз кеча ва кундуз тинимсиз  
от суриб толиққан Темурбек синоҳни Анақарғуй (Қозо-  
ғистондаги ҳозирги Анақарқуюн) мавзегга туширади.

Беш-олти ойдан бери ганим кетидан изма-из келаёт-  
ган қўшиннинг озиқ-овқати деярли тугаш арафасида эди.  
Соҳибқирон қўшин бекларига иложи борица ун, буғдой,  
арпа каби озиқ-овқат маҳсулотларини тежашни буюради.  
Аскарлар биёбондаги қушларнинг тухумларини пишириб  
ейиш ҳамда атала — *буламуқ* ичиш билан қаноатланади.

Оғир вазиятдан чиқиш, яъни қаҳатдан халос бўлиш-  
нинг бирдан-бир иложи *чарга* ови қилишга амр қилина-  
ди. Ов жуда муваффақиятли бўлади, кўплаб жайрон,  
ёввойи эчки, кийик ва бошқа саҳро жониворлари ўлжа  
қилинади. Емиш муаммосини ҳал қилган Темурбек са-  
фарни давом эттиради. Лашкар денгизмонанд жўш ва  
хурушга келиб, тартиб ва қоида билан фавж-фавж, гу-  
руҳ-гурух бўлиб ёғи томон мутаважжих бўлади. Тобол,  
Ейик (Урал), Самар дарёларидан кечиб ўтган қўшин  
Йик дарёси яқинида қўнишга қарор қилади. Амирзода  
Муҳаммад Султон баҳодир тутиб келтирган тилдан душ-  
маннинг яқиндалиги тўғрисида маълумотга эга бўлган  
Соҳибқирон ражаб ойининг душанба куни қўшинни зуд-  
лик билан Йикни кечиб ўтишга бошлайди. Кўприкдан  
дастлаб *манғлай*, сўнг *қўл-марказ* ўтади. *Баранғар* ва  
*жуванғар* лашкарига сувдан сузиб ўтишга буйруқ бери-  
лади.

<sup>1</sup> Қаранг: Греков В. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 303—  
304-бетлар; Якубовский А. Ю. Тимур... 6. 63.

<sup>2</sup> Содиқов Қ. Амир Темурнинг уйғур ёзувли битиги //Соғлом  
авлод учун 1995 йил № 1//

Бу орада душман қароргоҳини аниқлаш мақсадида жўнатилган разведкачи гуруҳ-қарауларнинг сардори амир Ику Темур қарши томон қараулари, билан бўлган тенгсиз тўқнашув пайтида қатлга етади. Икки тарафнинг соқчи бўлинмалари тез-тез юзма-юз кела бошлайди. Бироқ, ёвнинг асосий кучлари ҳа деганда кўзга ташланабермайди.

Озиқ-овқатнинг соат сайин камайиб бориши, узоқ йўл босган аскарларнинг ҳолдан тойиши ҳисобига Темурбек армиясининг тинкасини қуришиб, унинг жанговар руҳини сусайтириш тактикасини усталик билан қўллаётган Тўхтамишхонни Умаршайх мирзо, амир Суюнчак, Султон Санжар, амир Ҳожи Сайфуддин ва амир Аббоснинг ўғли Усмон қўмондонлигидаги йигирма минг жаррор отлиқ аскарлардан иборат илғор қисм — манғлай, охир оқибат тўхташга ва жангга киришга мажбур этади.

1391 йилнинг 18 июнида Самара вилоятининг Қундузча мавзеида Темурбек ва Тўхтамишхон ўртасида, икки томондан тахминан 400 минг аскар иштирок этган, ўша даврдаги энг даҳшатли ва йирик *масоф* — жанглardan бири бўлади.


Ушбу жанг саҳнаси, Темурбек қўшинининг жанговар тартиби Низомуддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий асарларида муфассал тасвирланган.

Ясолин тузшга бевосита Соҳибқироннинг ўзи раҳбарлик қилади. У қўшинининг қисмларини жанг майдонига жойлаштиришда янги усулни қўллайди ва уларни *етти кўлга ажратади*. Султон Маҳмуднинг номи билан ораста қилинган ва марказга қўйилган қўлга бевосита амир Сулаймоншоҳ қўмондонлик қилади. Бу қўлнинг кетидан Темурбекнинг иккинчи қўли туради, унга бошчилиқ қилиш Муҳаммад Султон мирзога буюрилади. Унинг ортидан бевосита Темурбек ихтиёрида бўлган 20 қўшун эҳтиёт қисм қилиб жойлаштирилади. Барангарга Амроншоҳ мирзонинг қўли қўйилади, амир Ҳожи Сайфуддиннинг қўли *кунбул-қанот* қўриқчиси вазифасини ўтайди. Жувангарга Умар Шайх мирзонинг қўли жойлаштирилади. Унга кунбул тарзда Бердибек, Сарибўга раҳбарлигидаги қўл туради. Бу қисмга ҳам жувангар, ҳам қўлни қўриқлаш вазифаси юклатилади. Марказ — қўл манғлай — авангард билан таъминланади. Қўлнинг орқа томонида олий бош қўмондон, яъни, Темурбек қароргоҳи ўрнатилган чагдавул жойлаштирилади. Шу ерда бўлган эҳтиёт кучлар жангнинг тақдирини Темурбек фойдасига ҳал бўлишида катта роль ўйнайди.

Ул тарафда Тўхтамишхон ҳам ўз сипоҳини беш қўлга бўлиб, уларга хонзодалардан Тош Темур ўғлон, Бек Бориқ ўғлон, Элтиқмиш ўғлон, Али ўғлон, Жўжихон улуси умаросидан Алибек, Сулаймон, Қўнгирот Наврўз, Оқ бўта, бийлардан Айсаек, Ҳасанбек, Қўка ва Ёғли сингари Дашти Қипчоқнинг номдор саркардаларини бошлиқ қилиб, саф чекиб турарди.

Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда Темурбек ва Тўхтамишхон қўшинларининг жанговар тартиби — ясолин қуйидагича схемалаштириш мумкин.

### Тўхтамиш армияси



### Темурбек армияси



Темурбек жанг олдидан аскарый қисмларга чодирлар тикиб, овқат пиширишни, емак билан машғул бўлишни буюради. Жангчилар ўт ёқиш ва емак пиширишга тутинади. Нусратпаноҳ қўшиннинг бу даражадаги виқор ва саботи Тўхтамишхон лашкарини нафақат таажжубга, балки ғулғулага солади.

Соҳибқирон жидол ва қитолга шуру қилмасдан аввал отидан ерга тушади. Сидқ ва ниёз юзидан икки рақъат намоз ўқиб, Тангридан нусрат ҳамда зафар тилайди. Шундан сўнг ҳар икки қўшиннинг диловарлари ва икки мамлакатнинг сафдорлари жалодат майдонига қадам қўйиб, тўқиб бошлайдилар. Даставвал амир Ҳожи Сайфуддин ўз рўпарасида турган ғанимнинг жувангарига ҳамла қилади ва уни синдиришга муяссар бўлади.

Душман қисмнинг сафи бир-биридан айрилиб қочмоққа юз тутати. Шу пайт душмanning бир неча бўлимлари амир Ҳожи Сайфуддин аскарларига ҳужум қилиш ниятида унинг изига тушади. Душман режасини ўз пайтида англаб етган амир Жаҳоншоҳ ўзининг лашкари билан тебраб, бу ғуруҳнинг йўлини тўсади.

Амирзода Умаршайх баҳодир журъат шамширин ғилофидан суғириб, ўз аскарлари билан хасм барангарига ташланади.

Тўхтамишхон Соҳибқирон қўли билан жанг қилишга ботинолмай, у ердан юз ўгиради ва амирзода Умаршайх қисмларига қараб юзланади. Бироқ амирзода унга қаттиқ қаршилиқ кўрсатади ва у ердан тебранмакни хаёлига ҳам келтирмайди. Иш чиқмаганини кўрган Тўхтамишхон Шайх Темур ва Салдуз қўмондонлигидаги қисмларга ҳужум қилади. Темурийларнинг кучли тирборонига дуч келишга қарамай Тўхтамишхон Салдуз фавжини яксон қилиб, ўртасидан ёриб ўтади. Шундан сўнг мирзо Умаршайх ўз одамлари билан хон қаршисига чиқиб, уруш бошлайди. Маъракагоҳнинг бошқа жойларида ҳам Темурбек аскарларининг қўли баланд келабошлайди. Охиросқибат Дашти Қипчоқ лашкари фирор йўлини тутати.

Жанг Темурбекнинг тўла устунлигида ўтади. Бутунлай тор-мор этилган Тўхтамишхон қўшини қолдиқлари Волгага қадар таъқиб қилинади. Катта миқдордаги ғаниматни қўлга киритган музаффар қўшин жангдан кейинги йигирма олти кунлик ҳордиқдан сўнг келган

йўли билан юртига қайтади. Ун бир ой давом этган ҳарбий сафар ниҳоясига етади.<sup>1</sup>

Олтин Ҳрданинг ушбу мағлубияти унинг иқтисодиятига, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига унчалик зарар етказмади, салтанатнинг тақдирини узил-кесил ҳал қилмади. Тўхтамишхон Соҳибқирон билан олиб бораётган сиёсий курашини давом эттириш учун ҳали етарли куч-қувватга эга эди.<sup>2</sup>

## ТУҒОН

1394 йилнинг кузида Темурбек қўшинларининг Шимолӣ Озарбайжонда турганлигидан фойдаланган Тўхтамишхон Дарбанддан ўтиб, Ширвоннинг кент ва туманларини горат қилинга киришади. Бундан хабар топган Соҳибқирон хон билан қайта тўқнашшдан ўзга чора йўқлигини англаб, юришга тайёргарлик кўришга фармон беради. Қўшиннинг юриш яроғи, озиқ-овқати, кийим-кечаги назардан ўтказилиб, хосу омга маош-улуғи улашилади.<sup>3</sup>

Қиш фаслини Қура дарёси ёқасидаги қишлоқ, яъни қишлолда ўтказган Темурбек қўшини баҳорнинг дастлабки илиқ кунларида Дарбанд томон йўлга тушади.<sup>4</sup> Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, туркий халқлар одатига биноан, жувангар қўшиннинг олдида ҳаракат қилган. Ўрни келганда шуни қайд этиш лозимки, туркий ва мўғул халқларининг урф-одатича қўшин қанотларининг ўнг ва сўлга тақсимланиши бу халқларнинг дунё томонлари ва қисмлари орасидаги нисбатни аниқлашдаги анъанавий тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлган.<sup>4</sup>

Темурбек юриш чоғида, уруш ҳаракатлари вақтидаги қонун ҳамда қоидаларга сўзсиз амал қилишни уқдирган ҳолда Тўхтамишга Шамсуддин Олмалиқни элчи қилиб

<sup>1</sup> Қаранг: *Егоров В. Л. Историческая география...* б. 220; *Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ҳрда...* 302-бет; *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* т. 2. б. 172—173.

<sup>2</sup> Қаранг: *Егоров В. Л. Историческая география...* б. 220; *Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ҳрда...* 308-бет; *Якубовский А. Ю. Тимур...* б. 63.

<sup>3</sup> Қаранг: *Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ҳрда...* 309-бет; *Хизриев Х. А. Нашествие Тимура на Северный Кавказ // Вопросы истории.* 1982, № 4, б. 47.

<sup>4</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* Т. II., б. 174.

юборади.<sup>1</sup> Тўхтамиш ўрдусига келган элчи хонга Соҳибқирон мактубини топширади ҳамда у айтган гапларни баён қилади. Тўхтамиш, Али Яздийнинг ёзишича, Темурбек билан сулҳ тузиш тараддудига тушган, аммо, баъзи бир саркарда ва нўёнларнинг таъсирида ўз фикридан қайтган ва дағал мазмунда битилган жавоб хатини элчига топширган. Элчи Албуруз тоғининг этакларидаги Самур водийсида вақтинча қурилган Темурбек қароргоҳига қайтиб келади ва Соҳибқиронни музокара натижаларидан бохабар қилади.

Дашти Қипчоқ хони билан сулҳ тузиш нияти рўёбга чиқмаган Темурбек қўшинни жанговар тартибга тизиб, Дарбанд довонидан ошиб, Доғистоннинг Тарки (ҳозирги Маҳачқала яқинидаги) шаҳри атрофида дам олиш учун тушади. Шу чоғда Тўхтамишхон Соҳибқирон ҳузурига ўз айғоқчиси Ўтроқни элчи сифатида жўнатади. Соҳибқирон лашқаргоҳига яқин келган элчининг у ердаги аскарларнинг кўплигидан қути ўчиб, зудликда хон қошига қайтади ва Тўхтамишхонга бу ҳақда хабар беради. Тўхтамишхон иккиланмасдан Қўйсу дарёсидаги кечикнинг муҳофазасига Қазанчи нўён бошчилигидаги ўз армиясининг ҳиравулини ажратади.<sup>2</sup> Темурбекка қарашли қаравул — разведка бу ҳақда Соҳибқиронни хабардор қилади. Соҳибқирон катта бир суворий гуруҳга саркардалик қилиб, ғаним ҳиравулига қарши юради ва уни биринчи ҳамадаёқ мағлуб этади.<sup>3</sup>

Шундан кейин Темурбек қўшини Чечен — Ингушия ҳудудларига қадам қўяди. Сунжи дарёсининг Терекка қуйилиши ўнг қирғоғида лашқаргоҳ учун жой тайинланади. Соҳибқирон Терек дарёсидаги мавжуд кечикларни кечикмасдан эгаллаш ниятида Сунжининг этагига қараб, унинг ўнг ва сўл қирғоқлари бўйлаб тез ҳаракат қилади.<sup>4</sup>

Тўхтамишхон Темурбек келгунга қадар Терекдан ўтиб, мудофаа иншоотлари қуришга, дарёнинг чап қирғоғини арава, дарахт, чапар ва туралар ёрдамида мустаҳкамлашга улгирган эди.<sup>5</sup> Шунга қарамай, Темурбек Тўхта-

<sup>1</sup> Қаранг: *Егоров В. Л. Историческая география...* б. 160.

<sup>2</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* т. II б. 119, 174; *Хизриев Х. А. Нашествие...* б. 47.

<sup>3</sup> Қаранг: *Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда...* 310-бет; *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* т., II, б. 119, 175; *Хизриев Х. А. Нашествие...* б. 47.

<sup>4</sup> Қаранг: *Хизриев Х. А. Нашествие...* б. 47.

<sup>5</sup> Қаранг: *Хизриев Х. А. Кўрсатилган асар. 5-ша бет.*

мишхоннинг қиравулини янчиб, Сунжи дарёсини жанг билан кечиб ўтади. Эртаси кечик топиш шунингдек, озиқ-овқат ва ем-хашак тайёрлаш мақсадида Соҳибқирон Терекнинг ўнг соҳили бўйлаб Жулат томонга юра бошлайди. Тўхтамишхон ўз рақибининг дарёдан ўтишига йўл қўймаслик учун қаравул ажратади ва бу соқчи қисм дарёнинг чап қирғоғи ёқалаб мовароуннаҳрликларни тинимсиз кузатиб боради.<sup>1</sup> Иккала қўшин уч кун давомида шу алфозда аста-секин ҳаракат қилиб боради. Учинчи кун Темурбек лашкаргоҳда бўлган аёлларга дубулгалар кийишни, эркакларга эса иккитадан от олиб лашкаргоҳни тезда тарк этишни амр қилади. Қароргоҳда эрлар шаклига кирган аёллар, улар назоратидаги ғуломлар ва асирлардан ўзга жонзот қолмади. Тунни бедорликда ўтказган Темурбек Тўхтамишхон соқчи гуруҳининг кўзини шамғалатиб, Терекдан кечиб ўтишга муяссар бўлади.<sup>2</sup>

1395 йилнинг 14 апрель сешанба кун Тўхтамишхоннинг армиясини жанговар сафга тизиб, жанг қилиш мақсадида келаётганлигидан хабар топган Темурбек қўшиннинг манғлай (ҳиравул), баранғар ва жуванғар қисмларини олға юритиб, душманга қарши боради. Шу кун бири 300 минг атрофидаги икки армия бир-бирига яқин масофага келиб, ўз қароргоҳларини ўрнатади ва тунни эртанги кун бўлажак ҳал қилувчи тўқнашув ҳаёлида ўтказади. Ўзининг жанг олиб бориш тамойилларига содиқ Темурбек қўшин тавачиларига ўрдугоҳнинг гирд айланасини мустаҳкамлаш ва ҳифзлаш, ённинг эҳтимолдан ҳоли бўлмаган тунги ҳамласини бардараф этиш чораларини кўришга амр қилади. Қароргоҳ атрофида хандақлар қазилиб, ичига мўндулар ўрнатилади, чапарлардан тўсиқ ҳамда ғовлар бунёд этилади. Бош хандақлар олд томондан қазилган ташқи хандақлар билан муҳофазаланади. *Ўрдугоҳда* бемақсад у ёқдан бу ёққа юришман қилинади.<sup>3</sup>

Жанг майдони сифатида иккала лашкарбоши ҳам ҳозирги Шchedринский ва Шелковский қишлоқлари, орасидаги, отлиқлар бемалол ҳаракат қилаоладиган кенг даштни танлайди.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Қараңг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* Т. II. 6. 170; *Хизриев Х. А. Кўрсатилган асар. Ҷаъа бет.*

<sup>2</sup> Қараңг: *Клавихо Руи Гонсалес. Дневник...* б. 143—144; *Хизриев Х. А. Нашествие...* б. 48.

<sup>3</sup> Қараңг: *Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда...* 310-бет;

<sup>4</sup> Қараңг: *Хизриев Х. А. Нашествие...* б. 48.

1395 йилнинг 15 апрель чоршанба куни Темурбек ва Тўхтамишхон қўшинлари ўртасида иккинчи марта ўша даврнинг энг катта ва даҳшатли жанги бўлиб ўтади.

Соҳибқирон бу гал ҳам ўз аскарларини 1391 йилдаги жанг чоғидаги жанговар тартибга тизиб, етти қўлга бўлади. Марказда қўл, унинг олдида асосий ҳиравул (манглай), ортида эса чагдавул жойлашган. Қўшиннинг ўнг қанотида барангар ва жувангар ҳиравуллари билан ўрин олган.<sup>1</sup> Асосий ҳиравул бошқа қўлларга нисбатан олдинда юрган ва душман сафларини ёриб ўтиш вазифасини ўтаган. Чагдавул бошқа қўлларга мадад жўнатиши ҳамда қўлининг кет қисмида жойлашган олий бош қўмондоннинг кузатув таянчини муҳофаза қилиши керак бўлган. Шундай қилиб, асосий кучларни ҳимоя қилувчи қисмларни янчиб ўтган қарши томон албатта, бошқа қисмларнинг зарбасига дуч келар эди<sup>2</sup>.

Биринчи қатор енгил қуроли жангчилардан ташкил топган бўлиб, асосан жангни бошлаб бериш, душман сафларини пароканда қилиш ва саросимага солиш билан банд бўлар эди. Огир қуроолар билан қурооланган иккинчи қатор душманининг асосий зарбасини даф этишга мўлжалланган эди. Марказда жойлашган қисм, яъни қўл (ғул) қўшиннинг ўзагини ташкил этар ва жангнинг тақдирини кўп ҳолларда ҳал қилар эди. Қалъа ва қўрғонларни қамал қилишда, мудофаа жанглари олиб боришда қўл келувчи пиёда аскарлар бош ҳиравул (манглай), қўл, барангар ва жувангар олдида ўрин олади. Ўнг ва сўл қанотларнинг илгор қисмлари ҳамда чагдавул фақат суворийлардан иборат эди.

Тактик назардан бу ҳарбий қўшилмалар мустақил равишда ҳаракат қилар ва фақат олий бош қўмондонгагина бўйсунар эди.<sup>3</sup>

Ясолнинг бу тартибда тузилиши бир қатор афзалликларга эга эди. Биринчидан, у отлиқ ва пиёдаларнинг ёвга ёпирилиб, кучли зарба бериш, тинимсиз ҳужум учун қулай вазият яратиш, иккинчидан, ҳиравул ҳамда чагдавул паноҳида қўшиннинг икки қаторга тизилиши айлана мудофаанинг мустаҳкам бўлиш имкониятини туг-

<sup>1</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 311-бет; Хизриев Х. А. Нашествие... б. 49.

<sup>2</sup> Қаранг: Заходер В. И. Империя Тимура // Исторический журнал. 1941, № 6. б. 86. Хизриев Х. А. Нашествие... б. 49.

<sup>3</sup> Қаранг: История Узбекской ССР. В 4-х т. Т.1., Ташкент, 1967. б. 455. Хизриев Х. А. Нашествие... б. 49.

дирар, душманининг қанотдан ёки айланиб ўтиб, орқа томондан зўр беришига тўсқинлик қилар эди.<sup>1</sup>

Темурбек қўллаётган ҳарбий усулнинг устун томонларини 1391 йилги жанг чоғида пайқаб олган Тўхтамишхон ҳам ўз армиясини жанггоҳда худди рақибидек жойлаштиради.


Чоршанба кuni қуёш ўз заррин нурларини ер юзига сочиши билан маърака майдони жунбушга келади. Қарама-қарши томон қўшинлари жанговар байроқларни кўтариб, такбир нидосини айтиб, бир-бирига юзланади. Жанг муқаддимаси Олтин Ўрдаликларнинг Кунча ўғлон, Бек Ёрлиқ ўғлон, Оқтау, Довуд Суфи ва Удурқу қўмондонлигидаги қўшилмаларининг Соҳибқирон қўшинининг жувангарига қаттиқ ҳужуми билан бошланади.<sup>2</sup> Сўл қанотнинг қўққисдан берилган зарба натижасида оғир аҳволга тушиб қолганлигидан воқиф бўлган Темурбек ўз ихтиёрида олишувга шай турган йигирма етти сараланган қисмдан кўмак ажратади. Мададга ўз вақтида етиб келган аскарлар душман шиддатини қайтариб, қарши ҳужумга ўтади ва ёвни қочишга мажбур этади. Қочаётганларни таъқиб қилишга қизиқиб кетган анчагина суворийлар жанггоҳдан узоқлашади. Рақиб жангчиларининг йўл қўйган тактик хатоси натижасида вужудга келган вазиятдан фойдаланган Тўхтамишхон ўз сарфларини қайта тартибга солиб, таъқибчиларга зўр беради ва уларни тарқатиб юборади. Қутилмаганда Темурбек қўл остида турган қисмлар душман исканжасига тушиб, Соҳибқироннинг ҳаёти хавф остида қолади. Шарафуддин Али Яздийнинг тасвирлашича, Темурбекка биринчи бўлиб кўмакка етиб келган амир Шайх Нуруддин бошчилигидаги отлиқлар зудлик билан отдан тушиб, ёпирилиб келаётган хон аскарларини ёйлардан отилаётган шиба ўқи билан тўхтатади. Муҳаммад Озод, унинг биродари Алишоҳ ва Тўкал бавурчи каби амирлар араваларни бир-бирига боғлаб, *қуран* ясайдилар.<sup>3</sup> Темурбек шу аравалар, улар устига қўйилган тура ва чопарлар паноҳида бўлади. Айлана мудофаада қолган Темурбекка Аллоҳдод, Зирбек Жаку, Хусайн Малик қавчйн бошлиқ аскарлар бўлим-бўлим, фавж-фавж бўлиб ёрдамга кела-

<sup>1</sup> Қаранг: Хизриев Х. А. Нашествие... б. 50.

<sup>2</sup> Қаранг: Хизриев Х. А. Нашествие... б. 51.

<sup>3</sup> Қаранг: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... т. II. б. 176; Хизриев Х. А. Нашествие... б. 51.

## Тўхтамиш армиясининг жанговар тартиби



## Темурбек армиясининг асоли

бошлайди. Бироқ, Тўхтамишхон қўшинининг ҳамласи борган сари кучая боради. Қўлдаи кўмакка ташланган Муҳаммад Султон баҳодир мирзо ҳамда Устайбек қўмондонлигидаги кучли қисмларнинг жангга кириши ва айниқса, амир Жаҳоншоҳ ва амир Ҳожи Сайфуддин қўл остидаги аскарларнинг пистирмадан туриб Тўхтамишхон

армиясининг жуванғарига кучли зарба бериши вазиятнинг маълум даражада яхшиланишига сабаб бўлади.<sup>1</sup>

Жангнинг иккинчи кун и яна Тўхтамишхон қўшинининг ҳужуми билан бошланади. Хон Исабий ва Бахши Ҳожи қисмларидан ташкил топган жуванғарини муҳорабага ташлайди. Темурбекнинг ҳиратулини улоқтириб ташлашга муваффақ бўлган бу қўшин қаноғи Соҳибқирон баранғарида жойлашган амир Ҳожи Сайфуддин туманини кўриб олади ва тўзатиб юборади. Бир қанча жайгчиларнинг тарқалиб кетганлигидан саросимага тушмаган амир Ҳожи Сайфуддин туманнинг қолган қисми билан қаршилиқ кўрсатишда давом этади.

Ўз сафдошларининг отлардан сакраб тушиб, тиз чўккан ҳолда ганим устига ўқ ёғдираётганлигини кўрган аскарлар орқага қайтиб, улар сафига қўшилади. Жангнинг кескин пайтида қийин аҳволда қолган бу туманга амир Жаҳоншоҳ баҳодир, Темур Хожа Оқбуға ва Рустам баҳодир мирзолар мадад қўлини чўзади. Кечгача давом этган жанг ҳеч бир томоннинг устунигисиз тўхтади.

Жангнинг сўнгги учинчи кун и яна Олтин Ўрдаликларнинг кучли ҳужуми билан бошланади. Тўхтамишхон отлиқ ва пиёдани сафга тизиб, марказ ва қанотларни қўшимча кучлар билан мустаҳкамлаб, ташаббусни ўз қўлига олиш илмида жасур ва сараланган аскарларни рўпарадан ҳужумга ташлайди.<sup>2</sup> Айни пайтда хоннинг ишончли саркардаларидан бири Яғлибой ҳам жуванғар билан жангга киради. Темурбек бу жуванғарнинг анча заифланиб қолганини сезган ҳолда асосий зарбани унга қаратади. Темурбек жангчиларининг шиддатли ҳужумларига бардош беролмай пароканда бўлган хон аскарлари қочишга тушади.<sup>3</sup> Тўхтамишхоннинг жуванғари Усмон баҳодир бошчилигидаги Темурбек баранғари томонидан яқсон қилиниб, улоқтириб ташланади. Яғлибой Усмон баҳодир билан бўлган яккама-якка олишувда ҳалок бўлади.<sup>4</sup> Жангтоҳнинг бошқа жойларида ҳам Соҳибқирон кучларининг қўли баланд кела бошлайди.

Ниҳоят, Темурбек бутун жанг майдони бўйлаб ҳал қилувчи ҳужумга ўтади. Уч кун давом этган шафқатсиз

<sup>1</sup> Қаранг: *Хизриев Х. А. Нашествие...* б. 51—52.

<sup>2</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* т. II. б. 465, 466; *Хизриев Х. А. Нашествие...* б. 58.

<sup>3</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* т. II. б. 208; *Хизриев Х. А. Нашествие* б. 53.

<sup>4</sup> Қаранг: *Хизриев Х. А. Кўрсатилган асар. 5-ша бет.*



кураш натижасида тинкаси қуриган Олтин Ўрда армияси қаршилиқ кўрсатишга мадори қолмайди ва узил-кесил мағлубиятга учрайди.<sup>1</sup> Тўхтамишхон жанг майдонини хослари паноҳида ташлаб қочишга ултиради.<sup>2</sup> Темурбекнинг ушбу даҳшатли тўқнашув чоғида жуда танг аҳволга тушиб ундан фақат бор истеъдод, ғайрат ҳамда кучинишга солиб шараф билан чиқиб кетиши унинг қудратли ҳарбий кучга эга бўлган, салоҳиятли саркарда билан қадрлама-қарши келганлигидан далолатдир.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Тўхтамишхон армиясининг мағлубиятга учрашига унинг сафидаги баъзи бир лашкарбошилар ўртасидаги ихтилоф ва нифоқ маълум даражада сабабчи бўлади. Жангнинг учинчи куни иккала қўшин бир-бирига юзма-юз келиб, жанг бошланиш олдиди. Дашти Қипчоқ қўшини баранғари қўмондонларидан Оқтау бошқа бир қисм сардорида бор бўлган хуини ташлаб қилиб, хондан ўша нўённи ўлдириш учун ижозат сўрайди. Бироқ, Тўхтамишхондан рад жавоби олиган Оқтау жиззакчилик қилиб, жанггоҳни ўз аскарлари ва қабиладолари билан ташлаб кетади. Бу қабила Рум ерлари томон йўл олади ҳамда Андрнапол атрофидаги музофотларга ўрнашади. Бу хиёнат Олтин Ўрда хонининг кучини заифлаштириб, қолган қисм аскарларини саросима ва ваҳимага солади.<sup>3</sup>

Темурбек хоннинг ўрдугоҳида ташлаб кетилган жуда катта хазина ва бойликка эга бўлади. Соҳибқирон жангда алоҳида ўрнатган кўрсатган саркардалар, баҳодирлар ва жангчиларга ўлжани тақсимлаб, ўзи итининг қуйи томонларига қараб чекинган Тўхтамишхонни қўлга тушириш ҳамда унинг Дон (Тан), Днепр (Ўзи) Қрим ва Марказий Кавказ тоғларидан паноҳ топган қолган-қутган гуруҳларини йўқ қилиш ниятида душманининг кетидан тушади.

Бу гал Темурбек жанг натижаси билан кифояланиб қолмасдан Олтин Ўрда давлатининг асосий ҳудудлари бўйлаб ҳаракат қилишни режалаштиради. Шимолий Кавказдан тезлик билан йўлга чиққан Соҳибқирон Итил ва Дон дарёлари оралиғида юриб, ҳозирги Волгоград

<sup>1</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г.* Сборник материалов... Т. II. 6; 121, 178.

<sup>2</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г.* Сборник материалов... Т. II. 6; 465, Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин ўрда... 312-бет.

<sup>3</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... I китоб. 155-бет.

шаҳри яқинидаги Туратур кечуви орқали Итилдан ўтиб, Олтин Ўрданинг XIII аср ўрталарида қурилган ўшак шаҳри томон юзланади. Шаҳарни эгаллаб, торат қилган Темурбек қўшини хонни Итилнинг юқори оқими бўйлаб таъқиб қилишда давом этади<sup>1</sup>.

Булғория орқали Литва қироли Витовт хузурига кетишга улгирган Тўхтамишхон<sup>2</sup> изини йўқотиб қўйган таъқибчилар Самара кечигидан бошланувчи йўл бўйлаб ғарбга бурилади.

Маълум масофадан сўнг жануби-ғарб тарафга қараб от жоловини бурган Соҳибқирон қўшини Днепрнинг чап соҳилида жойлашган шаҳарлардан ўтиб, Қрим яриморли сарҳадларида пайдо бўлади<sup>3</sup>.

Шундан сўнг Темурбек Рус ерларига қадам қўяди. Йўл-йўлакай Олтин Ўрда зодагонларидан бирининг ҳарбий кучларини қуршовга олиб, тор-мор этган қўшин Дон дарёсининг юқори оқимида жойлашган Елец шаҳрини эгаллайди<sup>4</sup>. Доннинг сўл қирғоғига кечиб ўтган Темурбек сафар давомида улкан ўлжаларни қўлга киритиб, қўйи Повольже бўйидаги Балжаман шаҳрига, у ердан Дон ёқалаб Азов (Азақ)га келади. Қўшин юришда давом этиб, Азовдан Кубан чўлларига қараб жўнайди.

Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича, Темурбекнинг елдай учиб келишидан таҳликага тушган черкаслар Азов билан Кубан ўртасидаги яйловга ўт қўйиб юборади. Бир неча кун давомида мовароуннаҳрликларнинг ем-хашак йўқлигидан қаттиқ азият чеккан от-уловлари ҳолсизланади, юриш сурати сусаяди. Бундан дарғазаб бўлган Соҳибқирон черкасларнинг адабини бериб қўйиш мақсадида уларнинг юртларини хонавайрон қилади.<sup>5</sup>

Манбаларнинг хабар беришича, Олтин Ўрда шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб Темурбек қўмондонлигидаги бош кучлар билан бир қаторда бошқа нисбатан кичик ҳарбий қисмлар ҳам ҳаракат қилган<sup>6</sup>.

1395 йилнинг қаҳрамон қишида Соҳибқирон армияси Олтин Ўрданинг йирик шаҳарлари Хожитархон ҳамда

<sup>1</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 313-бет; Хизриев Х. А. Нашествие... 6. 54.

<sup>2</sup> Қаранг: Хизриев Х. А. Нашествие... 6. 53.

<sup>3</sup> Қаранг: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... Т. II. 6. 185.

<sup>4</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 315-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов... Т. II. 6. 180.

<sup>6</sup> Қаранг: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда... 316-бет.

Сарой ал-жадид тарафига қараб сафарга отланади. Иккала шаҳар ҳам айтарли қаршиликсиз таслим бўлишга қарамай батамом таланади ва ёқиб юборилади.<sup>1</sup>

1396 йилнинг баҳорида Темурбекнинг голиб армияси Дарбанддан ўтиб Озарбайжонга қараб юзланади.

Шундай қилиб, бир йил, яъни 1395 йилнинг кўкларидан 1396 йилнинг баҳоригача ўтган вақт ичида Соҳибқирон томонидан «Олтин Ўрданинг қудратини ва унинг улуг давлатчилиқ сиёсатини қайта тиклаш»<sup>2</sup> мақсадида сиёсий майдонга чиққан Тўхтамишхоннинг мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий имкониятлари барбод этилди. Темурбек берган бу кучли зарбадан сўнг Олтин Ўрданинг аввалги қудрати ва шухратини қайта тиклашга қурби етмади.

## ҲИНДИСТОН ФАТҲИ

Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома», Ғиёсуддин Алининг Темурбекнинг Ҳиндистонга юришига бағишланган тарихий асарида битилишича, 1395 йили Тўхтамишхонни мағлуб этган Темурбек Самарқандга қайтади ва қиш фаслини Оҳангаронда ўтказди. Шаҳзода Пир Муҳаммадни Мўғилистонга ҳоким этиб тайинлаб, чегараолди ҳудудларни мустаҳкамлашни, Хитой ва Хўтанга қилинажак юриш учун озниқ-овқат ва ем-хашак жамғаришни буюради. Шу орада унга Ҳиндистонда исломнинг мавжудлиги, бироқ у ердаги аҳолининг асосий қисмини мажусийлар ташкил қилиши, мусулмон ҳокимлар буддист оммадан фақат ўлпон йиғиш билан кифояланаётгани ҳақида бирич-кетин хабарлар кела бошлайди. Мажусий қароқчиларнинг ёвуз ниятларига чек қўйиш, мўминларни улар ўтказайтган зулмдан озод қилиш, савдогар ва сайёҳларнинг хавф-хатарсиз келиб-кетишини таъминлаш каби мақсадларда Темурбек Хитой ва Хўтанга қилиниши лозим бўлган юриш ўрнига Ҳиндистон томон қўшин тортади.

1398 йилнинг 15 августида Темурбек қўшини билан

<sup>1</sup> Қаранг: *Тизенгаузен В. Г. Сборник материалов...* Т. II. 6. 184—185; *Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда...* 317-бет; *Егоров В. Л. Историческая география...* 6. 119. *Ртвеладзе Э. В. О походе Тимура на Северный Кавказ. Археолого-этнографический сборник.* т. VI. Грозный, 1976, 6. 103—128.

<sup>2</sup> *Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Олтин Ўрда...* 288-бет.

Қобул бўсагасида тўхтайди. Сафарда Соҳибқиронга Сарой Мулк хоним, Улугбек мирзо ва бошқа шахзодалар ҳамроҳлик қилади, йўл машаққатининг оғирлиги, айниқса Ҳиндистоннинг жазирама иссиқ ва гармселнинг аёллар ҳамда ёш болалар соғлиғига ёмон таъсир қилишидан хавотирга тушган Темурбек Маҳди улё Сарой Мулк хоним ва Улугбекни доруссалтана Самарқандга қайтаришга қарор қилади. Шу кунлари Чигатой улусининг хони Маҳмудхон ибн Суюргатмишхон Султон Ҳусайн баҳодир, Рустам баҳодир, Жаҳоншоҳ баҳодир, Ғиёсуддин тархон, Хамза Тоғайбўга барлос, амир Шайх Арслон, амир Суюнжак баҳодирлар ҳамкорлигида Темурбек қароргоҳига келади ва Ҳиндистон сафарида иштирак этишга жазм қилганлигини билдиради.

1398 йилнинг 23 августида Темурбек қароргоҳига Темур Қутлуг, Идику ҳамда Хнэр Хожаларнинг элчилари ташриф буюради. Элчилар ҳурмат-эҳтиром билан қарши олинади. Элчиларга зарбоф тўнлар кийдирилиб, уларнинг шарафига базм берилади. Уша куни Темурбекнинг эътиборли амирларидан Сариқбўғанинг ўғли, фаросатли, мардлиги ва садоқати туфайли Форс вилоятининг доруғаси лавозимига тайинланган Шайх Нуруддин Муҳаммад ўрдугоҳга келади. Соҳибқирон лашкари тушган юртга тортиқ сифатида олиб келинган ов қушлари, олтиё билан безатилган эгар-жабдуқлар, ажойиб қурол-яроғлар, кийим-кечаклар, қимматбаҳо тошлар, тилла ҳамда кумуш буюмлар йиғилганларни лол қолдиради. *Девон мунишийлари — дафтардорлар* уч кун давомида келтирилган тўхфаларни рўйхатга олиб дафтарга битадилар. Шайх Нуруддин Темурбекнинг олқишига сазовор бўлиб, шоҳона совғалар билан сарафроз этилади.

Афгонлар томонидан вайрон этилган Эрёб қалъасини ўн тўрт кун ичида қайта тиклашга улгирган Темурбек у ердаги жомеъ масжидни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини ниҳоясига етказиш вазифасини амир Шоҳмалик зиммасига юклаб, юришни давом эттиради.

20 сентябр куни Темурбекнинг қўшини Синд дарёси қирғоғига етиб келади. Дарёга мўғулча кўприк солиш ҳақида олий фармон берилади ва кўприк зудликда битирилади. Шу куни қўшни ва йироқ давлатлардан келган элчилар, жумладан Макка ҳамда Мадинадан ташриф буюрган элчи Муҳаммад Маданийга ўз ватанларига қайтишга ижозат берилади. 24 сентябрда музаффар қўшини Сипддан кечиб ўтади ва Чўли Хусрав мавзеида тўхтайди.

Қисқа муддатли дамдан сўнг йўлга чиққан қўшин 6 октябрда жуда кенг ва чуқур Чинора дарёси ёқасига тушади.

Уч кун мобайнида қайиқлар ёрдамида боғланган қўшиқ орқали қўшин қарши қирғоққа ўтади. Октябрнинг 13 кунин Талмин шаҳри атрофлари Темурбек қўшинининг ранг-баранг байроқ ва яловлари билан безалади. Омонлик тилаган шаҳар халқига икки юз минг бош қорамол ҳисобида солиқ солинади. Итоатдан бўйин товлаган баъзи талминлик фуқароларни қаттиқ жазолаган Темурбек 19 октябр кунин Баёқ дарёси қирғоғида жойлашган Жолмавзеида қўнади. Ушбу манзилда Темурбекка томирийлик Нусрат исмли шахс бир неча минглик аскарлари билан истеҳкомда турганлиги тўғрисида маълумот келади. Соҳибқирон шу ондаёқ қўшинни сафга тизади ва ғанимга қарши юради. Барангарда амир Шайх Нуруддин ва амир Аллоҳдод, жувангарда амир Шоҳмалик ва амир Шайх Муҳаммад Ику Темур, қўлда Султон Али тавачи хуросонлик пиёдалар билан ҳаракат қилади. Иккала қўшин орасида даҳшатли жанг содир бўлади. Нусрат қисмлари айниқса, қўлга кучли зарба беради. Қўлнинг қўмондони Султон Али ва қатор амирлар яраланади. Жанг Шайх Нуруддин ва Аллоҳдод бошчилигидаги ўнг қанот аскарларининг душманин ён томондан айланиб ўтиб, қуршовга олгунига қадар давом этади.

Қайсар ёвни мағлуб этган Темурбек аскарлари 21 октябрда Жол кўлидан кўп машаққат ва қийинчиликлар билан ўтиб, Шоҳнавоз номли манзилда тўхтади. Бир неча беклар раҳбарлигидаги қувгунчи гуруҳлар жангдан қочган Нусрат тарафдорларини таъқиб этиш учун жўнатилади. 1398 йилнинг 24 октябрида Шоҳнавоздан кўчилиб, Жанжон қишлоғи қаршисида оқувчи Баёқ дарёси қирғоғида тушилади. Қўшин икки кун давомида бу дарёдан кемада ўтади. Баъзи бир шижоатли аскарлар тўлқинлари жўш уриб турган Баёқдан эсон-омон сузиб ўтишга муваффақ бўлади. 25 октябр кунин Мултондан, Пир Муҳаммад баҳодир мирзо Жанжондаги Темурбек лашкаргоҳига ташриф буюради. Орадан тўрт кун ўтгач, амирзода катта зиёфат беради ва бобоси Темурбекка арабий арғумоқ отлар, тилла камарлар, ндиш-товоқлар, эгар-жабдуқлар, аёқлар, кийим-кечаклардан анъанага кўра тўққиз-тўққиз тарзда *пешкашлар* қилади. Пешкашларнинг сони икки кун давомида муншійлар ва дафтардорлар томонидан ҳисобга олиниб, рўйхатга битилади.

Соҳибқирон набираси келтирган тортиқларнинг барчасини амирларга, вазирларга, хосларга унвонига ва тутган мавқеига қараб бўлиб беришни буюради.

Мултон қалъаси ва унинг атрофидаги мавзеларни забт этиш чоғида Пир Муҳаммад баҳодир мирзо бошчилигидаги лашкар оғир қийинчиликларга дуч келади. Сурункали давом этувчи ёмғир мавсуми натижасида юзага келган лойгарчилик кўпгина от-уловларни ишдан чиқаради. Қўшиннинг ҳаракати чекланиб қолади. Вазиятдан фойдаланган ёғи ҳам тез-тез ҳамла қила бошлайди. Бироқ, Соҳибқирон сардорлигидаги улкан қўшиннинг ўз вақтида етиб келиши мирзо Пир Муҳаммад баҳодирнинг мушкилини осонлаштиради. Темурбекнинг фармониغا кўра Пир Муҳаммадга ўттиз минг от берилади. Натижада уловсиз қолган суворийлар қайтадан отга эга бўлади.

Ноябр ойининг иккинчи куни Темурбек қўшини Ҳимивол мавзеида қўнади ва бу ердан Темурбек бир туман отлиқ аскарлари билан Ажудан шаҳри томон илғаб юради. Амир Шоҳмалик ва Давлат Темур тавачи Диболбурга йўналиш учун лашкаргоҳда қолдирилади. 4 ноябрда Ажудан шаҳри жангсиз қўлга киритилади. Шарият пешволаридан мавлоно Носируддин Умар шаҳарга доғруға етиб тайинланади. Шу куни Темурбек Ҳиндистоннинг йирик дарёларидан ҳисобланмиш Ажудандан ўтиб, Холисгири қалъасига етиб келади. Пешин намозини адо этган Соҳибқирон 100 км. узоқликда жойлашган Битнир қалъаси сари равона бўлади. Режалаштирилган мақсадга иложи борича тезлик билан эришиб йўлида Темурбек бир дақиқа бўлса ҳам ором билмайди. Кунни тунга улаган Соҳибқирон қайд этилган масофани тўхтамасдан босиб ўтади ва мўлжалдаги жой, яъни Битнирга 6 ноябр куни икки минг суворийдан иборат қисм билан етиб келади.

Битнир қалъаси Ҳиндистоннинг энг мустаҳкам қўрғонларидан бири бўлиб, унга рожа Дулжин ҳокимлик ва қўмондонлик қилар эди. Рожанинг қўл остида катта миқдордаги лашкар жам бўлиб, ҳар қандай ташиқ ҳужумни бартараф этишга шай турар эди. Қалъанинг мустаҳкамлигидан, қўшиннинг кўп сонлилигидан бамайилхотир бўлган рожа Темурбекка қарши жанг қилишга қарор беради. Соҳибқирон қўшини ҳам саф тортиб, жанггоҳга қараб йўл олади. Барангарга Сулаймоншоҳ, Шайх Нуриддин ва Аллоҳдод, жувангарга Ҳалил Султон мир-

зо, Шайх Муҳаммад Ику Темур ва ўзга амирлар раҳбарлик қилади. Дастлабки ҳамладаёқ қалъа остонасидаги истеҳкомлар қўлга олинади. Аммо, биринчи кун ҳиндуларнинг жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатуви сабабли қалъани забт этишга муюссар бўлинмайди.

Қамалдагиларни осонгина бўйсундириб бўлмаслигини фаҳмлаган Темурбек, қалъани қамал қилишни, ҳар амир ўз қисми жойлашган позиция — *бўлжардан* истеҳком сари ер ости йўли — *нақб* қазилгани амр қилади. Темурбек аскарлари амалга ошираётган ишни қалъа деворлари устидан ва буржу боруларидан кузатиб турган ҳиндулар қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини тушуниб етадилар, уларнинг улуглари Соҳибқирон қошига бўйин эгиб келиб, омонлик беришни илтимос қиладилар. Темурбек уларнинг илтимосини қондиради. Рожа Дулжин қалъадан ўз муовини ва ўғлини турли-туман тўхфалар — лочинлар, арабий арғумоқлар, зебу зийнатлар билан Темурбек қароргоҳига жўнатади. Соҳибқирон уларнинг иккаласига зарбоф тўнлар, олтин билан безатилган шамширлар ҳадя этади ва қалъага қайтиб кетишга ижозат беради.

8 ноябр кун қалъадан Шайх Саъдуддин Ажудоний ҳамроҳлигида чиққан рожа Дулжин Темурбек қароргоҳига келади. Соҳибқиронга ов қўшлари, олтин билан безатилган эгар-жабдуқлар, тубучоқлар пешкаш қилинади. Барча беклар, амирлар ва амирзодаларга саман отлар ҳадя этилади. Ўз навбатида рожа ҳам зарбоф тўн, мурассаъ камар ва тоғ билан тақдирланади. Битнир қалъасидан 13 ноябрда йўлга чиққан Темурбек қўшини бир қанча манзилларни босиб ўтиб, аҳолиси тум-тарақай қочиб кетган Фатҳобод қўрғонини атрофида тўхтайдди. Қочоқлар ортидан қувғинчилар тайин қилинганч, 17 ноябрда бу ердан отларга миниб, Рахтнур истеҳкомидан ўтилиб, Аҳруний қалъасига етилади ва шу манзилда қўшин бўлжари белгиланади. Эртасига сафар ҳаракатлари давом эттирилади. Тухна мавзеи зафарли қўшин туғлари билан безалади. Бу ернинг аҳолиси ҳам Темурбекнинг келаётганлигидан хабар топиб яшаш жойларини тарк этган, атрофдаги дашт, ўрмон, ва тоғу тошлардан паноҳ топган эди. Маялоно Носируддин Умар ва Таваккал Қарқара қўмондонлигидаги таъқиб учун жўнатилган отлик гуруҳ қочоқларнинг бир қисминини қиличдан ўтказиб, бир қисминини асир олиб, анчагина қорамолни ўлка қилиб келади. Орадан икки кун ўтгандан сўнг Соҳибқирон Тух-

вани тарк этди. Сулаймоншоҳ баҳодир бошчилигидаги ўғруқни Сомона шаҳри томон жўнатган Темурбек яширинишга улғирган життоиларни жазосини бериш мақсадида от суради.

21 ноябрь куни Темурбек қўшини Сомона шаҳри яқинидан оқувчи Кўдғар дарёси бўйида ўғруқ билан қўшилади ва тўрт кун давомида шу ерда муқим туради. 25 ноябрда Темурбек отланиб Пули Кўйлага етиб келади ва илғор учун тўрт томонга юриш қилган Султон Маҳмудхон, Султон Хусайн баҳодир мирзо, Рустам баҳодир, Ғиёсуддин тархон, Жаҳоншоҳ мирзо, Шайх Арслон, Ҳамза Тоғайбўға, амир Мубашир Сунжиқ баҳодир раҳбарлигидаги қўшин билан қўшилади. Тонгласи Пули Кўйладан эсон-омон ўтилиб, Шоҳмалик раҳбарлигида етиб келган ўғруқ билан дийдор кўришилади. Шундан сўнг Соҳибқирон қўшинини жанговар тартибга тизиб, Деҳли шаҳри сари равона бўлади. Баранғарда Пир Муҳаммад баҳодир мирзо, Рустам баҳодир мирзо, Ҳалил Султон мирзо, Сулаймоншоҳ баҳодир мирзо, амир Шайх Нуруддин баҳодир, Мизроб мирзо, Ёдгор барлос ва ҳоказо амирлар, жуванғарда Султон Маҳмудхон, Султон Хусайн баҳодир, Жаҳоншоҳ баҳодир мирзо, амир Шоҳмалик, Шайх Арслон, Шайх Муҳаммад Ику Темур, Суюнжак баҳодир, қўлда ўнг минг аскардан иборат гвардия — *сонсиз*, Аллоҳдод, Али Султон тавачи ва бошқа туманларнинг саркардалари йиғирма қуруқ (40 км) масофада ҳаракат қилиб боради.

Қалъаи Асинди ва Туғлуқпур ҳисорини йўл-йўлаккай забт этган улкан қўшин 2 декабр куни кимсасиз қолган Панипатга етиб келади. Шаҳар омборларида сақланаётган катта миқдордаги ғалла сипоҳга ва мулозимларга олий фармонга биноан тақсим қилинади. Орадан икки кун ўтгач, баранғар ва жуванғар қўмондонлари биргаликда қисмларнинг қурол-яроғларини, кийим-кечакларини назардан ўтказадилар. 6 декабр куни баранғар беклари Деҳли шаҳридан 2 фарсанг масофадаги Жаҳоннумой мавзенигача бўлган жойларга ҳужум қилиш ҳақида Темурбек буйруғини бажаришга киришади. Ҳужум чоғида кўплаб мажусийлар талон-тарож қилинади, асир олинади. Улкан ғаниматни қўлга киритган аскарлар ғолибона ва шодиёна аскаргоҳга қайтиб келади.

9 декабрда Соҳибқирон Жаун дарёсидан кечиб ўтиб, теварак-атрофи ям-яшил ўтлоқ билан қопланган



Луни қалъаси яқинида тушади. Аввалроқ қалъага жангу жадалсиз таслим бўлишни таклиф этиш мақсадида Жаҳоншоҳ, Шоҳмалик ва Аллоҳдод юборилган эди. Лекин, бу ердаги Маллуҳоннинг тарафдорлари таклифни қабул қилмай қаршилик кўрсатишни маъқул кўради. Қалъа аҳлининг бундай қароридан бохабар бўлган Темурбек зудлик билан қалъагирлик асбобларини шайлашни, тўш-тўшдан нақблар қазишни амр қилади. Хуфтон намози вақтида қалъа таслим бўлади. Ичкаридаги мажусийларнинг аксарияти ўз хотин-халажи, бола-чақаси ва уй-жойини ёқиб юборади. Темурбек қўшини тунни қалъа ташқарисида ўтказди. Эртасига кўрғонда уруш ҳаракатларини давом эттираётган Маллуҳоннинг содиқ навкарлари Соҳибқирон аскарларининг шиддатли ҳамласига бардош беролмай яксон бўлади. Қалъа горат қилинади.

Декабрнинг 11 куни Темурбек Луни қалъасини тарк этиб, Жаҳоннумой яқинидаги Жаун дарёси қирғоғи бўйлаб юришни давом эттиради. Дарёдан гузар топилгач, орқага қайтишга ва ўрдугоҳга тушишга буйруқ берилади. Бу ерда қўшин икки кун ором олади.

Рабиул — охир ойининг биринчи куни, яъни 11 декабрда Соҳибқирон амир Сулаймоншоҳ баҳодир ва амир Жаҳоншоҳ баҳодирларни Деҳли шаҳрининг жанубида жойлашган юртларни горат қилиш учун жўнатади. Ўзи эса етти юзгача зирихпўшлар ҳамроҳлигида Жаҳоннумой атрофларини синчиклаб кўздан кечириди, жойининг тузилишига, у ердаги объектларнинг мавжудлигига диққат-эътиборни қаратади. Кузатув ниҳоясига етгач, Темурбек бўлажак жанг майдонининг ўрнини белгилайди. Шу орада Маллуҳон тахминан тўрт минг отлиқ ва беш минг пиеда аскарлар ҳамда йнгирмата фил билан қалъадан ташқари чиқиб, Темурбек қўшинига қарши кела бошлайди. Жаун дарёси ёқасида турган Суюнжак баҳодир ва Саййид Хожа мубашшир бошчилигидаги уч юз кишидан иборат гуруҳни ҳиндлар ўққа тутди. Кўмак учун етиб келган икки катта мададкор қисм Маллуҳон лашкарига селдай ёпирилиб, дастлабки ҳужумдаёқ ғанимини Деҳли томон юз ўтиришга мажбур этади. Тартибсиз чекинаётган рақибини тезкорлик билан таъқиб этган Соҳибқирон ўзининг осмонўпар саропардасини 1398 йилнинг 11 декабрида Деҳли шаҳри бўсағасидаги мавзеда тикади.

13 декабр куни Темурбек Луни қалъасининг шарқро-

ғида лашкаргоҳ қуришни ҳукм қилади. Соҳибқироннинг баргоҳида машварат бўлиб ўтади.

Ҳарбий кенгашида юришда иштирок этаётган амирзодалар, улуг амирлар, қўшун, туман сардорлари, аркони давлат ҳамда ғуломлардан ташкил қилинган, ўн минг кишидан иборат олий бош кўмондоннинг шахсий гвардияси ҳисобланмиш *сонсиз* иштирок этиш шарафига мурасар бўлади. Темурбек машваратда кутилаётган даҳшатли жангни олиб бориш, ғаним билан жангга кириш, унинг сарфларини орқа томондан айланиб ўтиб бузиш, саваш гирдобидан қандай чиқиш тартиб ва қоидаларини бамайлихотир аниқ ва равшан ҳамда тушунарли ифода этади. Ҳарбий ҳаракатларнинг муқаддимаси ва якунининг қай маромда бориши ишонч билан таърифланади. Ҳиравул, барангар, жувангар қўл, чағдавулнинг ва сонсизнинг жанггоҳдаги ўрни аниқ кўрсатилади. Бу қисмларнинг жанг чоғида амалга оширадиган вазифалари, душман ҳамласини қайтариш ва қайта ҳужумга ўтиш усуллари белгиланади. Соҳибқирон баён этаётган фикр — мулоҳазалардан унинг бўлажак жангга ғалаба қозонишига имони қомиллигини сезиб турган машварат аҳли ҳарб ишидаги бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, зафар байроғининг янада маҳобатлироқ ҳилпирашига ўз ҳиссаларини қўшишга якжиҳатлик билан аҳд қиладилар.

Ушбу кун тарих машъум бир воқеанинг шоҳиди бўлади. Йирик лашкарбошилар ва мирзоларнинг Синд дарёси қирғоқларидан Деҳли остонасигача бўлган сафар пайтида асир қилинган юз мингдан ортиқ мажусий ҳиндуларнинг Султон Маҳмудхон билан кутилаётган жангга ўз юртдошлари томон оғиб, Соҳибқирон сипоҳига ордан хавф солиши аҳтимолдан ҳоли эмаслиги, шу сабабли уларнинг бағридан ўтиш мақсадга мувофиқ, деган фикрлари Темурбек томонидан инобатга олинади.

Натижада ўрдугоҳга жам бўлган тутқунлар ёшасига қиличдан ўтказилади<sup>1</sup>.

15 декабрда Темурбек бошчилигидаги Мовароуннаҳр қўшини Жаун дарёси ёқалаб ҳаракатни бошлайди. Дарёни кечиб ўтиб қарши қирғоқдаги Пуштаи Баҳоли тепалигига туташган жарлик ичига хавф-хатардан ҳоли бўлиш мақсадида жойлашади. Икки кун дам олган қўшинининг илғор, ўнг қанот, сўл қанот, марказини жанго-

<sup>1</sup> Қаранг. *Гийасаддин Али... Дневник...* б. 111.

вар тартибга тизган Соҳибқирон 17 декабр куни маърака майдонига қараб юради.

Барангардан Пир Муҳаммад баҳодир мирзо, Сулаймоншоҳ баҳодир ва ўзга амирлар, жувангардан Султон Ҳусайн баҳодир мирзо, Ҳалил Султон баҳодир Мирзо, Жаҳоншоҳ баҳодир ва бошқа саркардалар, ҳиравулдан Рустам баҳодир мирзо, Шайх Нуруддин, Шоҳ-Малик, Аллоҳдод сингари амир ва беклар ўрин олган эди. Соҳибқирон ўз шахсий гвардияси — *сонсиэ*, кўмак учун мўлжалланган қисмлар билан кўлда жойлашади.

Рўпарада шахзода Султон Маҳмуд, Маллухон ва бошқа бир қанча ҳинду саркардалари раҳнамолигидаги ўн минг кишилиқ суворийлар, йигирма минг сара пиёдалар ва бир юз йигирма жанговар филлардан таркиб топган қўшин ҳам сафга тизилиб, осмоний кўмак ва раббоний мададга суянган ҳолда лашкар тортиш қондаси ва қўшин безатиш услубига биноан асбоб — аслаҳаларини тартибга солиб уруш тўқушта шайланади. Қўшин сафи олдида ҳаракат қилувчи тоғмонанд ҳайбатли филларнинг хартумлари бир-бирига боғланган, филлар устига думалоқ кайкавалар ўрнатилган, уларда бир неча тирандозлар жойлаштирилган эди. Филлар қатори ёнидан тўп отувчилар, яъни раъдандозлар ўрин олади.

Темурбекнинг *ҳумоюн* қўшини кўпдан-кўп жангу — жадалларда иштирок этган, ман-ман деган рақиб лашкарларини синдирган, унга ўша даврдаги ҳарбий санъатнинг барча сир-асрорлари, қонун-қоидалари маълум ва ойдин эди. Бироқ, музаффар мавкиб мана шу кунга қадар девларни ҳам қочишга ундайдиган, қўнғироқ ва занглар тақилган даҳшатли филлар ёрдамида жангга отланган душман билан юзма-юз келмаган эди. Айниқса, илгари филларни кўрмаган отларнинг ҳуркиб қочиши темурийларни анча қийин аҳволга солиб қўяди. Баъзи жангчилар гулгулага тушади, уларни ваҳима босади. Иккала қўшин бир-бирига жуда яқин масофага келган чоғда Темурбек ўз қароргоҳи ўрнатилган Баҳоли дўнглигидан атрофни қузата бошлайди. Дўмбира овози, ноғора наъраси, карнай-сурнай садоси остида қаравул ҳамда илғор қисмларнинг тўқнаш келиши жанг бошланганлигидан далолат беради. Ушбу лаҳзада Соҳибқирон сароймулозимларидан мавлоно Носируддин Умарга тош устига жойнамоз тўшашни буюради. Темурбек Яратганга ҳамду санолар айтиб, ундан кўмак ва шафоат тилаб, икки қатла саждага боради. Бу пайтда Шайх Нуруддин,

Шоҳмалик, Аллоҳдод ва бошқа номдор амирлар қўмондонлигидаги ҳиравул қисмларнинг аҳволи оғирлашиб қолган, душман кучларининг асосий зарбасини қайтариш уларнинг зиммасига тушган эди. Анчагина талофат кўрган илғорга ўз вақтида берилган кўмак унга ўзини ўнглаб олиш имкониятини яратар, ғаним эса марказ қўлга суқилиб кириш имкониятидан маҳрум бўлар эди.

Вазиятнинг ўта хавфлилигини сезиб турган Темурбек қўлдан нафақат ҳиравулга, балки душманнынг шиддатли ҳужумларини дафъ этиш билан банд бўлган барангарга ҳам Али Султон тавачи қўмондонлигидаги отлиқ қисмини зудлик билан мадад сифатида ажратади. Ўз вақтида берилган ёрдамдан баҳраманд бўлган, жанговар руҳи кўтарилган ҳиравул ва барангар аҳли янги куч-ғайрат билан ёвга ташланади ва ташаббусни ўз қўлига олишга муяссар бўлади. Илғор қисм ва ўнг қанот аскарларининг жанг чоғидаги жасорати ва матонати бошқа қўшин қисмлари жангчилари кучига-куч, қувватига-қувват қўшади. Қуролдон дўстларининг мардлик ва қаҳрамонлиги уларни жасоратга ундайди, талабага илҳомлантиради. Бу қисмлар баъзи бир аскарларни саросимага туширган баҳайбат филларни писанд қилмай, уларга найза санчар, олов ва тутун, ҳаммаёқни тутувчи гумбир-гумбири жанггоҳни ларзага келтирувчи тўп-раъдларни кўзга илмай, душман кишиларини қиличдан ўтказар эди. Филлар устидаги кажавадан ўрин олган ғаним ўқчилари туркий мерганлар отган ўқлардан тутдай тўкилар, от ва фил оёқлари остида қолиб ҳалок бўлар эди. Айниқса, ярадор филларнинг филбонларни улоқтириб орқага қарамай қочини ҳинд аскарларига катта қирон келтиради. Ўқ ва найза санчилишидан захм еган бу ҳайвонлар ҳинд суворий ва пиёдаларини поймол қилади, қаторларни янчиб ўтади ва тўзитиб юборади. Ёв сафларида парокандалик ва бошбошдоқлик аломатлари сезила бошлайди. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига Пир Муҳаммад баҳодир ва Сулаймоншоҳ баҳодир қўмондонлигидаги барангар, Султон Ҳусайн баҳодир, Ҳалил Султон баҳодир, Жаҳоншоҳ баҳодир, Ғиёсуддин тархон саркардалагидаги жувангар, Рустам баҳодир, амирлар Шайх Нуруддин, Шоҳмалик, Аллоҳдод раҳбарлигидаги ҳиравул ва ниҳоят, Соҳибқирон бошчилигидаги қўл жангчилари ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшади. Душман қўшини кўп қурбон кўришига қарамай, сабот ва матонат билан қаршилик кўрсатар, мардлик ва жасурлик намуналарини

намойиш этар эди. Бироқ, борган сари уларнинг сафлари сийраклашиб, қаршилик кўрсатиш имкониятлари чеклана боради. Ниҳоят, Темурбекнинг ҳиравул, қунбул ва қўл қисмлари рақиб қўшинини қуршовга олишга муваффақ бўлади.

Филлар қўлга киритилади. Жанггоҳ минглаб ғаним аскарларининг мурдалари билан тўлиб кетади. Кичик отлиқ гуруҳ ҳимоясида жанг майдонини ташлаб қочган Султон Маҳмуд ва Маллухон Деҳли шахрига нажот топиш мақсадида беркинади. Жанг ниҳоясига етгач соҳибқирон барча мирзодалар, лашкарбошилар, бек ва амирларни ўз қароргоҳига муҳорабанинг қай йўсида борганлиги, барангар, жувангар, қўл, ҳиравул, қунбул, сонсиз ва бошқа қисмларини жанг майдонида қандай ҳаракат қилганлиги, ғаним билан бўлган аёвсиз курашда алоҳида жасорат, матонат ва қаҳрамонлик намуналари кўрсатган аскарлар, қўмондонлар, ҳарбий бўлинмалар, қисмлар ҳақида ҳисобот беришга тўплайди.

Ўнг қўл, сўл қўл, марказ, илғор ва бошқа қисм саркардалари, амирзодалар, номдор беклар ҳамда амирлар ўзлари бошқарган қисм ва бўлинмаларнинг, қолаберса, ҳар бир жангчининг кучли душман билан бўлган тўқнашувда Соҳибқирон белгиллаган режа бўйича ҳаракат қилганлиги, ёвнинг кучли ҳужумлари мардонавор қайтарилгач, унга қақшатқич зарба берилганлиги, ғалабани қўлга киритишда марказ — қўлдан ўзга қисмларга ўз вақтида бериб турилган мададнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этганлиги, ғалаба ёр қўшинининг ҳар бир аъзоси — жанг сафининг диловарлари, диловарлик маъракасининг лаҳлавонлари, қаҳрамонлик жанггоҳининг баҳодирлари бўлмиш марду майдон кишилар душман қанчалик қасд қилмасин, ҳаммасини орқага қайтарганлиги, иш ўқу ёй отишдан тигу найза санчиш ва яккама-якка олишини етганлиги, ботирларнинг «ур, ҳа ур», ҳаё-ҳай», — ҳайқирӣқ ва наъраларидан маъракагоҳ ларзага келганлиги, дўмбира, ногора, карнай, сурнайлар овозидан гардун қўлоғи кар бўлганлиги ҳақида тўлқинланиб ва жўшиб ҳикоя қиладилар. Айниқса, мирзода Халил Султон баҳодирнинг маъракада кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасорати ҳаммани қойил қолдиради. Эндигина ўн беш ёшга қадам қўйган мирзода жанг алаңгаси айни авжга чиққан, икки муҳолиф ҳудди довул натижасида жунбушга келган икки денгиз тўлқинларидек бир-бирига туташган маҳалда қаҳр-газаб шамширини баланд кўта-

риб ғаним аскарларига ўз ўлжасига чапдастлик билан ташланган арслон мисол ҳамла қилади. Темурий жангчиларга хавф солаётган тоғсифат филларга қарши далил ҳаракат қилиб, улардан бирини ўлжа олади ва бобоси Темурбек ҳузурига олиб келади. Тўла эъзозу икромлар билан Халил Султонни бағрига босган Темурбек навқирон мирзо кўрсатган шижоат, мардлик ва садоқат ҳар қандай тақсинга лойиқлигини аҳли лашкарга маълум қилади ҳамда ушбу қаҳрамонлик лавҳаларини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйишга ижозат беради. Сўнг шикаст топган душманини таъқиб қилиб борган Темурбек қўшини пешин намози вақтида Деҳли дарвозалари ёнида пайдо бўлади. Шаҳар халқига ҳеч қандай озор етказилмай Соҳибқирон от жиловларини орқага буришга ва Лаби ҳовузи хос номли жойда кун ботгунча тўхташга ҳукм қилади.

Чоршанба кўнига ўтар кечаси Султон Маҳмуд, Маллухон ва бошқа бир қатор ҳиндистонлик сардорлар Деҳлининг жанубий дарвозалари орқали қочишга юз тутганлиги ҳақида маълумот олинади. Темурбек ўша заҳотиёқ амирлар билан маслаҳатлашиб, қочоқларни таъқиб қилиш учун қувғунчи гуруҳ жўнатади.

Эртаси, яъни 18 декабр кун Соҳибқироннинг зафар белгилари битилган байроқлар билан сарбасар бўлган осмонўпар саронардаси қабул учун майдон дарвозаси рўшарасидаги ийдгоҳга тикилади. Деҳли шаҳрининг бузурглари, саййиндлари, қозилари, аъёнлари тўпланишиб, ташқари чиқади. Маллухоннинг собиқ ноибларидан Фазлуллоҳ Балхий каби уламолар, девонхона хизматчилари, шайхлар ҳам булар билан биргаликда келиб Темурбек гиламини ўпиш шарафига муяссар бўладилар. Келганлар Соҳибқирондан деҳлиликларнинг гуноҳидан ўтиб уларга омонлик беришни илтимос қилади. Пир Муҳаммад баҳодир мирзо, Сулаймоншоҳ баҳодир ва бошқа амиру беглар шу илтимосни қондириш маъқул деган фикрни билдирадилар.

Жума кун Мавлоно Носуруддин Умарга фозилу чузало, олиму уламо, шайху машойих, садру судур ва бошқа аркони давлат ҳамроҳлигида шаҳарга кириб, Темурбек кўрагон номига хутба ўқишга амр қилинади.

Темурбек эришилган зафарларининг безаги бўла олувчи бу тарихий ғалабани осон қўлга киритишда мададкор бўлган Тангрига шукроналар айтиш ва миннатдорлик туйғуларини адо этишга киришади. Ҳумоюн қўшинининг

фатҳи хабаридан иборат фатҳномалар рубъи маскуннинг атроф — жавониб ерларига шамолдек тез учувчи чопарлар орқали юборилади.

1399 йилнинг биринчи январида Соҳибқирон музаффар қўшинга Ҳиндистон юруши ниҳоясига етганлиги, йирик жангларда улкан ғалабалар қўлга киритилганлиги, кўпдан-кўп қалъа, ҳисор, шаҳар, вилоят ва юртлар забт этилганлиги, беҳисоб молу дунё, зебу зийнат, асиру тутқунлар ўлжа қилинганлиги, энди Ватанга, дорус — салтана Самарқандга қайтиш вақти келганлиги тўғрисида фармони олийни эълон қилади.

## ЯШИННИНГ СЎНИШИ

Шимоли-ғарбий Анатўлига Урта Осиёдан кўчиб келган қайи қабиласи асосида XIII асрнинг охирига келиб Европада бир қатор йирик ғалабаларни қўлга киритади. Булгория ва Сербиянинг турклар томонидан забт этилиши Венгриянинг мустақиллигига тўғридан-тўғри хавф сола бошлайди. Венгрия қироли Сигзмунд қўмондонлигидаги Ғарбий Европа рицарларидан ташкил топган юз минглик армиянинг 1396 йил 25 сентябр куни Дунайнинг ўнг қирғоғида жойлашган Никополь шаҳри бўсағасида султон Боязид I Илдириим қўшини томонидан тор-мор қилиниши туркларга шарти кетиб парти қолган. Византия империясининг қаршилигини сндириб, унинг пойтахти Константинополни эгаллашга йўл очиб беради.<sup>1</sup> Бироқ, тез орада халқаро вазиятда кескин ўзгаришлар содир бўлади ва Усмонийлар салтанатининг тақдири қил учида осилиб қолади.

Шиддатли операциялар туфайли Европанинг катта қисмини бўйсундирганлиги учун Илдириим, яъни яшин, чақмоқ лақабини олишга муяссар бўлган султон Боязид I ҳамда ўз ҳарбий қудратининг чўққисида бўлган жаҳонгир Темурбек мақсадлари кичик Осиёда тўқнаш келади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Умняков И. Из истории... б. 3; Петросян Ю. А. Османская империя. Могущество и гибель. М., Наука, 1990. б. 10—36; Рансимен С. Падение Константинополя в 1453 году. М., Наука. 1983. б. 32—54.

## РУМ СУЛТОНИ БОЯЗИД ИЛДИРИМ БИЛАН БЎЛГАН ЖАНГ

Тарихнинг далолат беришича, Темурбек ўз қўшини билан Шаркий Анатўлия сарҳадларига 1386 йили илк қадам қўйган ва Арзинжон шаҳри яқинида туркларнинг катта ҳарбий қўшинларини мағлуб этган эди<sup>1</sup>. Орадан саккиз йил ўтгач, 1395 йили Соҳибқирон бу ўлкаларга иккинчи бор юруш қилади. Усмонийларнинг Сивосгача бўлган анчагина ерлари торожга дучор бўлади. Боязид Илдириمنىнг ўғли, Сивос вилоятининг ҳокими Эртўгрул Темурбекка қарши бўлган ҳаракатларнинг бирида ҳалок бўлади.<sup>2</sup> Фатҳ этилган Сивосдан, кутилмаганда, Соҳибқирон Ҳалаб, Дамашқ ва Бағдодга қараб от суради.

Ироқ, Шом, Дашти Қипчоқ, Ҳиндистон сингари мамлакат ерларини ҳос ўзиники қилишга муяссар бўлган Темурбек салтанатнинг гарби-жанубий чегараларига яқин жойлашган Болқон ҳамда Кичик Осиёда барпо этилган қудратли Усмонийлар давлатининг кучайиб кетишдан, албатта, манфаатдор эмас эди.

1401 йилнинг қиш кунларини Қорабондаги қишлолда ўтказаетган Темурбек айни пайтда Византиянинг пойтахти Константинополни ҳам қуруқлик, ҳам денгиздан муҳосара этиб, мустаҳкам ва кучли истеҳком бўлган бу шаҳарни қўлга киритиш бахтига муваффақ бўлолмай турган Туркия Султони Боязид I Илдириим (1389—1402) қароргоҳига элчи юбориб, ундан византияликларнинг турклар томонидан забт этилган барча ерларини эгаларига қайтариб беришнинг қатъий талабини қўяди<sup>3</sup>, Темурбекнинг масалани бундай алфозда кўндаланг қўйишдан даргазаб бўлган, шунингдек, яқинлашиб келаётган хавфнинг нақадар даҳшатли эканлигини унчалик кўзга илмаган, маълум даражада манманлик ва мутакаббирликка йўл қўяётган шижоатли ҳамда қизиққон Боязид ўз навбатида дағал, ҳақоратомуз сўзлар билан битилган жавоб мактубини Соҳибқиронга йўллайди.

Ибн Арабшоҳ Боязид мактубининг қуйидаги куракда турмайдиган жумлалар билан тугалланганлигини алоҳи-

<sup>1</sup> Петросян Ю. А. Османская империя... б. 26.

<sup>2</sup> Қаранг: Раксимен С. Падение... б. 49; Петросян Ю. А. Османская империя... б. 27.

<sup>3</sup> Қаранг: Умняков И. Из истории... б. 3.



да қайд этади: «Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтамасдан бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради. Агар сен (биз томонга) келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсан-гу, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин.»<sup>1</sup>

Айни замонда султон ўз кучларини Константинопол қамалидан олиб Темурбекка кучли зарба бериш ниятида Анатўлига жамлай бошлайди<sup>2</sup>.

Султон Боязид Бурса шаҳрида турган чоғда Темурбек жўнатган элчи иккинчи бор ўша талаб билан унинг қароргоҳига келади. Соҳибқирон билан бўлажак жангда ўзининг галаба қозонишига тўла ишонган Боязид элчини «Майли, Темур урушини бошлайберсин. Мен у билан сулҳ тузишдан жанг қилишни афзал кўраман», — деган жавоб билан қайтариб юборади.<sup>3</sup> Натижада, Темурбек Султонга қарши юришга жазм қилади. Руи Гонсалес де Клавихо Темурбекнинг Боязидга қарши қўшин тортиш сабабини мана бундай тушунтиради. Арзияжон ҳокими Таҳартаннинг ерлари усмонийлар давлати мулклари билан чегарадош эди. Таҳартанга тааллуқли ерларга, айниқса Камоҳ қалъасига эга бўлиш ниятида бўлган Боязид ундан қалъани топширишни ва бож тўлашни талаб қилади. Таҳартан султонга бож тўлаши мумкинлигини, аммо қалъани асло бермаслигини баён қилади. Боязид Таҳартанга элчи йўллаб, қалъани нима бўлса-да, бериш лозимлигини, акс ҳолда бор мулкларидан ажралишини билдиради. Таҳартан ушбу вақтларда Эронда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган Темурбекка совга-саломлар билан мактуб жўнатади. Мактубда у Соҳибқироннинг тобеси эканлигини билдиради ва ундан мадад сўраб Боязиддан ҳимоя қилишни илтимос қилади. Темурбек Боязидга элчи юбориб, ундан Таҳартан ва унинг фуқароларига ҳеч қандай зарар етказмаслиги лозимлигини талаб қилади<sup>4</sup>.

«Равзат ус — сафо»да ўз манзилларига қайтишга ижозат берилган турк элчиси орқали султонга юборилган мактубнинг мазмунни қуйидагичадир:

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* II китоб, 258—259-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб, 258—259-бетлар. *Петросян Ю. А. Османская империя...* б. 26; *Ренсимен С. Падение...* б. 49.

<sup>3</sup> Қаранг: *Петросян Ю. А. Османская империя...* б. 26.

<sup>4</sup> Қаранг: *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник...* б. 66

Чун жиҳод ва ғизо ойини ул мамлакатда қойимдурур ва бизнинг миждозимизга мувофиқ эрмасдурким, ул диёрға мансур лашкар убуридин осиб етгай. Ва биз мунча маддори тариқин маслук тутадурмизким, агар Таҳартаннинг мутаалиқотин юбориб фарзандларнинг бирин бизнинг қошимизга равона қилсанг, то ани ўз фарзандларимиздин киромиёрқ тутадурмиз ва икки ародин муҳолифат ғубори туруб Рум мамлакати санга тоштирулғай. Ва ул диёрнинг одамлари шул васила билан форигбол ва осудаҳвол бўлуб куфор иноди дафъига ва фузжор фасоди раъига машғур бўлғай. Ва ёвуқдурурким агар муҳим бу минвол била ўтса мунинг баракоти дунё ва охиратда ҳамманинг рўзғорига восил ва мутавосил айланғай».

Рум ерларини мукаммал билувчи қулавуз — йўлбошловчилар тайин қилинган, Соҳибқирон қўшинини кўриқдан ўтказишни тавачиларга буюради. Яқинлашиб келатган жангнинг турклар учун ҳаёт-мамот жанги эканлигини, шу сабабли уларнинг бир томчи қонлари қолгунча саваш қилишлари табиий эканлигини жуда яхши пайқанган Темурбек Самарқандга чопар йўллаб, тахт вориси ҳамда валиаҳд Муҳаммад Султон мирзо ибн Жаҳонгир мирзони атоқли саркарда амир Ҳожи Сайфуддин ҳамроҳлигидаги мадад кучлар билан тезликда ҳузурига етиб келишга амр қилади. Ўзи эса Румга юзланади ва 1399 йили Боязид томонидан фатҳ қилинган, Арзинжон шаҳридан 38 км узоқликда, фронт дарёсининг тарбий соҳилида жойлашган Камоҳ қалъаси олдида тушади. Камоҳ қалъаси ғоят пишиқ, мустаҳкам ва баланд бўлиб, бир тарафидан унинг деворлари тагидан Фронт дарёси оқиб ўтса, иккинчи тарафдан буржу боруларини кенг бир водий ҳимоя қилар эди. Водийга киришнинг асло имкони йўқ эди, чунки у жой фронт дарёсига қўйиладиган прмоқ йўли эди. Қолган икки тарафда эса қир ва тепаликлар мавжуд бўлиб, у ердан қалъага яқинлашиш мумкин эмас эди. Мирзо Муҳаммад Султон ва амир Ҳожи Сайфуддин бошчилигидаги Мовароуннаҳр қўшини етиб келган, Темурбек Камоҳ қалъасини эгаллаш вазифасини валиаҳд набираси зиммасига юклайди.

Қалъа муҳосараси 1402 йилнинг май-июн ойларида бўлади. Темурбек қалъага унинг орқа томонида жойлашган эгри-бугри водий орқали яқинлашишга қарор қилади. Соҳибқирон буйруғига биноан қўшин аҳли теваккатуфда бор бўлган дарахтларни кесиб, ёғоч, хода ва шох-шаббаларни водийга ташлайдилар, унч ер билан

баробар қилиб, водийнинг эни ва бўйини тўлғазадилар. Муҳосарада қолганлар Темурбек тадбири амалга ошса бошига қандай кулфатлар тушишини фаҳмлаб қалъадан ўт, ёнаётган нафт ҳамда махсус туз, кўмир ва олтингургурт аралашмасидан тайёрланган ёнувчи мураккаб модда — боруд ташлаб ёғоч ва шох-шаббаларни ёқиб юборади. Муваффақиятсизликдан эсанкирамаган Соҳибқирон қалъани забт этишнинг бошқа бир тадбир-чорасини кўради. У лашкарга қалъа атрофидан бир халтадан тош йиғиб келишни ва сойни тошлар билан тўлдиришни буюради. Водий тошлардан тўлгач, аскарлар тўда-тўда, гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж бўлиб, унинг устидан юриб ўтиб қалъага яқинлашади. Қалъагирлик асбоб-олатлари ишга солиниб, ҳисор деворларига шоту ва нарвонлар қўйилиб, аскарлар ташланган каманд ва арқонларга осилиб юқорига кўтарила бошлайди. Фаросат билан кўрилган тадбирга ҳар қандай қаршилик кўрсатишнинг беҳуда эканлигига шак-шубҳаси қолмаган мудофаачиларнинг таслим бўлиш ва омонлик тилашдан ўзга иложлари қолмайди. Қалъага кирган Темурбек водийга келтирилган тошларни аввалги жойларига олиб бориб ташлашга амр қилади. Шундан сўнг Соҳибқирон қалъага аёнларидан Аш-Шамс номи кишини доруга қилиб, у ерни тарк этади<sup>1</sup>.

Кўп фурсат ўтмай Темурбек Анқарани қамал қилишга киришади<sup>2</sup>. Соҳибқироннинг бу ҳаракати аслида тактик тадбир бўлиб, тажрибали саркарданинг асосий мақсади Боязидни ўзининг асосий кучларини шаҳар мудофаасига ташлашга мажбур этиб, сўнг унга қақшатқич зарба бериш эди. Темурбек ишлатган тактик хийла иш беради. Тўқат шаҳри яқинида асосий ҳарбий кучлари билан турган Боязид Соҳибқирон аскарларининг Анқарани муҳосара қилиб, унинг деворлари тагидан нақблар қазитганлигидан воқиф бўлади ва қамалдагиларга ёрдам беришга шошилади.

Қаравуллар Соҳибқиронга Рум қайсари катта сонли лашкари билан тўрт фарсаҳ масофада тушганлиги хабарини етказгач, Темурбек қамални бекор қилади ва рақибини кутиб олиш тараддудини кўради. Қўшин қисмларини жанггоҳнинг жанг олиб боришга қулай ерларга

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* II китоб, 259—263-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: *Петросян Ю. А. Османская империя...* б. 26—27; *Рамсизен С. Падение...* с. 49.

жойлаштиради. Ҳудуднинг тегиригида хандақлар қазилиб, маъбуд ва маҳкамлик чоралари кўрилади. Натижада Боязид армияси ўзи учун ўта ноқулай шарт-шароитда урушга киришга мажбур бўлади. Султон черики айниқса, сув танқислиги туфайли вужудга келган ташналикдан қаттиқ азият чекади. Рум черики жойлашган ердаги маъбуд ягона булоқ ҳам Темурбек аскарлари томонидан яроқсиз аҳволга келтирилади<sup>1</sup>.

Клавихо иккала армиянинг жангголи ҳаракат (маневр)ларини қўйидагича тасвирлайди: Темурбекнинг Туркия сарҳадларига қадам қўйганлигидан хабар топган Боязид ўз йўлини ўзгартиради. Анқара қалъасида ўғруқни қолдириб, қўшинни тезкорлик билан ўз рақиб томон бошлайди. Темурбек Боязиднинг айёрона ҳаракатларидан бохабар бўлгач, Арзинжон-Сивос йўлини тарқ этади ва сўлга бурилиб, баланд тоғлар орқали юра бошлайди. Темурбекнинг бошқа томонга бурилганлигини Боязид душман қочди ҳаёл қилиб, жон-жаҳди билан Соҳибқирон кетига тушади. Соҳибқирон тахминан саккиз кун давомида тоғларда тин олади. Шундан сўнг текис йўл орқали Анқара томон равона бўлади ва у ерда қолдирилган Боязид ўғруқини қўлга киритади. Соҳибқироннинг Анқарада эканлигини билган султон у томонга иложи борица тез ҳаракат билан жўнайди. У Анқарага етиб келганда қўшиннинг тинқаси қуриган, ҳолсизланган эди. Темурбек бу маневрларни рақибини алдаш мақсадида амалга оширган эди<sup>2</sup>.

Темурбек ва Боязид ўртасидаги ҳал қилувчи тўқнашув 1402 йилнинг 25 июлида бўлиб ўтади. Манбаларда таъкидланишича, Туркия Султониинг қўшини тахминан 160 минг жангчидан иборат бўлган.

Темурбекнинг ушбу жангга қанча миқдордаги аскар билан қатнашганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Лекин баъзи тарихнависларнинг Анқара бўсағасидаги жангга икки томондан салкам ярим миллион киши қатнашганлиги ҳақидаги мулоҳазаларидан келиб чиқиб, мовароуннаҳрликларнинг сони ганим кучларидан кам бўлмаганлигини илғаб олиш мумкин.

Саркаш Рум қайсари ҳарбий ҳаракатларнинг бошланишидаёқ тактик жиҳатдан кўпол хатоликларга йўл қўяди. Қўшиннинг жанг майдонида ноқулай ўрнашиши,

<sup>1</sup> Қаранг: *Мирхонд*. Равзат ус-сафо... 176 а.

<sup>2</sup> Қаранг: *Руй Гонсалес де Клавихо*. Дневник... б. 69.

жангчилар ва лашкарбошилар орасидаги ҳарбий интизомнинг бўшлиғи, бўлажак оғир тўқнашувдан олдин олиб борилган тайёргарликнинг жуда сустлиғи, султоннинг хасислиғи туфайли аскарлар оладиган маошнинг ҳар вақт ҳам ўз муддатида берилмаслиғи сингари салбий омиллар туркларнинг Соҳибқирон билан бўладиган жангда муваффақиятсизликка учрашини маълум даражада олдиндан белгилаб қўйган эди.

Кун чиқиши билан жанг бошланади. Икки тарафдан табл ва ноғоралар урилиб, қарнай ва сурнайлар чалиниб, бутун маъракагоҳ аскарларнинг шовқин-сурон, дод-войига тўлиб кетади, еру кўк титраб, теварак атроф алғов-далғов бўла бошлайди.

Соҳибқирон армияси ўзининг анъанавий жанговар тартиби — ясолда ҳаракат қилади<sup>1</sup>. Сипоҳнинг қирқ қўшун — қисмдан ташкил этилган ҳумоюн маркази — қўлга Соҳибқирон бевосита қўмондонлик қилади, жуванғар лашкари Шохруҳ мирзо ва Ҳалил Султон мирзо иқболи билан зебу зийнат тонади. Улуг беклардан амир Сулаймоншоҳ, амир Едгор Андхудий, Рустам Тоғайбуга, Суюнжак баҳодир ва ўзга марду майдонлар амирзодалар мулозиматида бўлади. Жуванғар ҳиравулига мирзо Султон Ҳусайн, Али Султон тавачи ҳамда Мусо тайинланади. Баранғар аскарларига Амиршоҳ мирзо етакчилик қилади. Амир Шайх Нуруддин, амир Бурундук, Али Қавчин, амир Таҳартаи, Мубашшир Ҳожи, Ҳожи Абдуллоҳ Аббос, Ҳожи Сайфуддиннинг ўғли Султон Санжар, Умар Тобон, амир Шайх Иброҳим Ширвонийлар амирзода қошида туриб, хизмат камарини белларига маҳкам боғлайдилар. Баранғар ҳиравулига Абду Бакр мирзо, амир Жаҳоншоҳ, амир Қаро Усмон туркман, Таваккал барлос, Пир Али сулдуз сингари лашкарбошилар қўйилган эди.


Марказ — қўлнинг ўнг тарафида Тоштемур ўғлон, Умаршайх мирзонинг фарзанди Аҳмар мирзо, Шохсувор, Жалол бавурчи, Тобтук, Юсуф мўгул, Ҳожи Бобо сувчи, Искандар, Хиндубуга ва Хожа Юсуф сингари аъён ва ашроф ҳамда саркардалар жойлашади. Қўлнинг чап томонидан Жалол Ислои, Таваккал қарқара, Али Муҳаммад, Шохвали, Жонибек, Тангрибермиш хожа, Муҳаммад Ҳалил, Шайх Ҳусайн каби баҳодирлар ўрин олади. Бу кучларга ўзга қисмларга мададкор бўлиш вазифаси юклатилган эди. Марказ — қўлда армиянинг асосий за-

<sup>1</sup> Қаранг: *Мирхонд*. Равзат ус-сафо... 176—179 б.

Фарпайкар байроғи қадалган эди. Қўшиннинг сафлари олдида Ҳиндистон юриши чоғида ўлжа қилинган ўттизта жанговар филлар саф тортиб турар, уларнинг устида ўтирган нафгандозлар ва камонкашлар ҳар дақиқа ғанимга амал ўқини ёғдиришга тайёр эдлар.

Қарши тарафда Боязид Илдириш Рум ҳамда Фаранг мамлакатларидан жамланган ҳадсиз черикига тартиб бе-

### Боязид Илдириш қўшинининг ясоли



### Темурбек қўшинининг ясоли

риб, уларга ўзининг энг ишончли кишиларини сардор қилиб, Соҳибқиронга зарба бериш ниятида турар эди. Рум қўшинининг олд қисмида султоннинг қайниси қора либос кийган йигирма минг кишилик фарангликлардан иборат лашкари билан саф тизиб туради. Бу лашкар жангчилари бошидан оёғигача темир совутга чулганган бўлиб, кўздан ўзга аъзолари кўринмас эди. Улар устидаги жавшан бандларига қулф солинган, то қулф очилмагунча совут ва дубулгани ечиб бўлмас эди.

Лашкарнинг жувангарига княз Степан кўмондонлигидаги серб дружиначилари қўйилган эди. Черик қалби марказидан Боязиднинг ўзи ўрин олади. Ўғиллари Мусо, Исо ва Мустафони чагдавулга жойлаштиради. Рум умаросининг бошқа кўзга кўринган вакиллари ўзга амир ва пошполар билан ўзларига муқаррар бўлган ерларга ўрнашади.

Жанг муқаддимаси Мироншоҳ мирзо қўл остидаги барангарнинг ғаним жувангарига берган кучли зарбаси билан бошланади. Серблардан ташкил этилган румликларнинг бу қаноти матонат билан мовароуннаҳрликларга қаршилиқ кўрсатади.

Боязиднинг қисм кўмондонларидан бири амир Жаҳоншоҳ ва амир Қора Усмон томонидан қилинган ҳамлага бардош беролмай, ўз одамлари билан маърака майдонида юз ўгиради. Султон Ҳусайн мирзо байроғи остида тўнланган баҳодир суворийлар ҳам душманга қирғин келтиради. Темурбекдан жаңгга киришга рухсат олган Муҳаммад Султон мирзо сўл қанотга мадад беришга отланади ва румийларнинг барангарига кўмак бериш учун ошиқаётган гуруҳ билан рўбару келади. Икки тараф ўртасида уруш ангиз бўлади. Оқибат амирзода сипоҳи ғолиб келади.

Умарийайх мирзонинг ўғли Пир Муҳаммад мирзо, Искандар мирзо, Султон Аҳмад мирзо ва амир Шоҳмалик, мубориз аскарлар билан илгари юриб, Рум черикидан кўп кишини қиличдан ўтказди. Шундан сўнг Соҳибқироннинг барча амирзодалар, умаролар, нўёнларнинг биргаликда жасорат ва мардоналик кўрсатиб, Боязидга ҳужум қилиш тўғрисидаги ҳукми қисмларга ёйилади. Қўшиннинг барангаридан Мироншоҳ мирзо, амир Жаҳоншоҳ, амир Шайх Иброҳим, Аббоснинг ўғли Ҳожи Абдуллоҳ, амир Ҳожи Сайфуддиннинг ўғли Султон Санжар, шунингдек, Шохруҳ мирзо, Ҳалил Султон мирзо, амир Сулаймоншоҳ, Рустам Тоғайбуга ва ўзга номдор

амиру беклар, уруш майдонининг шершикор қахрамонлари иттифоқ бўлиб румликларга ташланади.

Муҳаммад Султон мирзо ганим барангари жойлашган ерни эгаллашга муваффақ бўлади. Боязид вазиятнинг бу тарзда жиддийлашганидан таҳликага тушиб, ўз барангарига кўмакка келади ва мирзони эгаллаган жойидан суриб, ўзи у ерга жойлашиб олади. Черикнинг шикаст топган ўнг ва сўл қанот жингчилари султон атрофида тўплана бошлайди.

Кечаётган ҳолатни синчковлик билан кузатиб ва таҳлил этиб турган Соҳибқирон ҳамда падари бузрукворининг мулозими бўлиб турган Шохруҳ мирзо Боязид Илдирым томон равона бўлади. Мироншоҳ мирзо, Султон Ҳусайн мирзо, барангар ва жувангарнинг сардорлари ва улуғлари ҳам ўша томон от сурадилар ва султон ҳамда унинг қисмларини ҳалқага оладилар. Моҳир мерганлар томонидан ёғдирилган ўқ ёмғири румликларга катта таълаф келтиради.

Шиддатли тўқнашув кескин ва узоқ давом этади. Ниҳоят, Темурбек қисмларининг қисувига бардоши қолмаган султон аскарлари чекина бошлайди. Боязид кўмондонлигидаги жангчилар сўнгги нафасгача қаршилиқ кўрсатишда давом этади. Янничарлар битта қолмай қириб ташлангандан сўнг Боязид ва унинг иккинчи ўғли Мусо Темурбек аскарлари, аниқроғи Соҳибқирон томонидан 1388 йили Чигатой улуси хонлигига кўтарилган Султон Маҳмудхон ибн Суюргатмишхон тарафидан асир олинади<sup>1</sup>.

Султоннинг тўнгич фарзанди Сулаймон серблар паноҳида жанггоҳдан қочишга муваффақ бўлади. Туркларнинг жанг майдонидан қочиб қутилган гуруҳлари Анадўлиҳисор қалъасига кириб яширишади...

Фотиҳ Темурбек музаффар армияси билан бутун Ғарбий Анатўли бўйлаб зафарли юришини давом эттиради. Жиддий қаршиликка дуч келмаган Соҳибқирон қўшини Конья вилоятини талон-тарож қилади. Усмонийлар салтанатининг қадимий маркази Бурса ҳамда Даниэли ва Измир шаҳарлари ёқиб юборилади. Темурбекнинг Анатўлига қилган ҳарбий сафари чоғида эришган ажойиб ютуқларидан яна бири унга кучли истеҳкомга эга бўлган Измир қалъасининг таслим бўлишидир<sup>2</sup>. Измирни мудо-

<sup>1</sup> Қаранг: *Бартольд В. В. Улугбек и его время...* б. 48.

<sup>2</sup> Қаранг: *Петросян Ю. А. Османская империя...* б. 27.



фаа қилаётган родос рицарлари Соҳибқироннинг қалъа-  
ни жавг-жадалсиз топшириш ҳақидаги талабини рад  
этади. Тинчлик йўли билан Измирга эга бўлиш режаси  
амалга ошмаган Темурбек уни раъдлардан тўпга тутиш-  
га амр қилади. Қалъа деворларига бақамти саркўблар  
барпо этилиб, у ерга ғилдиратиб чиқарилган манжаниқ  
ва арродалардан мудофаачиларга қарата тошлар отила-  
ди. Қалъа деворлари тагидан нақблар қазилиб, улар  
шоҳ-шаббалар билан тўлдирилади ва ёқиб юборилади.  
Истеҳкомнинг турли жойларидан раҳналар очилади. Со-  
ҳибқирон Измирнинг бошқа шаҳарлар билан қилаётган  
адоқасига чек қўйиш мақсадида шаҳар бандаргоҳ (га-  
ван)ини тош билан тўлдиришга қарор қилади. Икки  
ҳафталик муҳосарадан сўнг шаҳар қаттиқ ҳужум йўли  
билан Соҳибқирон томонидан фатҳ қилинади. Мудофаа-  
чиларнинг бир қисми очик денгиз орқали қочишга улгу-  
ради. Қочолмай қолганлар Темурбек аскарлари томони-  
дан қатли омга гирифтор бўлади.

Темурбек вақтинчалик ўз бирлигидан, мавжудлиги-  
дан маҳрум бўлган усмонийлар сарҳадларини 1403 йили  
тарк этар экан, Ойдин, Гармиён, Қараман ва бошқа бир  
қатор бейликларга мустақиллик беради. Усмон авлодла-  
ри тасарруфидаги ерларни Соҳибқирон Боязид I Илди-  
римнинг тўрт ўғлига бўлиб беришни маъқул кўради.  
Натижада ака-укалар орасида тахт учун кураш бошла-  
ниб кетади ва у бир неча йилларга чўзилади<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, Темурбек ҳукмронли-  
ги даврида ҳарб иши ва ҳарбий санъат ўзининг олий по-  
ғонасига кўтарилди. Соҳибқирон барпо этган қудратли ва  
ўта интизомли армия жаҳоннинг ўша даврдаги энг ил-  
гори сифатида кейинчалик буюк саркардалар, тарихчи  
олимлар томонидан эътибор этилди, бир неча аср-  
лар мобайнида ҳарб ишида андоза вазифасини ўтади.

Соҳибқироннинг ҳарбий таълимоти бугунги кунда  
ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Темурбекнинг ҳар-  
бий маҳорати, жаҳон ҳарб санъатидаги новаторлиги  
Республикамиз сарҳадларини кўз қорачигидай сақлаш  
мақсадида барпо этилган Миллий армиямизнинг ҳар бир  
аъзоси учун дастуруламал бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>1</sup> Қараг: Петросян Ю. А. Османская империя... б. 28.  
259-бетлар.

## ЯКУНЛАНМАГАН ЮРИШ

Деярли ўттиз беш йиллик ҳарбий ҳаракатлар натижасида кўндан-кўн юрт ва мамлакатларни ўзи асос солган қудратли салтанат тасарруфи доирасига киритишга муваффақ бўлган Темурбек 1404 йилнинг сўнгги кунлари яқинлашиб келаётган дамларда дилига анча муқаддам туғиб қўйган, фикру зикрини чулғаб олган орзу, яъни турли-туман ажойиб-гаройиблардан ташкил топган, Мо-вароуннаҳр авзоига нисбатан гоётада сирли ва ажиб туйилган Хитой ўлкасига қадам ранжида қилиш режасини рўёбга чиқаришга қатъий қарор қилади.

Бу пайтга келиб Темур давлати ва Хитой мамлакати ўртасидаги дипломатик алоқалар маълум даражада йўлга қуйилган, савдо карвонлари «Буюк инак йўли» бўйлаб қатнаб турар эди.

Баланд тоғлар ортидаги поёнсиз ерларда жойлашган Хитойга бориб-келиб турган дожирлар, савдогарлар, элчилар Темурбекка бу юрт ҳақидаги керакли маълумотлар — қўшинлар сони, қурол турлари, жанг қилиш усуллари, шунингдек йўллар, кечувлар, доволар, даралар ва ҳоказо ҳарбий аҳамиятга молик хабарларни етказиб турар эди.

Соҳибқирон сўнгги йилларда Хитойда содир бўлган сиёсий ўзгаришлар, яъни мўғулларнинг бу заминдан қувиб чиқарилиши ва маҳаллий Мин сулоласига асос солиниши Чинда яшаётган мусулмонлар аҳволининг кескин ёмонлашувига сабаб бўлганлигидан, айниқса, Мин сулоласи асосчисининг исломга душманлик назари билан қараётганлигидан яхши хабардор эди.

Низомуддин Шомийнинг таъкидлашича, Темурбек 1399 йил қиш мавсумини Қорабонда ўтказаетган чоғда Хитой ҳоқонининг ўлиmidан маълум фурсат олдин арзимаган баҳона билан юз мингдан зиёд аҳли мусулмонни қатл этганлиги, ўз ҳукмронлиги остидаги эл-улусларда мавжуд бўлган исломни йўқ қилганлиги тўғрисидаги мудҳиш хабарни эшитади<sup>1</sup>.

Соҳибқирон аҳли мўминларни улар бошига тушган зулму жафодан ҳалос қилишга, Мин давлатининг кучайиб кетишини олдини олишга қандай йўл билан эришиш мумкинлиги тўғрисида кўп бош қотиради. Ва ниҳоят,

<sup>1</sup> Қаранг: Баргольд В. В. Улугбек и его время. Сочинения. Т. II, ч. 2. М., 1964. с. 68.

бунинг учун урундан бошқа илож йўқлигига иқдор бўлади.

Шарқ томонга бўлажак юришга бир неча йил давомида пухта тайёргарлик кўрган Соҳибқирон фармони олий эълон қилиб, тавачиларга тезда лашкарнинг сонини ҳисобга олиш, изофа-кўмакчи кучлар бераолувчи вилоят, шаҳар ва туманларни рўйхатга киритишга ҳукм қилади.

Ҳумоюн хабар элтувчи буйруқлар — тавачилар орқали салтанатнинг барча томон ва чеккаларига қанот қоқади. Вилоят, юрт, ўлка, музофотларнинг ҳокимлари, атоқли саркардалару лашкарбошилар олий бош кўмондоннинг муҳри билан зийнатланган ёрлиқларга бўйин эгиб, буйруқда аниқ кўрсатилган миқдордаги аскар, қурол-яроғ, аслаҳа-анжом, озиқ-овқат ем-хашак билан ваъдалашган жой — миод ерига белгиланган муддатда етиб кела бошлайди.

Темурбек боргоҳининг тупроғи Эрону Турон, Хуросону Озарбайжон, Мўғулистону Дашти Қипчоқ ва ўзга юрт улугларининг бўса жойига айланади.

Ўрдугоҳга йиғилаётган черик аҳлини тавачилар тартибга солиб, уларнинг сонини дафтарларга киритадилар. Ўнлик, юзлик, минглик, туман бекларидан тартиб жангчиларнинг ҳар биригача улуфа — маош, инъом ва тортиқлар берилади.

Ушбу масъулиятли сафарга мутасадди бўлган ҳарб аҳли қурол-яроғ, аслаҳа-анжом, кийим-кечак ва ҳоказоларни тартибга келтириш, синону қиличларни ўтқирлаш, қалқону зирихларни таъмирлаш, айилу узангиларни шайлаш сингари ишлар билан машғул бўлиб турган чоғда Темурбек давлатнинг бошқа зарур ва кечиктириб бўлмас юмушлари билан банд бўлади. Сарой Мулкхоним мадрасасига келиб тушган Соҳибқирон суюкли набираси Нир Муҳаммад ибн Жаҳонгир мирзога тулпор от, зарбоф тўп, мурассат камар ва ҳокимлик нишони ҳисобланувчи жипга инъом қилиб, уни Жанубий Афғонистоннинг Зобулистон вилоятиги бошқаринг учун жўнатади<sup>1</sup>.

Шу асосда Самарқандга Миср кишварининг ҳукмдори Малик Фарруҳдан Темурбекнинг ашаддий ғанимлари ҳисобланиши Султон Аҳмад жалойир ва Қора Юсуф

<sup>1</sup> Хитой юриши билан боғлиқ воқеалар баёни аксар ҳолларда Мирхондинг Отаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Равзат ус-сафо» асаридан олинган. Қаранг: *Мирхонд*. Равзат ус-сафо... 213 а — 217 а.

туркманларнинг ҳибсга олиниб, банди қилинганлиги ҳақидаги нома билан элчи келади. Соҳибқирон Миср элчисига марҳамат назари билан қараб, уни подшоҳона ва тухфалар билан ҳурсанд қилади.

Шундан сўнг Малик Фаррухнинг ҳибсдаги Султон Аҳмад жалойирнинг қўл-оёғини кишанлаб, зудликда Самарқандга юбориш зарурлиги қайд этилган мактуб элчига топширилади ва унга юртига қайтиб кетишга ижозат берилади.

Айни шу кезларда пойтахтга фаранг ва Дашти Қипчоқдан ташриф буюрган элчиларга ҳам ўз масканларига жўнаб кетишга рухсат этилади.

Элчиларни кузатиш маросими билан боғлиқ ишлар ниҳоясига етгач, Соҳибқирон Тошкент, Сайрам, Акпара, Янги (Авлиё Ота), Мўғилистон вилоятининг Хитой чегарасигача бўлган ҳукуматини амирзода жуванбахт Улугбек Қўрагон ибн Шохруҳ мирзога, Андижон, Ахсикат, Хўтан, Қошғар вилоятларининг ҳокимлигини эса амирзода Иброҳим Султон ибн Шохруҳ мирзога марҳамат ва мурувват қилганлигидан аркони давлат, беку бекот, амиру умаро, фозилу фузало, фақир уфқарони хабардор қилади.

Эндигина ўн бир баҳорни қаршилаган ёш мирзолар Темурбекка ўзларига кўрсатилган лутфу иноятлар учун чексиз миннатдорликлар билдириб, салтанат тахт поясига мулозимлик қилишга тайёр эканликларини изҳор этиш билан бирга боболаридан инъон этилган юртларга жўнаб кетмасдан у кишининг музаффар лашкаргоҳида қолишга ижозат сўрайдилар.<sup>1</sup> Оз фурсатдан кейин Пир Муҳаммад Тоғайбуга, Шайх Баҳдул, Баён Темур Оқбўга, Муҳаммад Озод сингари номдор лашкарбонилар қўшиннинг асосий кучларидан ташкил топган ўнг қўл — барангар қисмларини тўпланиш ўрни қилиб тайинланган Тошкентда жамлаш учун Сайрам, Шохруҳия ва ўзга вилоятларга илдам равона бўладилар.

Бибиҳоним мадрасасидан отланиб, Кўксаройга тушган Соҳибқирон ўзининг ноиб этиб белгиланган амир Бурундуққа сафарга отланаётган қўшиннинг аниқ сонини олиш, сипоҳнинг қурол-яроғ, озиқ-овқат, уст-бош, ем-хашак билан қай даражада таъминланганлигини аниқлаш, эҳтиёткорлик ва хавфсизлик чораларини кўриш каби вазифаларни юклайди.

<sup>2</sup> Қаранг: Бартольд В. В. Улугбек и его время... с. 71.

Ўз хизмат бурчини сидқидиллик билан ўташга киришган амир Бурундуқ Темурбекка Мовароуннаҳр, Туркистон, Ҳоразм, Балх, Бадахшон, Хуросон, Мозандарон, Итил бўйи ерларидан йиғилган икки юз минг кишилик отлиқ ва пиеда қўшиннинг Хитой сафарига шай турганлиги ҳақида ахборот беради...

Кези келганда қайд этиш лозимки, «Равзат ус-сафо» муаллифи Мирхонд темурий амирзода Султон Аҳмаддан Темурбек Кўрагон қўшинининг адади, яъни сони битилган девонхона дафтарининг унинг қўлида эканлиги ва бу дафтарда Хитойга сафарга отланиш учун мўлжалланган икки юз етмиш икки минг олти юз ўн икки аскарга маош — улуфа берилганлиги ҳамда шу даврга келиб Соҳибқирон армиясининг умумий сони саккиз юз минг суворий ва пиедалардан иборат эканлиги ҳақида маълумот борлигини қайта-қайта эшитганлигини ёзади.<sup>1</sup>

Амир Бурундуқдан керакли ахборотни олган Темурбек барангар — ўнг қанотга Ҳалил Султон ибн Мироншоҳ мирзо, Аҳмад ибн Умаршайх мирзоларни бош қилиб, уларга амир Худайод Ҳусайний, амир Шамсуддин ибн Аббос баҳодир ва ўзга қўшун ва туман бекларини мулозим қилиб Тошкент, Сайрам ва Шоҳруҳияни ўз аскарый қисмлари учун қишлоқ қилишларини буюради.

Сўл қанот — жувангар қўмондонлиги Султон Ҳусайн (Соҳибқирон қизининг ўғли) Мирзога топширилиб, мазкур қўшиннинг Ясси (ҳозирги Туркистон) ва Сабронга бориб, қишни ўша ерларда ўтказишига фармон қилинади. Самарқанд ҳукуматини вақтинчалик бошқариб туришни амир Аргуншоҳга, молия ишлари билан машғул бўлишни Шайх Чехрага ҳукм қилган Темурбек 1404 йилнинг 27 ноябрида қўшиннинг маркази — қўлга раҳбарлик қилиб, қўбундек ёрқин байроқу ой кўривиншли аламларин ҳилиратиб, кўсу ноғораларни уриб, Хитой томонга қараб йўлга чиқади ва Қорабулоқ мавзеида ором олиш учун тўхтади. Ушбу мавзеда барпо этилган лашкаргоҳга, теваарк итрофдаги ерлардан аскарлар турух-турух, фавж-фавж бўлиб келиб қўшилади. Бир оз муддатдан сўнг Қорабулоқдан отланган қўшин анчагина масофа йўл босиб, Тошкент мавзеига етиб келгач, ҳавонинг авзон бирдан бузилиб, еру осмонни зулмат қоплайди. Изгирин шамол эсиб, ҳавонинг ҳарорати кескин пасаяди. Аввал кучли ёмғир, сўнгга қалин қор ёғади.

<sup>1</sup> Қаранг: *Мирхонд. Равзат ус-сафо...* 214 а.

Қаттиқ совуқ шиддатидан аскарларнинг аъзойи-баданни титрайди, ёнаётган гулханлар сўнади, оқиб турган кўлу — дарёлар музлайди, дарахтларнинг шохлари оқ либосга бурканади, тепаликлардан сойлик ва жарликларга томон шарқираб оқаётган ирмоқу жилгалар яхлайди, ҳайвонлар ўз тўқайзору уяларига яширинади. Борлиқ бу совуқ офатидан қутулиш илинжида Аллоҳдан паноҳ тилайди. Совуқ даҳшатидан замин юзи саргаяди, боғларнинг кўрку жамоли ғуборсимон тусга киради, майсазор ва чаманзорларнинг жисми сулиб, улардаги гўзаллик ва кўркемликдан нишон қолмайди.<sup>1</sup>

Соҳибқирон қўшини Туронзаминда шу вақтда қадар бўлмаган жуда кучли совуқнинг хуружига эътибор бермай, от-уловларга ёпинчиқлар ёпиб, аскарлар чакмону совутлар кийиб, юришда давом этади ва илгарироқ қишлоқ учун тайёрланган Оқсулотдаги бошпаналарда мақом тутайди.

Оқсулотда Темурбек 28 кун давомида, яъни 1404 йилнинг 25 декабригача қолиб кетади. Бекларнинг, хосларнинг кўпчилигини қишни ўтказиш, отларни емлаш учун Тошкент жўнатади. Ўрдугоҳда амир Шайх Нуруддин, амир Шоҳмалик, амир Хожа Юсуфлардан бўлак саркардалар қолмайди.<sup>1</sup>

Қуёш жадий буржига кириши билан, яъни 1404 йилнинг 22 декабридан совуқнинг шиддати янада зўраяди. Ибн Арабшоҳнинг тасвирлашича, агарда бирор киши нафас чиқарса, унинг нафаслари соқол ва мўйлови билан музлаб қолар, агар киши туфласа, туфуги ерга бориб етмай, яхлаган ўқ сингари ерга қадалар эди<sup>2</sup>.

Мана шундай огир шароитга қарамай Соҳибқирон 25 декабр куни Оқсулотдан йўлга чиқади ва муз билан қопланган Сирдарёдан эсон-омон ўтиб, 1405 йилнинг 14 январида Ўтрорга етиб келади.

Ўтрор ҳокими Бердибекнинг уйига тушган Темурбек Хут ойининг ўртасида ҳаракатга келиши лозим бўлган барангар, кўкламнинг дастлабки кунларида юришга чиқишга тайёр турган жувангар ва ўзи раҳбарлик қилаётган марказ — қўл қисмлари босиб ўтиши мўлжалланган

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб. 319 б.; *Мирхонд. Равзат ус-сафо...* 214 б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Фасик Хавафи. Муджмал-и фасихи (фасихов свод).* Перевод, предисловие, примечания и указатели Д. Ю. Юсуповой. Ташкент, Фан, 1930. С. 125—126.

<sup>2</sup> Қаранг: *Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур...* I китоб. 321 б.

йўлларнинг аҳволини билиш мақсадида Сайрам ва Кулон томонга кишиларни жўнатади. Борганлар у ерларга икки наъза бўйи қор тушганлигини, қални қор касратидан йўлларнинг, дараларнинг бутунлай бекилганлигини маълум қиладилар.

Шу аснода дашту саҳроларда сарсону саргардон кезиб юрган Тўхтамишхон ўзининг содиқ навқари Қорахожани Ўтторга Темурбек хузурига элчи этиб юборади.

Девонхонада Чингизий хонзодалар, темурий мирзо-лар, йирик саркардалар билан юриш бобида суҳбат қилиб ўтирган Соҳибқирон қабулига таъриф буюрган Қорахожка Тўхтамишхоннинг Темурбек билан бўлган жангу жадалдан, сўнг кўп азоб-уқубат чекканлиги, душманлари таъқибидан қочиб, чўлу биёбонларда оч-ялангоч юрганлиги, энди Соҳибқирон гуноҳларидан кечиб, унга марҳамат кўрсатса, ортқи итоат ва тобелик доирасидан ташқарига чиқмаслиги ҳақидаги тавба-тазарруга онд сўзларини баён этади.

Соҳибқирон элчига лутф кўрсатиб, Тангри таоло изн берса Хитой юришидан кейин ўзаро уруш ва низолардан боши чиқмай қолган Дашти Қипчоқ ва Жўми учусини гина — кудурат бўлганчидан мусаффо этиб, Тўхтамишга топширишга жазм қилганлигини хонга етказишни Қорахожкага тавсиялайди.

1404 йилнинг 9 февралда Темурбекнинг соғлиги тўсатдан ёмонлашиб, иситмаси кўтарилиб кетади. Соҳибқироннинг хос табиби мавлоно Фазлуллоҳ томонидан беморни дарддан халос қилиш йўлида қўлидан келган барча илож ва муолажаларнинг қилиниши ҳеч қандай натижа бермайди.

Қазо вақти етишайтганлигини сезган Темурбек ифғатойини маликаларни, жуванбахт амирзодаларни, зафар ёр улуг амирларни ўзининг қонига ундаб, уларга мулк ва миллат, дин ва давлат, қўшини ва раёятни бошқаришда мавжуд қонуи қондаларга риоя қилиш, адолат билан сиёсат юритиш, Опа-эмин туяроғини ғаразли назардан кўз қорачигидай сақлаш борасида бир неча сўзлар айтади.

Ўлимидан олдин Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир мирзони ўзининг валиаҳди — тахт вориси этиб белгиланганлигини, шунинг сабабли қолган барча шахзодалару лашкарбошилар Пир Муҳаммаднинг тахт меросхўри эканлигини таъ олиб, унинг итоатларидан бўйни товламасликлари ҳақида қасам пичишларини талаб қилади.

1405 йилнинг 18 феврал куни шом билан ҳуфтоининг орасида Ҳазрат Соҳибқирон Темурбек Кўрагон бир неча бор калимаи тойибани такрор этиб, азиз жонини Яратганнинг қўлига топширади<sup>1</sup>.

Соҳибқироннинг шамсий йил ҳисоби билан 70 ёшда тўсатдан вафот этиши Хитойга қилинган ҳарбий юриш-ни давом эттириш ва уни ниҳоясига етишига имкон бермади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Мирхонд*. Равзат ус-сафо... 217 б; *Фасих Хавафи*... б. 126; *Якубовский А. Ю. Тимур*... б. 73 ва ҳ.



## ХОТИМА ҶУРИДА

Атоқли саркарда, буюк давлат арбоби, истеъдодли ташкилотчи, ватанпарвар ва халқпарвар инсон Темурбек Қўрагоннинг Туркистон халқларини бирлаштириш, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий нуқтаи назардан кучли империя тузишдек ўта масъулиятли вазифани уddалаш борасида тинмай фаолият кўрсатганига салкам етти аср бўлди.

Бу йил, яъни, 1996 йили истиқлол нашидасини сураётган эрксевар халқимиз ўзининг улуг ўғлини Соҳибқирон Темурбек ибн Тарағай таваллуд топган куннинг 660 йиллигини таътанали нишонлайди.

Республика Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган қарорида бу шонли сананинг Ватанимизда кенг миқёсда нишонланиши алоҳида таъкидланади. Шунга мувофиқ «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни» мавзuida халқаро илмий анжуман ўтказиш, махсус халқаро сайёҳ йўллари очиш, Соҳибқирон номи билан бевосита боғлиқ бўлган обидалар ва қадамжоларни таъмир этиш ва сайилгоҳларга айлантириш, жаҳонгирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида асарлар нашр қилиш, бадиий, ҳужжатли фильмлар яратиш каби ишларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилган.

Ушбу рисолада Темурбекка бутун жаҳон кўламида шуҳрат келтирган, номини Машириқдан Мағрибга қадар дoston қилган асосий сифати, яъни саркардалик истеъдоди ҳақида юритилган мулоҳазалар Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги кўндан-кўн, тарихий-илмий асарларда келтирилган ҳужжатли материалларга асосланган.

Муаллиф мазкур мўъжаз рисолада буюк ватандошимиз Темурбек Қўрагоннинг жаҳон ҳарб иши ва ҳарб санъатиини ривожлантириш борасида олиб борган сайъ-ҳаракатлари ҳақида маълум даражада китобхонларга маълумот берадиган, беҳад мамнун бўлуp эди.

## ЎУФАТ

- Адовий** — порох, дори  
**Адув** — ёв, ғаним, душман  
**Алам** — байроқ, ялов  
**Амирул-умаро** — бош қўмондон  
**Аррода** — тош иргитувчи мослама, манжавиқ  
**Ахтари** — сарой отбоқари  
**Бавурчи** — сарой ошпази, бакавул  
**Барангар** — қўшиннинг ўнг қаноти  
**Барангар ҳиравули** — ўнг қўл, ўнг қанот авангарди  
**Бекларбеги** — бош қўмондон, амирул — умаро  
**Боргоҳ** — ҳукмдор чодир; ҳукмдор қабулхонаси  
**Бору** — қалъа девори  
**Будал** — қисмларнинг жойлашиш ўрни, позиция  
**Бурж** — қалъа деворининг чўққиси, минора; шаҳар деворининг бурилиш жойларига қурилган ва соқчилар турадиган қоровулхона  
**Бурқа** — яккама-якка олишув чоғида паҳлавонлар юзига тутиладиган симли ниқоб  
**Бўлжар** — ҳарбий қисмларнинг йиғилиш ўрни, қўшин тўпланиш учун белгиланган жой  
**Бўлук** — полк  
**Гузар (гоҳ)** — кечув, кечик  
**Дафтардор** — крим-чиқим, ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланувчи  
**Доруға** — шаҳар, қалъа, қўрғон бошлиғи  
**Дору** — порох, дори  
**Дорухона** — тўпнинг порох солинадиган қисми  
**Еги** — ёв, душман, ғаним

**Жибба** — совут

**Жиббахона** — ислаҳхона, қурол-яроғ омбори

**Жидол** — жанг, саваш, уруш

**Жувангар** — қўшнинг чап қаноти, сўл қўл

**Жувангар ҳираули** — чап қанот (қўл) авангарди, илғор қисми

**Ички** — сарой мулозими

**Каманд** — ҳалқа, сиртмоқ; арқон

**Кежим** — жанговар от ёпинчиги

**Куран** — аравалар ёрдамида доира шаклида қурилган лашкаргоҳ,  
лагер

**Кўрага** — ногора

**Кўс** — довул, катта ногора

**Манжаниқ** — тош отиш қуроли, катапулта

**Манглай** — илғор қисм, авангард

**Масоф** — жанг, саваш

**Машвараш** — ҳарбий кенташ

**Маърака** — жанг, уруш

**Маъракагоҳ** — жанггоҳ, жанг майдони

**Минибег** — минг жангчидан иборат қисм қўмондони

**Минглик** — минг аскардан иборат ҳарбий қисм

**Миод вақти** — ваъда вақти, келишилган вақт

**Мубориз** — баҳодир, паҳлавон

**Мужда** — хабар

**Мушпий** — девонхона котиби

**Мурчил** — қисмларнинг жанговар сафар тартиби

**Муқотала** — жанг, уруш

**Муҳосара** — қуршов, қамал

**Мўнду** — ўткир тигли (учли) санчиқ

**Найзавар** — найзодор

**Нақб** — ер ости йўли

**Нақбкан** — ер ости йўли, яъни нақб қазувчи

**Новакандоз** — ўқ — ёйчи

**Пешкан** — совға, тортиқ

**Раъд** — тўп, замбарак

**Раъдандон** — тўпчи, раъд тўпи отувчи

**Сангаддон** — тош отувчи

**Саркўб** — қалъа, қўрғон деворлари ёнида сунъий равишда ҳосил қилинган тупроқ уюми  
**Саропарда** — ҳукмдор чодир, ҳаймаси  
**Сонсиз** — Темурбекнинг шахсий гвардияси  
**Сирчи** — шиша ясовчи уста  
**Суюрғал** — зодагонларга маълум шарт ва имтиёзлар асосида бериладиган ер-мулк  
**Табарзин** — ойболта  
**Табл** — довул, ногора  
**Тавачи** — ҳукмдорнинг фармони қисмларга етказувчи амалдор, адъютант  
**Талоя** — тунги соқчи гуруҳ  
**Тахшандоз** — тахш (арбалет) отувчи  
**Тиркаш** — ўқдон  
**Туман** — 10 минг кишилиқ ҳарбий қисм, дивизия  
**Туманбеги** — туман қўмондони, генерал  
**Тунқал** — қўшиннинг белгиланган (миод ери) жойга тўплавши тўғрисидаги олий бош қўмондон буйруғи  
**Тура** — одам бўйига тенг қалқон  
**Тўқмиш** — жанг, саваш  
**Улуфа** — аскарлар маоши  
**Фавж** — гуруҳ, отряд  
**Фатила** — пилик, ўт пилиги  
**Хабаргир** — айғоқчи, жосус, разведкачи  
**Худ** — баҳодирлар дубулгаси  
**Чанавул** — қўшин сўл қанотининг бир бўлаги  
**Чапар** — ҳандаклар гирдига ўрнатилган четан  
**Чарга** — ов, шикор  
**Чагдавул** — қўшиннинг арьергарди  
**Чаҳоройна** — совут, зирих  
**Черик** — қўшин, лашкар  
**Шабихун** — тунги хужум  
**Шақавул** — қўшин ўнг қанотининг бир бўлаги  
**Шиб** — қалин ўқ ёмғир; қалин ўқ ёғдириш  
**Юзбеги** — юз кишидан иборат қисм сардори  
**Юзлик** — юз кишидан ташкил этилган ҳарбий бўлинма  
**Язак** — кундузги соқчи отлиқ гуруҳ

Ясавул — амалдорни кузатиб борувчи, соқчи, қўриқчи  
 Ясол — жанговар тартиб, саф  
 Ясоқ — жазо, ўлим жазоси  
 Унбеги — ўн кишидан иборат бўлим сардори  
 Унлик — ўн кишидан иборат ҳарбий бўлим  
 Урон — парол  
 Урдугоҳ — лашкаргоҳ, лагер  
 Утрук — қўшин ортидан келувчи кўч-кўрон, обоз  
 Қажарчи — йўлбошловчи, йўл кўрсатувчи  
 Қамурга — ов қилинадиган жой, шикоргоҳ  
 Қаравул — асосий кучлардан анча илгари юрувчи разведкачи су-  
 ворий гуруҳ, аванпост  
 Қишлоқ — қишлоқ учун мўлжалланган жой  
 Қозон — тўп, замбарак  
 Қорураандёз — ичига ёнувчи модда — нафт солинган шиша ыри-  
 тувчи  
 Қувгунчи — таъқиб этувчи, қувувчи  
 Қунбул — қўшин қанотларини ҳимоя қилувчи қисм  
 Қулавуз — йўлбошловчи, йўл кўрсатувчи  
 Қўл — қўшин маркази  
 Қўшун — ҳарбий қисм  
 Гул — қўшин маркази  
 Ҳарб — уруш; жанг  
 Ҳяравул — илғор қисм, авангард

## МУНДАРИЖА

Буюк саркарда . . . . .	3
Истеъдоднинг сайқал топиши . . . . .	6
Қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ . . . . .	41
Тўфон . . . . .	50
Ҳиндистон фатҳи . . . . .	59
Яшиннинг сўниши . . . . .	71
Яқунланмаган юриш . . . . .	82
Хотима ўрнида . . . . .	89
Луғат . . . . .	90

*Адабий-бадiiй нашр*

**Ҳамидулла Дадабoев**

**АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ**

**Муҳаррир. Ефут Раҳимова**

**Мусаввир Юлай Габзалилов**

**Расмлар муҳаррири Ю. Габзалилов**

**Техник муҳаррир. Уляна Ким**

**Мусаҳҳиҳ Моҳира Аҳмаджон қизи**

Босмаҳонага берилди 1.2.96. Босишга рухсат этилди 8.04.96. Улчам  
84×108 1/32. Рўзнома қоғози. Адабий гарнитурa. Юқори босма.  
Шартли босма табоғи 3,0. Нашр табоғи 5,14. Нусхаси 10000. Буюрт-  
ма 8045. Баҳоси шартнома асосида.

«Ёзувчи» наприётi, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот Қўмитаси ижарадаги  
Тошкент полиграф комбинатида босилди. Тошкент, Навоий  
кўчаси, 30.

**Дадабоев, Ҳамидулла.**

**Д 15**    **Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати / Масъул**  
**муҳаррир А. Ҳаюмов /.— Т.: Ёзувчи, 1996.—96 б.**

Ушбу рисолада Темурбекнинг жаҳоншумул обрӯ-эътибор ва шон-шуҳрат топишида бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик истеъдоди, ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарб санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси, у тузган армиянинг таркибий тузилиши, тактикаси ва стратегияси ҳусусида тарихий-илмий асарларда қайд этилган аниқ маълумотларга таянган ҳолда фикр юритилади.

Рисода илмий жамоатчилик вакиллари, умуман, маданий меросимиз ва тарихимиз муҳлисларига бағишланган.

**ББК 63.3(5У)**